

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Я.Э. АЛИЕВ

АГРАР БОЗОРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография

651.1

А49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Я.Э. АЛИЕВ

*АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ*

Монография

113858

650

Математика

ТОШКЕНТ –2019

УЎК: 338.43(575.1)

КБК: 65.32-1

A 49

Алиев, Я. Э.

Аграр бозорни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш [Матн] : монография / Я. Э. Алиев. - Тошкент : Инновацион ривожланиш нашириёт-матбаа уйи, 2019. - 149 б.

Дунё аграр бозорида юзага келаётган вазиятлар шуну кўрсатмоқдаки, кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспортини ўсиш суръатлари табиий-иклим афзаликлигига эга бўйлган мамлакатларда кузатилмоқда. Озиқ-овқат ҳаффиззитини таъминлаши бўйича ўтказилаётган ҳалқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айrim минтакаларида ушбу муаммо билан боғлик мураккаб вазият юзага келаёттанини таъкидлашмоқда.

Бугунги кунда сайёрамизда юз бераётган глобал иклим ўзгариши, об-ҳаво шароитларини нокулай келиши, турли зараркунандаларни кўпайиши ва бошқа табиий омиллар кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиширишга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса, мавжуд ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишида кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши глобал иклим ўзгаришининг салбий оқибатларига мослашиб борувчи ишлаб чиқариши тизимларини шакллантиришни талаб этади.

Хозирда аграр бозорни ривожлантириш тизимда мутлако янгича инновацион ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Бу борада илм-фан ютукларини амалиётга кенг татбиқ этиши, олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, тўплangan тажрибалар асосида хулоса ва тавсиялар ушбу монографияда илгари сурилмоқда.

Ушбу монография аграр соҳа иқтисодиёти билан шугулланувчи мутахассислар, илмий соҳада фаолият юритаётган олимлар, мустакил изланувчилар учун мўлжалланган.

УЎК: 338.43(575.1)

КБК: 65.32-1

A 49

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашини толонидан наширга тасвия этилган (2019 йил 29 мартағи 9-сонги баённомаси).

Масъул Н.С. Хушматов – иқтисод фанлари доктори, профессор.

муҳаррар: Кишлок хўжалиги ва озиқ овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази

Такризчилар: Б.Т. Салимов – иқтисод фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети

А.Д. Рахмонов – иқтисод фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ISBN 978-9943-5575-4-3

© Инновацион ривожланиш нашириёт-матбаа уйи, 2019.

©Я.Э. Алиев, 2019.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Аграр бозорни ривожланишини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
1.2. Аграр бозорни ривожлантришишнинг назарий масалалари.....	19
1.3. Аграр бозорни ривожлантришишнинг илмий-амалий жиҳатлари	34
II БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНІШІНІНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ...	41
2.1. Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизими самарадорлигининг ҳозирги ҳолати	41
2.2. Қишлоқ хўжалиги учун зарур асосий агроресурслар бозорини ривожланиш таҳлили	54
2.3. Қишлоқ хўжалигига фаолият юритаётган агрохизматлар бозорлари ривожланишининг ҳозирги ахволи	63
III БОБ. АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНИШНИИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	85
3.1. Аграр бозорни ривожлантришишнинг ташкилий-иктисодий асосларини таъминлаш йўллари.....	85
3.2. Аграр бозорни ривожлантришишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш	98
3.3. Аграр бозорни комплекс ривожлантришишни таъминлаш йўналишлари.....	103
ХУЛОСА	121
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .	133

КИРИШ

Ўзбекистон иктисодиётида кузатилаётган инклузив ва баркарор ривожланиш суръатлари барча соҳаларда Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳномалигида ишлаб чикилиб, ҳётга тадбиқ килинаётган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар натижасидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини учинчи устувор йўналишнинг учинчи бандида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш масалалари белгиланган. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиб ва сотиш, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш масалалари кўрсатилган.¹

Мамлакатимиз шароитида аграр соҳани ривожлантирмасдан туриб, миллий иктисодиётни юкори натижаларига эришиб бўлмайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги тармоғи республикамиз иктисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири хисобланади. Аграр соҳадаги туб ислоҳотларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқиш ва уларни бартараф этиш, дехкон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва шулар асосида иктисодиётни тараккий топтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири хисобланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, “...хозирги кунда жаҳон аграр ва озик-овқат бозорларида рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айниқса, хўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, консерваланган маҳсулотлар, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ун ва ун маҳсулотлари, чой, кофе, цитрус мевалар, сут ва гўшт маҳсулотлари бозорларида шундай холатни кузатиш мумкин. Бунда у ёки бу товарга бўлган талаб ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

сотувлар ҳажмига унинг ташки кўриниши, ранги, ҳажми, чиройли қадокланиши, ишлаб чиқарувчи корхонанинг репутацияси, сотувчининг хатти-харакати ва товарни таклиф эта олиш қобилияти, реклама ва бошқа омиллар кучли таъсир кўрсатади”².

Кишлок хўжалигини ривожланиши бевосита аграр бозорларни бугунги ҳолатига ҳам боғлиқ бўлиб, улар фаолиятини такомиллаштириш ўта долзарб вазифалардан ҳисоблананади.

Аграр бозорлар фаолиятидаги хусусиятлар қишлоқ хўжалиги соҳасига хизматлар кўрсатиш ва ресурслар етказиб бериш тизимини эркинлик даражасига ҳамда рақобат мухитининг шаклланишида ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бу эса агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатишини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори шаклланишида ҳал этувчи вазифалардан бирини бажаришида ўзаро номутаносибликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда ҳамда уларнинг фаолиятида ўзаро мутаносибликни таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари тизими ҳар бир субъектнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хусусийликдан умумийликка томон ўзгариб боришини таъминлаш лозим ёки аксинча.

ФАО ҳисоб-китобларига кўра, ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун 2050 йилга бориб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини 60 фоизга ошириш зурур³.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи аграр бозорни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, интенсив боғлар ташкил этиш, кўп тармокли фермер

²Киселева Е.Н., Власова О.В., Коннова Е.Б. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. http://www.plam.ru/uchebnik/rynek_prodomvolstvennyh_tovarov/p2.php.

³<http://www.fao.org/zhc/detail-events/ru/c/413837/>.

хўжаликларини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмокда. Шу боис, “таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”⁴ устувор вазифа этиб белгиланди.

Аграр тармоқда тармоқлараро баҳо ўсиши суръатлари номутаносиблиги кўрсаткичи доимий равищда давлатнинг аник дастурлари доирасида кузатиб борилиши лозим. Мазкур кўрсаткичларнинг ўзгариши динамикаси асосида тайёрланган хуносалар аграр бозорнинг ривожланишидаги фарқларни илғаб олишга ва аграр бозор таркибидаги бозорлар ривожланиши мутаносиблигини таъмин этишга хизмат қиласди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегигиси” ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й.

I боб. АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Аграр бозорни ривожланишини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамиз шароити учун аграр бозорни ривожлантариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантаришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Аграр бозор орқали нафақат иқтисодий, балки республикадаги йирик ижтимоий масалалар ҳам ҳал этилади. Чунки, мамлакат аҳолисининг 50 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларда истиқомат қилиб, аксарияти қишлоқ хўжалиги тармоғида оиласий тадбиркорлик килишади ёки дехқон хўжалигини юртиши орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ ҳолда даромадга зга бўлишади. Демак, қишлоқ оиласарининг деярли барчаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг иштирокчилари (ишлаб чиқарувчи-сотувчи сифатида) ҳисобланишади. Бу эса аграр бозорни ривожлантаришда маркетинг тизимини шакланишини талаб этади.

Иқтисодчи олимлардан Davis ва Jon ўзларини илмий ишланмаларида "...маркетингни улар санъят деб қарайди, лекин глобаллашув шароитида маркетингни мураккаб усулларини ишлаб чикиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда маркетингни келажакдаги 110 дан ортиқ асосий ўлчовлари мавжудлигини кўрсатишган жумладан, марка, мижоз, савдо, реклама, нарх ва бошқа ўлчовларни таҳлил қилиш, аграр бозорни ривожланишига хизмат килади",⁵ – деб таъкидлашган. Тўғри ҳозирги кунда аграр бозорни мутаносиб ривожланишини таъминлашда ҳалқаро маркетинг тизимисиз тассавур қилиш кийиндир.

Ҳалқаро бозорлар билан республика миллий бозори интеграциялашуви, аввало, агроресурслар бозорини ривожлантаришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш талаб этилсада, муҳим масалалардан бири қишлоқ

⁵Davis., Jon (Measuring Marketing) Ed.: Third edition. Berlin : De|G Press. AGRIBUSINESS 2017y. www.search.ebscohost.com.

хўжалигини техник куроллантириш, агротехнологияларни такомиллаштириш, аграр тармоқдаги фундаментал ва амалий тадкиқотлар кўламини кенгайтириш тақозо этилади.

Бир катор иқтисодчи олимлардан Andree., Peter Bosia., Michael J., Ayres., Jeffrey McKelvey Massicotte., Marie-Josée ўзларининг олиб борган илмий ишлари натижаларидан келиб чиқсан холда “...сўнгги йилларда жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини коорпоратив назорат қилиш, бутун дунё бўйича мамлакатларни озиқ-овқат мустақиллигини фаоллаштириш ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш аграр бозорни холати ва ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир”,⁶ - деб таъкидлашади. Сабаби, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда аграр бозор муҳим ўрин тутади.

Республикамизда шаклланган умумий бозорлар фаолияти хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, ташки бозор билан интеграциялашув жараёни назарий жиҳатдан аграр тармоқка нисбатан арzon ресурслар ва хизматларнинг кириб келишини тезлатиб, ракобат мухитини яратиш имкониятини кенгайтириши мумкин бўлсада, бу жараён узок вақт талаб этиши мумкин. Чунки, турли иқтисодий ва технологик ривожланиш даражаларида турган тармоқлар ўртасида интеграция юз бериши кийин бўлиб, амалга ошган тақдирда ҳам технологик жиҳатдан ривожланган замонавий ишлаб чиқариш технологиясига асосланувчи мамлакатлар бозорлари яққол устунликка эга бўладилар. Бу эса нисбатан пастроқ даражада ривожланган аграр тармоқка эга бўлган мамлакат миллий иқтисодиёти учун ҳам иқтисодий ва шунингдек, ижтимоий муаммолар келтириб чикаради.

Бу масалани республикамиз шароитидан келиб чиқиб изоҳлайдиган бўлсак, ривожланган давлатлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар бозорлари доирасида

⁶ Andree., Peter Bosia., Michael J., Ayres., Jeffrey McKelvey Massicotte., Marie-Josée. Globalization and Food Sovereignty : Global and Local Change in the New Politics of Food. Toronto, Canada : University of Toronto Press, Scholarly Publishing Division. BUSINESS and ECONOMICS 2014y. www.search.ebscohost.com.

интеграция жараёнига юз тутаётган бир пайтда, ташки савдони эркинлаштиришга, хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш йўналишларига турли имтиёзлар жорий этилмоқда. Бу хорижий инвестицияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келишини тезлаштиради. Аммо, шу билан биргаликда, турлича иқтисодий ривожланиш, техник куролланиш даражаси, иқтисодий вазиятга эга бўлган аграр ишлаб чиқарувчиларнинг бозор орқали интеграциялашуви амалда teng иқтисодий асосда юз бермаслиги мумкин.

Иккинчидан, босқичма-босқич бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган республикамиз кишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ривожланган бозор муносабатларига эга бўлган давлатлар аграр тармоғи билан интеграциялашуви жараёнида фарқлар мавжудлиги боисдан, алоҳида ишлаб чиқариш йўналишлари ёки маҳсулот турлари бўйичагина интеграциялашиб бориши йўлини танлаш мумкин. Бунда, аввало, ички бозорни ривожлантириш барча интеграциялар учун асос ёки бошланғич босқич ролини ўйнаши лозим. Бу шароитда энг мухими аграр бозорда шаклланган рақобатбардошлиқ ва устунлик жиҳатларидан унумли фойдаланиш ва аграр бозорнинг устунлик кўламини, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кентгайтириб бориш стратегиясидан фойдаланиш лозим.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши шароитида ресурслардан самарали ва мақбул нисбатда фойдаланишини таъминлаш учун агроресурслар бозори мувозанатига эришиши лозим бўлади.

Бир қатор иқтисодчи олимлардан Bonanno., Russo., Menapace ўзларининг чоп этилган илмий мақолаларида "...агроресурслар бозорини ривожлантиришда замонавий агротехнологиядаги сўнгги ўзгаришлар ва янги инновацион гояларни ҳамда улар холатини баҳолашда анъанавий моделлар ва шу билан бир қаторда янги

услублардан фойдаланиш зарур”,⁷ - деб ҳисоблайдилар. Чунки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида агроресурслар бозорини янги инновацион технологияларсиз тассавур килиш кийиндир.

Агроресурслар таркибига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари, ишлаб чиқариш бинолари, маҳсулдор ва ишчи чорва моллари, саноат корхоналарининг асбоб ва ускуналари кўринишдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари, ўргача йиллик вегетация даври давомийлиги, самарали ҳарорат микдори, кўёшли кун узунлиги каби табиий-иклим омиллари, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ва органик ўғитлар, уруғликлар, эҳтиёт кисмлар кўринишидаги айланма воситалар, турли молиявий институтлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит ва бошқа мақсаддаги маблағлари кўринишидаги молиявий ресурслар киритилган.

Шунингдек, бозор муносабатлари шароитида агроресурслар таркибига товарга айланиши мумкин бўлган аграр илм-фани ва техникаси ютуқлари, соҳа олимлари томонидан яратилган интеллектуал мулк обьектлари ҳам фаол агроресурслар таркибига киритилиши лозим.

Аграр бозорни профессор Н.Я.Коваленко тўртта гурухга ажратади ва булар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, қишлоқ хўжалигига керакли моддий-техника ресурслари бозори, хизматлар бозори ва маркетинг хизматлари бозорлари. Аммо, бу ерда сўнгги иккита бозорлар фаолияти иктисолий мазмуни жиҳатидан бир-бирига ўхшашиб бўлиб, уларни хизматлар бозори тарзида талқин килиш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари аҳамияти ва бажарадиган вазифалари жиҳатидан аграр бозор асосини ташкил этади. Шунингдек, аграр бозор таркибига катор бозорлар киритилиши мумкин бўлсада, уларнинг асосийлари сифатида агроресурслар бозори, агроХизматлар бозори ва агроресурслар

⁷Bonanno., Russo., Menapace., Market power and bargaining in agrifood markets: A review of emerging topics and tools. AGRIBUSINESS Том: 34 Выпук: №1. 6–23 стр. www.webofscience.com.

бозори таркибида, қишлоқ хўжалигида инновацион жараённинг фаоллашаётгани туфайли интеллектуал мулк обьектлари бозорини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча ушбу бозорлар умумий тарзда аграр тармоқда барча бозорларни ўз ичига қамраб олади.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, агроресурслар бозори, агрохизматлар бозори ва аграр интеллектуал мулк бозорлари аҳамияти ҳам бири-биридан қолишмайди. Улар факаттина бир-бири билан боғлик ҳолда фаолият юритиши мумкин. Шу боисдан барча бозорлар мутаносиб ривожлантирилган тақдирдагина аграр тармоқда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

Аграр бозор фаолиятидаги ракобат мухити нұктай назаридан баҳолайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маҳсулот етиштирувчилар кучли рақобат шароитида маҳсулот етиштириб, уни истеъмолчиларга тақдим этишади. Шунингдек, жуда қўплаб ўзаро боғлик бўлмаган истеъмолчилар ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналаридан эркин иқтисодий рақобат мухитида маҳсулотларни харид қилишади. Факат бу ерда давлат буюртмаси жорий этилган пахта ва бошокли ғалла (буғдой) маҳсулотлари ҳамда ягона истеъмолчи томонидан харид килинадиган пилла хом ашёси бундан мустасно. Мазкур ҳолатларда монопсон бозор қоидлари амал қиласди ва бу маҳсулот етиштирувчилар учун ўз маҳсулотлари билан эркин бозорда иқтисодий фаолият юритиш имконини чеклайди.

Агроресурслар бозорининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, қатор ресурслар инсон томонидан ишлаб чиқарилмайди (табиий-иклим омиллари) ва шунингдек, ҳудудий доирада жуда чекланган характеристерга эга (ер-сув ресурслари). Шунинг учун, айниқса мамлакатимизда чекланган сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда самарали фойдаланиш лозим.

Бу боради мамлакатимиз иқтисодчи олими Э.Ф.Трушинни фикрларига қўшилиш мумкин. У ўзининг илмий тадқиқотларида “...сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун макбул тўловларни ишлаб чиқиш ва ҳисобга олиш, тадқиқ килиш, сувдан самарали фойдаланувчи

истеъмолчиларни давлат томонидан иктисодий рағбатлантириш лозим”,⁸ – деб таъкидлаган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз кишлоқ хўжалигига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимини жорий қилиш ва унинг давлат томонидан кўллаб-кувватлар борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сув ресурсларни тежовчи янги технологиялар жорий этилган экин майдонларга маълум муддатларга соликдан имтиёзлар жорий қилинган ва бошқалар.

Кишлоқ хўжалигидаги асосий агроресурслардан бири ер давлат мулки ҳисобланиб кишлоқ хўжалиги корхоналарига узок муддатга ижарага берилади (30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга), дехкон хўжаликларига эса меросга қолдириш хукуқи билан муддатсиз фойдаланишга ажратиб берилади. Кишлоқ хўжалигига эркин ер бозори ривожланмаган (кишлоқ хўжалигига ер участкалари бозордаги олди-сотди муомалаларига жалб қилинмаган).

Ердан фойдаланганлиги учун фермер хўжаликлари ва бошқа кишлоқ хўжалиги корхоналари ягона ер солиги, дехкон хўжаликлари эса ер солиги тўлашади. Ердан фойдаланиш хукукини фермер хўжаликлари кредит олишда гаров сифатида фойдаланиши мумкин.

Республикада сув ресурслари чекланган ва танқислиги боисдан ундан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурати юкори бўлиб, сув тежовчи усуллар ва технологик ишланмалардан фойдаланиш давлат томонидан рағбатлантириб келинади. Айни пайтда сув истеъмолчилари бўлган хўжаликларга аниқ лимитлар асосида суториш учун сув етказиб берилади.

Мехнат ресурслари агроресурслар асосини ташкил этади. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга бўлганлиги боисдан, аҳолининг асосий кисми кишлоқларда истикомат килишига қарамай, кишлоқ хўжалигига худудий доирада мавсумий мехнат ресурслари тақчиллиги кузатилади. Айни пайтда мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тармоғига банд бўлган ишчи

⁸Трушин Э.Ф. Повышение экономической эффективности использования водных ресурсов на основе совершенствования хозяйственного механизма водопользования. Автореферат. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т-1991. 19 стр.

кучининг ортиқчалиги кузатилади. Бу энг аввало миграцион жараёнларнинг секинлиги ва аҳолининг анъанавий тарздаги миграцион нофаоллиги, қишлоқларда саноат корхоналарининг, хизматлар кўрсатиш субъектларининг яхши ривожланмаганлиги билан изохланади.

Агроресурслар бозорида рақобатни вужудга келтириш учун чет эл корхоналарини агроресурслар бозорига кириб келишига кенг шароитлар яратиш, ресурслар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг диллерлик марказларини ҳудудларда, лизинг компаниялари фаолиятини кенгайтириш масаласини ҳал этиш зарур. Маълумки, бозор иктисодиёти кўп жихатдан товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иктисодий қонунлар, яъни эркин бозордаги талаб, таклиф, баҳо механизмлари асосида бошқариладиган тизим хисобланади. Бозор ўзига хос таркибга эга бўлган мураккаб тизим хисобланади ва у хилма-хил турларга бўлинади. Масалан, айирбошлиш миқёси жихатидан маҳаллий, ҳудудий ва жаҳон бозорларига бўлинishi ҳам мумкин.

Россиялик иктисодчи олимлар И.Добрынин ва С.Тарасевичлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини куйидагича “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари – бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан саноат тармоқлари ўргасидаги айирбошлиш жараёнлари мажмумин ўз ичига олувчи иктисодий атама хисобланади”,⁹ - деб таърифлайди. Албатта, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўргасидаги фарқ жуда кисқа бўлиб, бир-бирини тўлдира олади ва ўзаро алоқада бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини икки турга, озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ва ноозик-овқат маҳсулотлари бозорларига бўлиш мумкин, бошқа томондан эса пахта бозори, ғалла бозори, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозори, сут ва сут маҳсулотлари бозори ва бошқа шу каби бозорларга ажратиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, ушбу бозорларни кисқа ихтисослашган бозорларга масалан, мева-сабзавот бозорини ўз навбатида мева бозори, ёнғоклар

⁹Добрын И., Тарасевич С. Экономическая теория. Питер-2009. 58-69 стр.

бозори, полиз маҳсулотлари бозори ва бошқа турларга бўлиш ҳам мумкин.

Иқтисодчи олимлардан Barbier ва Hochard ўзларини илмий мақолаларида “...табиий иклим шароити оғир, тупрок унумдорлиги паст, ёмғир миқдори чекланган, сув ресурслари тақчил ҳудудларда етиширилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини баҳолашда ҳалқаро молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда иклим ўзгаришларини салбий оқибатлари таъсирини ривожланган мамлакатлар ҳисобидан юмшатиш механизмлари ишлаб чиқилиши жаҳон кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини мутаносиб ривожланишига хизмат қиласди”,¹⁰ – деб ҳисоблайдилар.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори - ички (маҳаллий ва ҳудудий бозорлар) ва ташқи бозорларга бўлинади. Маҳсулотни сотиш даражасига қараб улгуржи ва чакана бозорларга, маҳсулотларни саклаш даврига қараб тез бузилувчи маҳсулотлар ва узок сакланувчи маҳсулотлар бозорларига ҳамда маҳсулот турига қараб нон ва нон маҳсулотлари бозори, сабзавот ва картошка бозори, шакар бозори, пахта бозори ва бошқалар бўлинини ҳам мумкин. Бундан ташкари, ушбу бозорлар маҳсулотнинг истеъмолга тайёрлигига қараб тайёр маҳсулотлар ва ҳом ашё бозорларига бўлинади.

Бугунги кунда республикада кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини бозорга маҳсулот таклиф қилиш хусусиятига қараб икки турга бўлишимиз мумкин бўлади, эркин бозорга таклиф килинадиган ва давлат бурютмаси асосида етишириладиган (сотиладиган) маҳсулотлар бозорлари. Бу ерда давлат буортмаси асосида етишириладиган маҳсулотлар асосан пахта ҳом ашёси ва бошокли дон (етишириладиган буғдой ва шолининг бир қисми) маҳсулотлари киради.

Эркин бозор учун ва давлат буортмаси учун маҳсулот етишириувчи фермер ва дехқон хўжаликларини асосий ресурслар

¹⁰Barbier., Hochard. The Impacts of Climate Change on the Poor in Disadvantaged Regions. REVIEW OF ENVIRONMENTAL ECONOMICS AND POLICY Том: 12 Выпуск: 1 Стр.: 26-47. www.webofscience.com.

билин таъминлаш тизимида ҳам бир қатор фарқлар мавжуд бўлиб, ушбу фарқлар энг асосий ресурсларга нисбатан қуидагида кўринишга эга (1.1-жадвал).

Бунда қишлоқ хўжалиги ерлари, экинларни сугориш учун сув ресурслари, иш кучини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ёллаш, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, уруғлик таъминоти масалаларидағи фарқлар ўзаро таққосланган. Чунки, давлат буюртмаси доирасидаги маҳсулотлар учун давлат томонидан имтиёзли нархларда, белгиланган меъёрлар асосида ресурслар етказиб бериш тизими йўлга қўйилган.

Глобал ихтисослашув хусусиятларини ёки табиий-икклим омилларини эътиборга оладиган бўлсақ, ҳеч бир давлат аҳоли истеъмоли учун зарур барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзида тўлиқ ишлаб чиқара олмайди, шунинг учун халқаро ихтисослашув талабларига риоя этилади. Бунда давлатлар томонидан ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан ўзини окламайдиган ёки етиштириш табиий иқлим шароитлари мос бўлмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошқа давлатлардан импорт қиласи (Ўзбекистон асосан цитрус меваларни харид қиласи).

Агрохизматлар бозори аграр бозорнинг муҳим ва ажралмас бир бўлгаги бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори билан доимий равишда узвий боғлиқлиқда фаолият кўрсатади. Чунки, айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида агросаноат мажмуининг пировард мақсадлари учун хизмат қиласидиган ҳом ашё етиштириш жараёни амалга ошади. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини иқтисодий самарадорлиги маҳсулотни етиштиришга қилинган харажатларга боғлик бўлади.

Республикамиз иқтисодчи олими С. Джалалов ўзини илмий ишларида “...кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлиги, ижтимоий меҳнат, яъни ишчи кучи самарадорлигини оширишда ифодаланади”,¹¹ – деб ҳисоблайди.

¹¹ Джалалов С. Перспективы внедрения капельного орошения в Узбекистане. Ж. Сельское хозяйства Узбекистана. 24-26 стр.

1.1-жадвал

Эркин ва давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштирувчи субъектларни асосий ресурс билан таъминот ҳолати¹²

Асосий ресурслар номлари	Эркин бозор учун маҳсулот етиштирувчи субъектлар (фермер ва дехқон хўжаликлари)	Давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштирувчи субъектлар (фермер хўжаликлари)
1.Кишлек хўжалиги ерлари	-узок муддатли (30 йилдан 50 йилгача) ижара асосида (ф/х); -меросга колдириши хукуқи билан умбод эгалик килиш (д/х)	узок муддатли (30 йилдан 50 йилгача) ижара асосида
2.Сув ресурслари (кишлек хўжалигига)	сув таъминоти даражасига боғлиқ ҳолда белгиланган лимит асосида худудий СИУ лар оркали	сув таъминоти даражасига боғлиқ ҳолда белгиланган лимит асосида худудий СИУ лар оркали
3.Мехнат ресурслари (иш кучи)	-ёлланма ёки мавсумий иш кучидан доимий асосда фойдаланиш (ф/х); -мавсумий иш кучидан доимий ёллаш хуқуқисиз бир марталик асосда фойдаланиш (д/х)	ёлланма ёки мавсумий иш кучидан доимий асосда фойдаланиш
Тавсия этилади:	Дехқон хўжаликларида ҳам доимий асосда иш кучидан фойдаланишдаги конунчлиликни такомиллаштириш асосида ёлланма мехнатдан доимий асосда фойдаланишни йўлга кўйиши. Бунда доимий ёлланувчи иш кучи талаб этиладиган тармоқларни конун билан белгилаб кўйиш	иш кучидан шартномалар асосида фойдаланган ҳолда ижтимоий химоясини йўлга кўйининг самарали назорат тизимини жорий килиш
4.Минерал ўғит таъминоти	биржалар оркали эркин савдо тизими бўйича харид килиш	давлат буюртмаси доирасидаги маҳсулот учун имтиёзли асосда етказиб бериш
5.Нефть маҳсулотлари таъминоти	биржалар оркали эркин савдо тизими бўйича харид килиш	давлат буюртмаси доирасидаги маҳсулот учун имтиёзли асосда етказиб бериш
6.Уруғликлар билан таъминот	шартномалар асосида эркин савдо тизими оркали харид килиш	давлат буюртмаси доирасидаги маҳсулот учун имтиёзли асосда етказиб бериш

Аграр тармоқда агрохизматлар бозорларини шакллантиришда худуднинг қайси турдаги кишлек хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга (экинлар экишга) ихтисослашгани, табиий-иклим

¹²Муаллифнинг тадқиқотлари асосида умумлаштирилган.

шароитлари, экин майдонлари ҳажми, қишлоқ хўжалиги экинлари таркиби, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ва бошқа шу каби омиллар хисобга олиниши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида агрохизматлар бозорлари талаб ва таклиф йўналишлари ўзгаришига қараб пайдо бўлади, уларнинг фаолияти эса эркин иқтисодий рақобат асосида шаклланади ва ривожланиб боради.

Агрохизматлар бозорида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сони кўпайиши, агрохизматлар бозорида рақобат пайдо бўлиб, хизматлар сифати ортишига олиб келади ва бу бозорнинг маълум қонунияти ҳисобланиши боисдан, ушбу қонуниятдан унумли фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга агрохизматлар бозорлари ривожланишида давлатнинг рағбатлантирувчи дастакларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Чунки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг нобарқарор (об-ҳавога боғликлиги, тез-тез табиий оғатлар юз бериши, экинларга касаллик ва заараркунандалар хуружи кабилар таъсирида) иқтисодий ахволи, қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи субъектларнинг ҳам иқтисодий ахволига салбий таъсир кўрсатади.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Tomek., William G., Kaiser., Harry Mason ўзларини олиб борган илмий тадқиқотларида “микроиктисодий тамойилларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини хусусиятларига мослаштириб нарх-навонинг турли йўналишлар бўйича қўллашади. Жумладан, улар фючерс шартномалари, аукцион ва келишилган шартномалар аграр бозорни тартибга солувчи механизм”,¹³ – деб ҳисоблайдилар. Тўғри аграр бозор фаолиятини тартибга солишида киймат, нарх, баҳо механизмларидан самарали фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш талаб этилади.

Юкоридагиларни хисобга оладиган бўлсак, агрохизматлар бозорининг самарали фаолият юритишида унинг институтционал

¹³ Tomek., William G., Kaiser., Harry Mason. Agricultural Product Prices. Ed.: Fifth edition. Ithaca : Cornell University Press. 2014y. www.search.ebscohost.com.

асосини барып килиш мұхим ақамият касб этиб, бунда бозорни бошқариш, тартибга солиши, хизмат күрсатувиhi субъектларнинг самарали фаолиятини таъминловчи, рағбатлантирувчи хукукий ва иқтисодий муносабатлар тизимини йўлга қўйишда давлат томонидан кўллаб-қувватлаш мұхим ақамият касб этади.

Иқтисодчи олимларидан Lauwers., Ludwig Verbeke., Vim Huylenbroek., Guido Vanлар томонидан тайёрланган “Янги институциял иқтисодиёт” деб номланган илмий ишланмада “...институциял мухитни 2 та асосий компоненти сифатида сиёсат ва бозорни күрсатадилар. Аграр сиёсатни амалга ошириш концептуал, бозор ва таъминот занжирини ташкил этиши ва амалдаги янги технологияларни танлаб олишга хизмат қылса, ресурслардан фойдаланишини самарали бошқариш аграр бозорни иқтисодий механизмларга боғлиқидир”¹⁴, - деб таъкидлайдилар. Ҳозирги кунда аграр бозорни хукукий ва иқтисодий механизамларини такомиллаштириш улар фаолияти самарали ташкил этилишига ва янги ноанъянавий хизмат турлари шаклланишига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аграр бозорни ривожлантиришда уларни институциял асосларини ўрганиш, янги инновацион гояларни шакллантириш ва амалиётта татбиқ этишда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиш, мавжуд ресурсларни самарали бошқариш ва молиявий механизмларини янада такомиллаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги товар айирбошлиш нисбати номутаносиблиги ортиб боришига кўп жихатдан саноат корхоналарини агроресурслар бозоридаги монопол вазияти ҳам сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳам қишлоқ хўжалиги тармоғи давлат томонидан доимий равишда кўмак берилишига (бу ерда саноат корхоналарини монопол вазиятига қарши ва монополия салбий окибатларини камайтириш борасида) муҳтоҷ бўлган стратегик мұхим ақамиятга молик тармоқ ҳисобланади.

¹⁴ Lauwers., Ludwig Verbeke., Vim Huylenbroek., Guido Van. Role of Institutions in Rural Policies and Agricultural Markets. Boston : Elsevier Science Ltd. BUSINESS & ECONOMICS 2004y. www.search.ebscohost.com.

1.2.Аграр бозорни ривожлантиришнинг назарий масалалари

Хозирги кунда халқаро иқтисодиётда жиддий ўзгаришлар юз бериб, у янги қиёфага кириши қайд этилмоқда. Айниқса, бундай жараёнларни озиқ-овқат дастурларини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Сабаби, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжини ўсишидан ортда қолмоқда. Бундай шароитда озиқ-овқат етишириш соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини оширишга эришиш талаб этилади. Чунки, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши уларнинг фаровон хаёт кечиришлари учун замин яратади.

Ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш учун энг аввало агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларни моддий-техник базаси мустахкамлаш, фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин. Шу сабабли, соҳада ҳам халқаро иқтисодиётда юз бераётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотлар мунгизам равишда амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади, қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигига тегишли ёрларни муҳофаза қилиш ва уларда ирригация тизимини яхшилаш, тупрокни унумдорлиги ва экинлар хосилдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилгандир.

Аграр соҳада фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини иқтисодий самарадорлигини таъминлаш мавжуд ташкилий-иктисодий ва бошқа механизмларни такомиллашганлик даражасига боғлиқдир. Тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналарда иқтисодий самарадорликни оширишни ўзига хос интенсив ва экстенсив йўлларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида интенсив ўсиш ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан яхшиланиши, тежамли

технологияларни кўлланилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш хисобига таъминланади. Экстенсив ўсиш эса четдан кўпроқ хом-ашё, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларни жалб этиш орқали амалга оширилиши хисобига амалга оширилади. Лекин, амалиётда интенсив ва экстенсив иқтисодий ўсиш бир-бири билан боғлиқ бўлиб, маълум бир шароитларда улардан бири устиворлик килади ва бу жараён аграр бозорни ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Аграр бозорни иқтисодий тараққиёти нуқтаи-назаридан қараганда, интенсив ўсиш, экстенсив ўсишга нисбатан анча самарали хисобланади. Сабаби, иқтисодиётда чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш ҳар қандай субъект учун зарурият хисобланади. Масалан, корхоналарда интенсив ўсиш турида, энг аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кам ҳаражат сарфланади, маҳсулот сифатини ортишига эришилади, оралик маҳсулотлар ҳажми камаяди. Бу жараёнлар соф маҳсулот ҳажмининг ортишига хизмат қиласи ва корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорликни ўсишига олиб келади.

Республикамиз мустакилликка эришганидан сўнг эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш бўйича амалга оширилган аграр иқтисодий ислоҳотлар, аввало, ер муносабатлари, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш йўналишида олиб борилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига босқичма-босқич давлат буюртмаси бекор қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорнинг талаб ва таклиф конуниятлари бўйича фаолият юрита бошлади.

Ишлаб чиқариш соҳаларида ресурслар харид килиш ва улардан самарали фойдаланиш масаласи ҳам ишлаб чиқарувчилар томонидан мустакил ҳал қилиниши қишлоқ хўжалигига хусусий мулкчиликка асосланувчи фермер ва дехқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга устиворлик берилиши билан боғлиқ холда юз бермоқда.

Иқтисодчи олимлардан Josling ва Tim ўзларини олиб борган тадқиқотларидан келиб чиқиб, “...давлат томонидан дехқон ва

фермер хўжаликларига оид амалга оширилган ислохотларни истеъмолчиларга таъсири, халқаро бозорлари ўртасидаги савдо ва транзит алоқаларни ҳолати, жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига амал килиш даражаси аграр бозорни ҳолатини белгилаб беради”,¹⁵ – деб ҳисоблашади. Ҳозирда жаҳон савдо ташкилотининг тартиб ва қоидаларига амал килинган ҳолатдагина етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро бозорда эркин ҳаракатланиши мумкин бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бу фаолиятини амалга ошириш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорликда бир катор ишлар амалга оширилмоқда.

Аграр бозор ҳам мураккаб тузилмага эга бўлиб, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларидан иборат бўлади. Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган ислохотларда ушбу бозорларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, бир-бири билан мураккаб муносабатда бўлиши боис уларни ривожлантиришда бозор иқтисодиёти қонунларига қатъий амал қилишини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш мухим аҳамият касб қилади.

Тадқиқотларга кўра, аграр бозорни ривожлантиришда ана шу жиҳатларни етарлича ҳисобга олиш қийинлиги, бу масалага бир томонлама ёндашиш оқибатида бир катор муаммолар келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маҳсулотлар согища ечилиши лозим бўлган қатор масалалар мавжудлиги туфайли етиштирилган ҳосил тўлиғича истеъмолчига етмасдан нобуд бўлиши ҳолатлари, етиштирилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги нисбатан паст бўлиши, ишлаб чиқарувчининг молиявий ахволига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бу ҳолатга ўз навбатида агроресурслар бозорларини етарли даражада яхши ривожланмаганлиги сабаб бўлмоқда.

¹⁵Josling., Tim. Farm Policies And World Markets: Monitoring And Disciplining The International Trade Impacts Of Agricultural Policies. New Jersey : World Scientific. BUSINESS & ECONOMICS 2015y. www.search.ebscohost.com.

Иқтисодчи олимлардан Walsh ва Brianлар ўзларини илмий ишланмаларида “...фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олишда нарх рискларини бошқариш, ишлаб чиқариш воситаларини ўрганиш ва бу жараёнларда интеграциялашган маркетинг тизимини кўллаш ресурслар бозорини ривожланишига хизмат қиласди”¹⁶, – деб таъкидлайдилар. Ушбу билдирилган хулосалар қишлоқ хўжалигига мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотиш жараёнида маркетинг тамойилларига амал килиш ва бу фаолиятни доимий назорат қилиш муҳим масалалардан эканлигини англатади.

Дехкон аксарият ҳолларда ресурслар харид қилишда танлаш имкониятига эга эмас, маҳсулот етиштиришда зарур бўлган моддий-техника ресурслари бозорида ракобат муҳити чекланганлиги, талаб ва таклиф қонунига амал қилиш имкониятлари пастлиги (бозордаги табиий монополия холати хукмрон бўлиши оқибатида) нисбатан қиммат бўлган ва монополия таъсирида кўп ҳолларда сифати талабга жавоб бермайдиган ресурслардан фойдаланишга мажбур бўлади.

Тобора ривожланиб бораётган агрохизматлар бозоридаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган иш ва хизматларнинг микдор жиҳатидан етарли эмаслиги, сифати ва нархларининг хар доим ҳам талабларга жавоб беравермаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожига тўсик бўлувчи омил ҳисобланади. Булар эса пиравард натижада айланиб келиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самародорлигининг паст бўлиши, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлилигини бозор талабига жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини етарли даражада ривожлана олмаслигига сабаб бўлади.

Аграр бозор ривожланишидаги номутаносибликлар туфайли агроресурслар бозорлари алоҳида суръатларда, қишлоқ хўжалиги

¹⁶ Walsh., Brian Marketing Agricultural Products and Services. [New South Wales, Australia] : Tocal College, NSW DPI. 2011y. www.search.ebscohost.com.

маҳсулотлари бозорлари бошқа бир суръатларда, хизматлар бозорлари эса яна бир бошқа суръатларда ривожланиши кузатилмоқда. Натижада, бундай ҳолатлар аграр соҳада тармоклараро баҳо ўсиши нисбатлари шаклланишида кескин табақали вазият юз беришига олиб келади. Жумладан, аграр ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳо индексларининг ўзгариши ва тармоқда истеъмол қилинадиган асосий турдаги саноат маҳсулотлари баҳо индексларининг ўзгариши орасида кескин тафовут кузатилмоқда, яъни қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий турдаги саноат маҳсулотлари ва сервис хизматларининг ўртача баҳолари 2017 йилда 2005 нисбатан 8-13 марта, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси (пахта ва ғалла) эса шу давр мобайнода 5,45 марта ортганлиги бунинг яққол исботидир.

Бошқача қилиб айтганда, 2017 йилда 2005 йилдаги ҳажмларда моддий-техника ресурслари сотиб олишдан барча шароитлар тенг бўлган ҳолатда, карийб 2,3 марта кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш талаб этилган.

Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва арохизматлар бозорлари аграр бозорнинг ўзаро бир-бирига боғлик ва бир-бирини тўлдирувчи кисми хисобланади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори орқали узвийлик касб этади. Чунки, айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида агросаноат мажмуининг пировард мақсадлари амалга ошади. Ҳар бир аграр бозор гарчи мустакил фаолият юритсада, лекин у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига хизмат қиласи. Яъни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва арохизматлар бозорларини қишлоқ хўжалигида арzon ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга кулаги шарт-шароит яратувчи восита сифатида намоён бўлади. Аграр бозорлар ўртасидаги узвий боғликликни қўйидаги жадвал асосида изоҳлаш мумкин (1.2-жавдал).

Аграр секторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва арохизматлар бозорларини бир-биридан келиб чикувчи ва бирининг ривожланиши ёки паст даражада ривожланиши,

иккинчисининг фаолиятига узвий таъсир килувчи бозорлар йиғиндиси сифатида қараш мумкин.

1.2-жадвал

Аграр бозор фаолияти доирасидаги узвий иқтисодий боғликлар ҳолати¹⁷

т/р	Махсулотлар түри номлари	Агроресурслар бозори	Кишлек хўжалиги маҳсулотлари бозори	Агрозимматлар бозори
		(АРБ)	(КХМБ)	(АХБ)
1.	Етвиштириладиган асосий товар маҳсулотлар			
	кишлек хўжалиги техника воситалари	Тўлик (КХМБ) ва (АХБ) бозорлар учун	истеъмолчи	истеъмолчи
	эҳтиёт кисмлар	Тўлик (КХМБ) ва (АХБ) бозорлар учун	истеъмолчи	истеъмолчи
	минерал ўғитлар	Тўлик (КХМБ) бозор учун	истеъмолчи	-
	нефт маҳсулотлари (кишлек хўжалиги учун)	Тўлик (КХМБ) ва (АХБ) бозорлар учун	истеъмолчи	истеъмолчи
	кишлек хўжалиги ерлари	Тўлик (КХМБ) бозор учун	истеъмолчи	-
	сугориш учун сув ресурслари	Тўлик (КХМБ) бозор учун	истеъмолчи	-
	экинлар уруғликлари ва кўчатлар	Тўлик (КХМБ) бозор учун	истеъмолчи	-
	наслли чорва моллари ва наслчиллик материаллари	Тўлик (КХМБ) ва (АХБ) бозорлар учун	истеъмолчи	истеъмолчи
	экинлар ва мевали даражатлар навлари	Тўлик (КХМБ) бозор учун	истеъмолчи	-
2.	Асосий фаолиятдан олинадиган фойда манбай	Тўлик (КХМБ) ва (АХБ) бозорлар хисобига	Барча бозорлар хисобига	Тўлик (АРБ) ва (КХМБ) бозор хисобига

Буларга пахта, галла, мева-сабзовот бозорлари, чорвачилик маҳсулотлари бозори, меҳнат бозори, агрокимё хизмати бозори,

¹⁷Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

уруглик ва экиш материаллари бозори, техника воситалари ва эҳтиёт кисмлар бозори, ёқилғи-мойлаш материаллари бозори, зооветеринария хизмати бозори, наслли ва маҳсулдор ҳайвонлар бозори, чорва озуқаси бозори ва бошқалар киради.

Аграп бозорнинг шаклланишида қўйидаги омилларни хисобга олиш лозим:

- мавжуд талаб ва таклиф баланси ишлов бериладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонига боғлиқ ҳолда турли ресурсларга бўлган талаб;
- худудлар бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибининг худудлар табиий-икклим шароитларини хисобга олган ҳолда шаклланганлиги;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулотларга бўлган бозор талабидан келиб чиқсан ҳолда жойлашиши;
- қишлоқ хўжалиги экинлари, мевали дараҳтлар хосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги даражаси;
- қишлоқ хўжалиги тармоғининг худудлар кесимида ихтисослашганлик даражаси, фермер хўжаликларининг салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи кўп тармоқли фаолиятнинг самарали ташкил қилинганлиги;
- мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ва бошқалар.

Бизнингча, бозор муносабатларини ривожлантириш ва иктисадиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари босқичмабосқич эркинлашиши ва бунда хусусий сектор салмоғини ошишига эришишнинг аҳамияти ортиб боради ҳамда ушбу бозорларда ноанъянавий хизмат турлари ривожланиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ресурслар билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш тизими ҳам етарлича номарказлаштирилиши ва соғлом ракобат улуши ортиши лозим. Бунга, албатта қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархларининг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши орқали эришиш мумкин. Бундан ташқари, давлат ресурс етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар кўпайишини ўзининг солик, кредит,

сугурта ва бошқа дастаклар орқали рағбатлантириши мақсадга мувофиқ.

Агар бозорни ривожланишида зарур омилларнинг барқарор ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Буларга экин майдонлари, ресурслар (сув, худудий хусусиятлар) микдорига мос равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби, ахолининг озиқовқат маҳсулотлари турларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш кабилар киради. Бу омиллар маълум турдаги ресурсларни, масалан, аниқ бир турдаги ресурсларни жалб қилган ҳолда аниқ турдаги маҳсулотлар етиштиришни қўпайтиришда мустахкам замин бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини самарали фаолият юритишида унга кўмак берувчи ва кулагай шарт-шароит яратувчи хукукий-меъёрий, молиявий, хизмат кўрсатувчи институтлар ривожланиб бориши зарур. Яъни, агар бозорлар фаолиятини ташкил килишда унинг институционал асосларини тақомиллаштириб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Институционал асослар бозорни бошқариш, бозорларнинг узлуксиз ва самарали фаолият юритишини таъминловчи муносабатларнинг иқтисодий, молиявий ва хукукий тизимини ўз ичига олади. Бу, албатта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларидағи табиий ва бошқа монополия ҳолатларини чеклашдаги, соҳада ракобат муҳитини вужудга келтиришдаги давлатнинг тартибга солувчи сиёсатининг тўғри белгиланиши билан характерланади. Бунда, энг аввало агар бозор доирасидаги ракобатни ривожлантариш чора-тадбирлар амалга оширилиши ва ишлаб чиқариш, савдо ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаларидағи монополияни чеклаш тадбирлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига техникалардан самарали фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омилларнинг назарий асосларини ўрганиш бўйича мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, хусусан Р.Х.Хусанов, А.Н.Ҳамдамов, И.Э.Рафиқовлар илмий изланишлар олиб бориши натижасида

“...кишлөк хұжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир күрсатувчи омилларни 4 гурухга ажратғанлар: трактор ва кишлоқ хұжалиги машинасининг техник күрсатқичлари; табий-икәлим шароитлари; ташкилий омиллар; иқтисодий омиллардан иборат”¹⁸, – деб таъкидлайдилар. Бу омиллари бир-бири билан үзаро боғлиқ бўлиб, кишлоқ хұжалиги техникасидан унумли фойдаланишда ўзини таъсирини күрсатади.

Аграр бозор доирасида барча бозорлар талаб ва таклиф қонуниятни асосида фаолият юритиши керак бўласада, аммо ўз хусусиятлари ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти жиҳатидан кишлоқ хұжалиги маҳсулотлари бозори марказий ўринда туриши мақсадга мувофик. Ўз навбатида агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари эса кишлоқ хұжалиги маҳсулотлари бозорининг ривожига хизмат қилган ҳолда ўз ривожланиш йўналишини белгилаши лозим.

Айтиш мумкинки, кишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларидағи талаб ва таклиф, баҳо ўзгариши суръатларига мос равишда кўллаб-кувватланиши лозим. Лекин, амалиётда кишлоқ хұжалигини ресурслар билан таъминот тизими ва хизмат күрсатувчи субъектларнинг монопол мавқеи сакланмоқда. Бунда ресурс таъминотини тўлиқ номарказлаштириш, хизмат күрсатиш тизимида соглом рақобатни кучайтириш учун қулай иқтисодий, хукукий ва ташкилий шарт-шароит яратиш лозим.

Хозирда кишлоқ хұжалиги тармоғи республикамиз иқтисодиётида мухим ўрин эгаллашини, ер ва сув ресурсларига ҳамда табий-икәлим шароитига узвий боғлиқлигини хисобга олиб давлат томонидан либераллаштириш ҳамда молиявий дастаклардан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантирилиши керак.

Фермер хұжаликлари учун имтиёзли асосда моддий-техника ресурслари асосан пахта ва ғалла етиштиришга етказиб берилсада, бошқа турдаги маҳсулот етиштирувчи фермерлар бу имкониятдан фойдаланишмайди. Шу боисдан чорвачилик, мева-сабзавот, полиз ва

¹⁸ Хусанов Р., Ҳамдамов А., Рафиков И., Кишлоқ хұжалигига сервис хизмати, мукобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Т.; -2001. -11 бет.

картошкачилик йўналишидаги фермерлар учун бу имтиёзлардан фойдаланиш йўлга қўйилиши лозим.

Аксарият фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати талабга жавоб бермаслиги ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархларини саноат маҳсулотлари нархларига нисбатан паст суръатларда ошиши шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклиф мувозанатига боғлиқлиги сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналарини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан оладиган фойдаси аксарият ҳолларда оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди холос.

Ерга ишлов бериш билан боғлиқ техникалар дехқон хўжаликлирида мавжуд эмаслиги, дизель ёқилғисини харид килишга манфаатдорликни пасайтиради (зарурат кўпчилик ҳолларда ерга ишлов бериш билан боғлиқ хизматлардан фойдаланишда техник хизмат кўрсатувчи субъектлар ёқилғисиз хизмат кўрсатиши ва уни хизматларга буюртма берган хўжаликлар ҳисобидан коплаши туфайли пайдо бўлади).

Моддий-техника ресурслари тақчиллиги, баҳоси фермер ва дехқон хўжаликларининг тўлов имкониятидан юқорилиги шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарига техник хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш такозо этилади. Аммо, истиқболда бевосита фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техника воситалари билан таъминлаш бўйича қатъий тадбирлар тизими амалга ошириб борилиши лозим.

Келгусида қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизингта бериш амалиёти давом эттирилиши ва бунда лизингта бериладиган техникалар ассортиментини кенгайтириш, лизинг шартларини такомиллаштириб бориш агроресурслар бозорлари ривожланишида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини агротехник тадбирларни мустакил равища бажаришни таъминлайдиган даражада техник куроллантириш йўналишига хизмат қиласиган, лизинг тизимида рақобат муҳитини шакллантириш ва лизинг субъектлари сонини

кўпайтиришнинг самарали механизмларини ишлаб чикиш мухим аҳамиятга эга.

Агроресурслар бозоридаги соғлом иқтисодий рақобат агроресуслар бозорида самарадорликка олиб келиши моҳияти шундаки, монопол вазиятга эга бўлмаган, бозор тўғрисидаги яхши ахборотга эга бўлган харидорлар ва сотувчилар ўзлари учун фойда келтирувчи вазиятларда савдо битимларини амалга оширди. Шу асосда эркин товар айирбошлиш жараёни орқали ресурслардан фойдаланишда бозор иштирокчиларининг фойда олиши мумкин бўлган йўналиш пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар тажрибаларига кўра, иқтисодий эркин ва соғлом рақобатли бозор шароитидагина моддий ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўrsatiш жараёнида аграр ресурслар энг кўп самара берадиган комбинацияларда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилиши ва тақсимоти юз бериши мумкин.

Бу ерда ресурслар ишлаб чиқариш жараёнига самарали таркиб ва миқдорларда жалб этилган ҳолатда, ҳар бир аграр бозор ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият олиб боргани ҳолда ҳеч бўлмаганда улардан биттаси ўз имкониятини аграр соҳадаги бошқа бир бозор ҳисобига яхшилаши салбий ҳолат сифатида қаралмоқда. Чунки, бунда бошқа бир субъектнинг иқтисодий вазиятига зарар келтирилади, натижада аграр бозор доирасида ва умуман мамлакат миқёсида ресурслардан самарасиз фойдаланиш ҳолати юзага келиши мумкин. Буни республикамиздаги ҳолатни мисол келтириш орқали кузатиш мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари иштирокчиларидан бири фермер хўжаликлари нисбатан киммат ва монопол баҳоларда тавсия қилинаётган минерал ўғитларни харид килиши орқали кимёсаноат корхоналари фаолияти, яъни агроресурслар бозорини ривожлантиришни молиялаштиради. Бунда агроресурслар бозори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ҳолати ёмонлашиши ҳисобига ўз имкониятини яхшилаб олиши, жамият учун салбий ҳолат. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ўз имкониятларини бой бермоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг иктисадий ва ижтимоий аҳамияти, сўнгти йилларда дунё бўйича озиқ-овқат муаммоси тобора мураккаблашиб бораётган бир пайтда янада ортиб боради. Тарихан, қишлоқ хўжалиги тармоғи республикамиизда кенг ривож топғанлиги, айниқса пахтачилик соҳасида кўп йиллар давомида моддий-техник, илмий-интеллектуал, касб-профессионал салоҳият ва йирик тажрибалар тўпланганлиги, республиканинг ҳалқаро меҳнат таҳсисотида, дунё пахта бозорида, пахта етиштирувчи давлатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаши, пахта маҳсулотлари республика экспорт маҳсулотлари таркибида етакчи ўринда туриши, мамлакат валюта тушумининг кўп қисмини ташкил этиши ва пахта етиштириш дехқонларнинг турмуш тарзига айланиб, асосий даромад манбаларидан бирини ташкил этиши билан изоҳланади. Шунингдек, мустакиллик йилларида мамлакатда ғалла мустакиллиги йўналишида олиб борилган ишлар натижасида бу борада катта илмий ва амалий салоҳият, катта тажрибалар тўпланиб соҳа тобора ривожланиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини ривожлантириш мухим масалага айланиб боришидан далолат беради.

Сўнгги йилларда тармоқ иктисадий аҳволида, айниқса пахтачиликда сезиларли ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланмаётганлиги, маҳсулот етиштириш маданиятига, тўпланган тажрибаларга ва сифатли маҳсулотлар етиштириб, тармоқнинг рақобатбардошлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Бундай вазият юзага келиши сабабларидан бири, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар бозорини ривожланиши хусусан, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида баҳо ўсиши суръатлари нисбати бузилиши натижасида, қишлоқ хўжалиги тармоғида яратилган даромадлар асосий қисмининг саноат тармоғига ўтиб кетаётганлигидир.

Шу боис қишлоқ хўжалиги ишлаб чикариши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ривожланиши давлатнинг аниқ ўналтирилган ёрдамисиз жуда кийин кечади. Бу борада республикамиизда пахтачилик соҳасида кластер тизимини жорий

қилиш борасидаги тадбирлар қишлоқ хўжалигини кўллаб қувватлашда жуда катта аҳамият касб қилиши билан биргаликда, қишлоқ хўжалиги соҳасининг давлатнинг протекционизм сиёсатига муҳтожлиги сакланиб қолади.

Юқорида муаллиф томонидан тавсия қилинаётган услуг асосида саноат маҳсулотлари нархи ўсиши хисобига қишлоқ хўжалиги тармоғи хисобидан саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари товарлар айрибошлиш жараёни орқали ўзлаштирган маблағлар микдорини аниқлашга имкон беради ва ушбу маблағларни қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш учун давлат томонидан турли дастаклар орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш максадлари учун қайта йўналтириш учун имкон пайдо килади. Саноат тармоқларига ўтиб кетаётган маблағларни қайтаришда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархига қўшимчалар сифатида ёки мақсадли субсидиялар тарзида, фермер хўжаликларига етказиб бериладиган моддий-техник ресурслар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Мъалумки, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд агроресурслардан самарали фойдаланиш жараёнига ички ва ташқи омиллар бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Айниқса, агроресурслар бозори эса бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агрохизматлар бозорлари билан биргаликда фаолият юритади. Бундай шароитда ижобий натижаларга эришиш учун аграр бозор таркибида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланиши мутаносиблигини таъминлаш ва улар орасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни назарий-услубий асосларини такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Аграр бозор тизими бошқа соҳаларга қараганда ўзига хос ҳусусиятлари билан ажralиб туради. Жумладан, бу соҳа биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чикариш нуктаи-назаридан бевосита табиий-икклим шароитига боғлиқлиги, маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатиш йил давомида барқарор давом этмаслиги, маҳсулот сотиш ёки хизмат кўрсатишда нархларнинг мавсумий тебраниши ва бошқа омиллар билан тавсифланади.

Аграр бозор таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш мутаносиблигини таъминлаш маълум мезон ва кўрсаткичлар орқали амалга оширилиши талаб этилади. Аграр бозорлар фаолиятига баҳо бериш ва уларни ривожлантиришни бошқариш имконини берадиган мезон ва кўрсаткичларни танлаш маълум талабларга жавоб бериши лозим. Жумладан, ушбу мезонлар ва кўрсаткичлар ўз ўрнида нисбий таққосланиши лозим бўлади. Чунки, ушбу бозор иштирокчилари бўлган субъектлар ҳар бири мустақил лекин, ўзаро боғликликда фаолият кўрсатади.

Бизнинг назаримизда бунда асосий мезон сифатида аграр бозорлар иштирокчилари фаолияти (хукукий шахслар) ривожланиши учун тенг иктиносидий ва хукукий шароитлар яратиб берилиши асос сифатида кабул қилиниши мумкин. Аммо, ушбу мезон назарий жиҳатдан тўғри бўлсада, ундан амалий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш анча мураккаб ва ноаниқ хисобланади. Шунинг учун ҳам мезон танлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг асосий фаолияти ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ деб қабул қилиш талаб этилади. Амалда ҳам шундай, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари, агроресурслар бозорларида асосий ёки ягона истеъмолчи (харидор) хисобланади. Масалан, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва сотовучи субъектлар учун асосий ва ягона истеъмолчи бу қишлоқ хўжалиги корхоналари хисобланишади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий холати агроресурслар сотовучи субъектлар маҳсулотларига талаб шаклланишидаги асосий ҳал этувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишитирувчи субъектлар томонидан етишириладиган маҳсулотлар (товарлар)нинг асосий истеъмолчилари бу уй хўжаликлари ёки кайта ишловчи саноат корхоналари хисобланишади. Демак, бозор муносабатлари ривожланишиб бориши шароитида аграр бозорларни мутаносиб ривожлантиришни таъмин этишдаги асосий мезон сифатида “Ўртacha имкониятга эга бўлган аграр бозор субъектларининг товар

маҳсулоти бирлигини тайёрлаш (етиштириш) ҳисобига сарф қиладиган ишлаб чиқариш харажатларини қоплай оладиган даражадаги ўртача баҳода маҳсулот сотишини таъмин этиши” масаласи қабул қилиниши зарур.

Бундай мезон қабул қилишнинг муҳимлиги шундаки, агарар бозор бугунги кунда турли рақобат мухитида ёки баъзи бир ҳолатда эса монопол шароитда фаолият олиб боришимокда. Демак, бирон-бир монопол субъектнинг тайёрлаб бозорга таклиф этган маҳсулоти ёки кўрсатган хизмати монопол баҳода сотилиши керак. Аммо, рақобат шароитида маҳсулотини бозорга таклиф этаётган агарар бозорлар субъектлари эса харажатларни қоплайдиган даражадаги баҳода эмас балки, амалда бозорда шаклланган баҳода маҳсулот сотишига ёки хизмат кўрсатишга мажбур бўлади. Бу эса аксарият ҳолларда товар етиштирувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш харажатларини ҳам қопламайдиган баҳода маҳсулот сотишига олиб келади. Бундай вазиятлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида кузатилиди.

Агарар бозорларни мутаносиб ривожлантиришни таъмин этишдаги тавсия этилаётган мезон доирасида куйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим бўлади:

- агарар бозорлар доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарлар таклифи ҳажми ва унинг динамик ўзгариши ҳолати;
- агарар бозорлар доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарларга шаклланган талаб ҳажми ва унинг динамик ўзгариши ҳолати;
- агарар бозорлар доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарлар ўртача баҳоси ва унинг мавсумий ўзгариш динамикаси;
- агарар бозорлар доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарлар ўртача баҳоларининг кўп йиллик индекслари ўзгариши динамикасидан иборатdir.

Агарар тармоқда тармоқлараро баҳо ўсиши суръатлари номутаносиблиги кўрсаткичи доимий равишда давлатнинг аниқ

дастурлари доирасида кузатиб борилиши лозим. Мазкур кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси асосида тайёрланган хуносалар агарар бозорларнинг ривожланишидаги фарқларни илғаб олишга ва бозорлар ривожланишини таъмин этишга хизмат қиласди.

1.3.Агарар бозорни ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатлари

Мамлакатимизда бугунги кунда этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозорда талабнинг мавжудлиги ва талаб ҳажми катталиги, товар ишлаб чиқарувчининг юкори баҳоларда ўз маҳсулотларини сота олишини ҳамда юкори даражадаги фойда олишини кафолатлай олмайди. Чунки, бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сакловчи жиҳозланган омборхоналарга, яхши йўлга қўйилган транспорт тизимига, ракобат мухитида фаолият юритувчи савдо воситачи ҳамда тайёрлов корхоналарга эга бўлиш, янги технологияларга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармокларини ривожлантириш талаб этилади. Айниска, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари тизимида рақобат мухити этишмаслиги мева-сабзавот, сут маҳсулотлари этиштирувчи фермер ва дехқон хўжаликлари иқтисодий ахволига салбий таъсир этади.

Айни пайтда агарар бозор таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиб ривожланишини таъминламасдан туриб кутилган натижага эришиб бўлмайди. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш ва юкори даромадга эришиш учун агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда республикамиз агарар тармоғи агроресурслар бозорида асосий турдаги ресурслар бўйича этишмовчилик (такчиллик) кузатилиши ва ресурс ишлаб чиқарувчи тармокларнинг устуворлиги ресурслар таксимотининг эркин бозор тамойиллари бўйича амал қилишига тўсиқ бўлади.

Эркин иқтисодий рақобат мавжуд бўлган шароитда ресурслардан фойдаланиш иқтисодий самараадорлигини ошириш

имкониятлари, қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, ресурслар ишлаб чикарувчи субъектлар ва хизмат соҳалари корхоналари фойда олиш мақсадида мустакил фаолият юритиши оқибатидага вужудга келади.

Одатда аграр тармоқдаги хұжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ва хизматлар бирлиги хисобига түгри келадиган сарф-харажатларнинг энг юқори чегараси маҳсулот ва хизматларға шаклланган ўртача бозор баҳосига тенглашгунга қадар ресурслардан фойдаланиш давом этади. Бу бозорнинг классик талаби бўлиб, бозор субъектининг мустакил иқтисодий фаолият юритиши асосини ташкил этади.

Қишлоқ хұжалиги корхоналари, ресурслар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ва хизмат кўрсатувчи соҳа субъектлари учун оддий ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини ва фойда олиш имкониятини таъмин этади. Шунингдек, айни пайтда қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, ресурслар, ва хизматлар истеъмолчилари талабларини етарли даражада кондириш имконини ҳам берадиган ресурслар тақсимоти вужудга келади. Аграр тармоқда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига инвестициялар жалб қилиш жозибадорлиги мавжуд бўлади.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш мутаносиблигини баҳоловчи мезонлар, бозорларнинг асосий фаолияти механизмларини ҳамда ушбу механизм билан боғлик бўлган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттириши талаб этилади. Айни пайтда мезонлар бозорларнинг ривожланиши мутаносиблигини таъминлашда таъсир қилувчи асосий дастаклар вазифасини ҳам бажариши лозим.

Бу борада иқтисодчи олимлардан Ochieng ва Justus томонидан тайёрланган илмий ишланмаларда “...етиширилган қишлоқ хұжалиги маҳсулотлар ҳажми, ахолини озик-овкат хавфсизлиги даражаси, маҳсулотларни баҳоси, истеъмолчиларни сотиб олиш қобилияти, зарурий ахборотлар билан таъминланганлиги ва маркетинг тизими жорий этилганлиги аграр бозорнинг баркарорлик

холатини ифойдалайди”¹⁹, – деб хисоблайдилар. Албатта, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва унинг баҳосидаги ўзгаришлар бевосита истеъмолчилар ҳолатига ҳамда аграр бозорни ривожланганлик даражасига таъсир этади.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Tong ва Yee-Siong ўз илмий мақолаларида “...ривожланётган мамлакатлар глобал қиймат занжирларида қатнашиш орқали кўшимча қийматни яратиш имконияти мавжуд. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг маҳаллий баҳоларини халқаро бозор баҳоларига мувофиқлаштириш ва шу орқали аграр бозорни ривожлантириш мумкин”,²⁰ – деб хисоблашади.

Эркин бозор тамойиллари аграр тармоқда агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари фаолиятидаги самарасиз иқтисодий механизмлар, фаолият турларини бартараф қилиш, иқтисодий самара берувчи соҳаларнинг энг кам моддий ва меҳнат сарфи хисобига барқарор ривожланишига шароит яратиши билан аҳамиятлиdir. Аммо таъкиддаш лозимки, корхоналар томонидан олинаётган фойда ёки зарар иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида жамиятдаги умумий истеъмолчилар талабига ҳар доим ҳам тўғри келадиган шакл ва нисбатда ресурсларни тақсимлашга олиб келмайди.

Таъкидланганидек, республикамида қишлоқ хўжалигини ресурслар ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи бозор субъектларини монопол ҳолати, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини бевосита рағбалантириш дастакларидан фойдаланиш ёки турли соликлар орқали тартибга солиш имкониятларини қидириш долзарблיק касб киласди.

Шунингдек, аграр бозор доирасида бирон-бир турдаги бозорнинг монопол мавқеи мавжуд бўлган шароитда таъкидланганидек қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ресурс таъминоти тизимини номарказлаштириш салмогини ошириш, хизмат кўрсатувчи

¹⁹ Ochieng, Justus. Market Orientation, Rural Out-migration, Crop Production and Household Food Security : The Case of Smallholders in Central Africa. Kassel [Germany] : Kassel university press Gmbh. 2014y. www.search.ebscohost.com.

²⁰ Tong, Yee-Siong. Vertical specialisation or linkage development for agro-commodity value chain upgrading? Том:68. Стр.: 585-596. www.webofscience.com.

субъектлар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун қулай иктисодий, ҳуқукий ва ташкилий шарт-шароит яратиш талаб этилади. Сотувчи учун самарали деб танланган бозор сегменти маҳсулотларни сотишнинг юқори даражасига, юқори ўсиш суръатига, юқори фойда нормасига, сотиш канали талабларига реал ва рақобатга чидамли бўлиши керак. Бозорларнинг сегментлари доирасида талаб ва таклиф шаклланиши орқали аграр бозорнинг ўзаро боғликлик нуқталарини топиб олиш ҳам мумкин бўлади. Аммо, бу ерда энг мухим масала шундаки, аграр бозорни ривожлантириш мутаносиблигини таъминлашдаги мезонлар ҳар бир мустақил бозорни алоҳида ва умумий тарзда тахлил килишга имконият яратиб бериши лозим.

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш мутаносиблигини таъминлаш маълум мезонлар ва кўрсаткичлар орқали амалга оширилиши талаб этилади. Бозорлар фаолиятига баҳо бериш ва уларни ривожлантиришни бошкариш имконини берадиган мезон ҳамда кўрсаткичларни танлаш маълум талабларга жавоб бериши лозим. Жумладан, ушбу мезонлар ва кўрсаткичлар ўз ўрнида нисбий таққосланиши лозим. Чунки, бозор иштирокчиларининг ҳар бири мустақил ҳолда лекин ўзаро боғликликда фаолият олиб боради.

Назаримизда бунда асосий мезон сифатида аграр бозор иштирокчилари фаолияти ривожланиши учун “Тенг иктисодий ва ҳуқукий шароитлар яратиб берилиши” асос сифатида қабул килиниши лозим. Аммо, ушбу мезон назарий жиҳатдан тўғри бўлсада, ундан амалий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш анча мураккаб ва ноаниқ хисобланади. Шунинг учун ҳам мезон танлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини асосий фаолияти ўзаро бир-бири билан узвий боғлик деб қабул килиш талаб этилади. Амалда ҳам шундай, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари агроресурслар бозорларида асосий ёки ягона истеъмочи (харидор хисобланади). Масалан, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи субъектлар учун

асосий ва ягона истеъмолчи бу қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати ресурслар сотувчи субъектлар маҳсулотларига талаб шаклланишидаги ҳал этувчи омил ҳисобланади. Ёки фермерлар томонидан етиштириладиган маҳсулотларнинг (товарлар) асосий истеъмолчилари бу уй хўжаликлари ёки қайта ишловчи саноат корхоналари ҳисобланади.

Аграр тармоқда тармоқлараро баҳо ўсиши суръатлари номутаносиблиги кўрсаткичи доимий равищда давлатнинг аниқ дастурлари доирасида кузатиб борилиши лозим. Мазкур кўрсаткичларнинг ўзгариши динамикаси асосида тайёрланган хуносалар аграр бозорнинг ривожланишидаги фарқларни илғаб олишга ва аграр бозор таркибидаги бозорлар ривожланиши мутаносиблигини таъминлашга хизмат қиласди.

Назарий жиҳатдан бозор шароитида аграр ресурслардан самарали фойдаланиш фақатгина соф рақобатли бозорларда юз бериши мумкин. Яъни, бунда бирон-бир аграр бозор ҳисобига бошқа бир аграр бозорнинг фаолиятидаги иқтисодий имконияти пасаймаслиги талаб этилади. Бу эса соф рақобатли бозорга хос бўлган ҳолатdir.

Аммо, амалиётда (аграр тармоқ миқёсида) бундай вазиятни пайдо килиш мураккаб бўлсада, унга эришиш имкониятлари мавжуд бўлиб, бу бозор шароитида мавжуд аграр ресурсларнинг иқтисодий самарасиз сарф бўлишининг олдини олади. Бу масала республикамиз миқёсида ресурсларнинг (асосан ер ва сув ресурслари) ўта чекланганлиги, унга талаб тобора ортиб бораётганлиги шароитида жуда муҳим масала ҳисобланади.

Таъкидланганидек, бу борада давлатнинг мувофиқаштирувчи вазифаларидан фойдаланилади. Бирок, аграр бозорда тадбиркорлик асосида фаолият юритиш элементлари мавжудлиги, ишлаб чикариш ҳамда хизматлар кўрсатишни ихтисослашув даражаси чукурлашиб боришига, бозор субъектларининг истеъмолчилар талабларини максимал даражада ҳисобга олишга ҳаракат қилишга, ишлаб

чиқариш сарф-харажатларини тежаш орқали фойда миқдорини оширишга кучли моддий рағбатт уйготади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар бир давлатда ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан ўзини окламайдиган ва етиштириш табиий иқлим шароитлари туфайли мос келмайдиган маҳсулотлар бошқа давлатлардан сотиб олинади.

Хозирда кишлок хўжалиги республикамиз иқтисодиётида ва айниқса озиқ-овқат таъминотида муҳим ўрин эгаллашини, ишлаб чиқаришнинг ер ва сув ресурсларига ҳамда табий-иқлим шароитига узвий боғликлигини хисобга олиб давлат томонидан кишлок хўжалиги маҳсулотлари бозорларини ривожлантириша рағбатлантириш ва молиявий кўмак дастакларидан кенгрок фойдаланиш талаб этилади.

Бунда аграр бозорнинг институтционал асосларини шакллантириша кўйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- аграр бозорда кишлок хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф;
- ҳар бир ҳудудда ресурс ва хизмат турларига бўлган талабнинг ҳажми;

- рақобатчиларнинг заиф ҳамда кучли жиҳатлари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматнинг хусусиятлари асосида;

- кишлок хўжалиги маҳсулотлари, ресурслар сифати ва хизматлар сифати ҳамда турлари бўйича нархлари ўзгариши;

- ишлаб чиқариш ва сотилиши мумкин бўлган маҳсулот ва хизматлар ҳажмлари прогнозлари, бозор субъектлар томонидан олинадиган фойда ва соликлар ҳажми ўзгариши таҳлиллари асосида ҳар бир бозорга алохида баҳо бериш, унинг ҳолатини аник рақамлар орқали билиш;

- кишлок хўжалиги маҳсулотлар бозорни ривожлантириша давлатнинг мувофиқлаштирувчи ўрни ва таъсирини кучайтириш, баҳо, солик, кредит, суғурта ва бошқа дастаклар орқали;

- кишлок хўжалиги соҳасидаги мавжуд ташкилий, иқтисодий ва ҳукукий асосларни такомиллаштириша кишлок хўжалиги

маҳсулотлари бозорини ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий механизмларни ҳам жорий этиш имконини эътиборга олиш талаб этилади.

✓ Бу эса аграр бозорни ривожланишига ва шу орқали мамлакатимизда этиштирилаётган қишлоқ маҳсулотларни экспорт ҳажмини ортишига хизмат қилади.

П-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНИШИНинг ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизими самарадорлигининг ҳозирги ҳолати

Республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, ер ва мулкнинг ўз эгаларига берилиши, дехқонни ўз меҳнатини натижасига ғалик килиши учун яратилган шарт-шароитлар ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил ўсиб боришини таъминлади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори сўнгти 12 йил давомида 2005 йилдаги 5978,3 млрд. сўмдан, 2015 йилда 46116,7 млрд. сўм, 2016 йилда 51991,2 млрд. сўмга 2017 йилда эса 69504,2 млрд. сўм ёки 2005 йилга нисбатан 11,6 марта ортгани фикримизнинг далилидир (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Республика қишлоқ хўжалиги бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши динамикаси²¹

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилни 2005 йилга нисбатан, (%)
ЯИМ таркибida қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғи, (%)	37,5	26,8	18,9	18,3	18,1	19,7	17,8 банд паст
Кишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти миқдори, (млрд сўм)	5978,3	16774,7	40429,1	46116,7	51991,2	69504,2	11,6 марта
шу жумладан							
Ўсимлиқчилик тармоғи салмоғи, (%)	55,6	59,7	62,2	62,7	64,6	67,5	121,4
Чорвачилик тармоғи салмоғи, (%)	44,4	40,3	37,8	37,3	35,4	32,5	73,2

²¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, шу давр мобайнида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмини ўсиб бориши баробарида мамлакат ялпи ички маҳсулотлари таркибида кишлоқ хўжалиги тармоғини салмоғи камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 37,5 фоизни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда муттасил камайиб бориб, лекин 2017 йилда 19,7 фоизни ташкил қилган. Иктисадиётнинг бошқа соҳалари, хусусан саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожланиши, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожланиб бориши, кишлоқларда тадбиркорлик асосида фаолият юритувчи субъектларни ривожланиши орқали янги иш ўринлари яратилиши билвосита кишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланишга олиб келмоқда.

Кишлоқ хўжалиги экинлари таркибида пахта майдонлари кисқарип бориши, унинг ўрнини экин майдонлари ҳисобига пахтага нисбатан кўпроқ даромад келтирувчи сабзавот, полиз ва картошка экин майдонлари эгаллаши, боғдорчилик соҳалари жадал ривожланиб бориши натижасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тақрибида чорвачилик соҳасини салмоғи камайиб бораётганлигини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2005 йилда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида ўсимликчилик тармоғи соҳаси 55,6 фоизни, чорвачилик тармоғи соҳаси эса 44,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда ўсимчилик соҳаси 67,5 фоизни ва чорвачилик тармоғининг салмоғи 32,5 фоизни ташкил килган.

Кишлоқ хўжалигига хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожланиб бориши етиширилаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида хўжалик юритиш шакллари салмоғини ҳам ўзгаришига олиб келди (2.2-жадвал).

Хусусан, фермер хўжаликлари салмоғи республика бўйича жами кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш таркибидаги салмоғи 2005 йилдаги 24,3 фоиздан, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 34,7 фоизга ўсган. Шу йилларда пахта, галла, мева ва сабзавотлар етишириш салмоғини ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

2.2-жадвал

Республикада асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари иштириши таркибида хўжалик юритиш шакллари салмоғи²²

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010й ил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Қишлоқ хўжалиги ялни маҳсулоти, млрд.сўм	5978,3	16774,7	40429,1	46116,7	51991,2	69504,2	11,6 марта
Фермер хўжалиги салмоғи, %	24,3	34,6	35,0	35,5	35,8	34,7	142,8
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	61,7	62,4	63,0	62,6	62,3	63,6	103,1
Пахта, минг тн.	3749,0	3404,0	3400,2	3361,3	2959,0	2900,2	77,3
Фермер хўжалиги салмоғи, %	65,6	99,4	99,5	99,5	99,5	99,4	151,5
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	-	-	-	-	-	-	-
Галла, минг тн.	6401,8	7404,1	6956,0	6964,7	6934,9	6079,2	95,0
Фермер хўжалиги салмоғи, %	55,5	81,5	80,6	80,6	80,4	78,7	141,8
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	17,5	17,3	18,1	18,1	18,3	19,7	112,6
Сабзавотлар, минг тона	3517,8	6346,5	9286,7	10129,3	11275,8	10219,9	290,5
Фермер хўжалиги салмоғи, %	13,7	34,9	35,0	34,1	34,8	29,3	213,9
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	77,2	64,4	64,1	65,0	64,3	69,4	89,9
Мевалар, минг тона	949,3	1710,3	2490,6	2746,1	3042,8	2614,9	275,4
Фермер хўжалиги салмоғи, %	18,4	47,7	45,6	45,9	45,8	36,8	200,0
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	59,7	51,2	52,3	52,0	52,1	61,4	108,8
Гўшт, минг тн.	1061,2	1461,4	1906,3	2033,4	2172,5	2286,8	215,5
Фермер хўжалиги салмоғи, %	2,1	2,6	2,9	2,9	2,9	3,0	142,8
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	94,5	95,1	94,4	94,4	94,4	93,8	99,2
Сут, минг тона	4554,9	6169,0	8431,6	9027,8	9703,4	10047,9	220,6
Фермер хўжалиги салмоғи, %	2,1	3,3	3,7	3,6	3,6	3,4	161,9
Дехкон хўжалиги салмоғи, %	96,8	96,1	95,6	95,6	95,6	95,9	99,1

²²Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Деҳқон хўжаликлари кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишдаги салмоғи 60 фоиздан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Лекин, экин турлари бўйича кескин фарқлар кузатилади. Масалан, 2017 йилда пахта хом ашёсини 99,4 фоизини, ғалланинг 78,7 фоизини етишириётган фермер хўжаликлари нафакат давлат буюртмаси доирасидаги мамлакат иқтисоди учун стратегик маҳсулотлар етишириши нутқи назаридан, балки қишлоқ жойларидағи асосий иш берувчи субъект сифатидаки шлоқ хўжалиги соҳасида етакчи кучга айланниб бормоқда. Деҳқон хўжаликлари гўшт ва сут маҳсулотларини ўртача бозор баҳолари барқарорлиги сақланишида мухим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоклари (ўсимликчилик ва чорвачилик), шунингдек, хўжалик юритиш шаклларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги салмоғи ўзгариши асосан экин майдонлари таркиби ўзгариши билан бевосита боғлик (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари майдони таркиби ўзгариши динамикаси²³

(минг га)

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Жами қишлоқ хўжалиги экин майдонлари	3647,5	3708,4	3678,2	3694,2	3706,7	3474,5	94,5
Шундан:							
Пахта	1472,3	1342,5	1301,5	1298,1	1265,1	1201,2	92,3
салмоғи, (%)	40,3	36,2	35,4	35,1	34,1	34,6	-
Донли экинлар	1616,1	1679,4	1655,6	1671,1	1689,4	1655,6	102,4
салмоғи, (%)	44,3	45,3	45,0	45,2	45,6	47,6	-
Сабзавотлар	137,7	173,0	192,0	194,0	206,0	189,7	137,8
салмоғи, (%)	3,8	4,7	5,2	5,2	5,5	5,4	-
Мевали боғлар	208,2	235,3	261,9	266,4	279,6	271,6	130,4
салмоғи, (%)	5,7	6,3	7,1	7,2	7,5	7,8	-
Токзорлар	120,7	127,9	128,9	128,3	131,2	114,5	94,9
Полиз экинлари	33,9	47,9	51,5	52,0	58,8	52,3	154,3

²³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

Жумладан, 2005 йилда жами кишлоқ хўжалигида мевали боғлар эгаллаган майдон салмоғи 5,7 фоиздан, 2017 йилда эса 7,8 фоизга, сабзавотлар майдони салмоғи эса мос равишда 3,8 фоиздан, 5,4 фоизга ортганлигини кузатиш мумкин. Шу билан биргаликда асосий экинлар хисобланган пахта ва донли экинлар майдонлари жами экин майдонларининг 82,2 фоизини ташкил қилмоқда.

Таъкидланганидек, республикамиз бўйича экин майдонларининг миқдори сўнгти 2005-2017 йилларда салмоқли даражада ўзгармагани ҳолда бу кўрсаткич вилоятлар доирасида бир қадар фаркларга эга бўлмоқда. Масалан, шу йиллар давомида Тошкент вилоятида 11,7 фоиз, Наманганд вилоятида 8,3 фоиз, Самарқанд вилоятида 7,3 фоиз, Фарғона вилоятида 6,1 фоиз атрофида камайган бўлса, Қорақалпогистон Республикасида 10,8 фоизга ортган (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Республика бўйича кишлоқ хўжалиги экинлари майдони ўзгариши динамикаси²⁴

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	(минг га) 2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Қорақалпогистон Республикаси	238,5	265,8	229,8	251,6	256,3	264,4	110,8
Андижон	230,0	230,1	230,1	299,9	230,0	218,8	95,1
Бухоро	239,6	242,4	240,6	240,7	240,8	239,6	100,0
Жizzах	388,4	391,6	396,0	398,1	401,1	356,4	91,8
Қашқадарё	477,6	493,0	499,1	493,9	493,9	472,8	99,0
Навоий	102,8	105,0	102,9	102,8	103,6	96,8	94,2
Наманганд	220,3	224,0	223,7	224,5	225,0	202,0	91,7
Самарқанд	379,1	372,8	364,3	360,2	359,0	351,3	92,7
Сурхондарё	278,1	272,3	283,2	284,3	285,0	267,4	96,1
Сирдарё	242,6	235,6	232,8	232,8	232,9	214,6	88,4
Тошкент	339,6	356,6	354,6	353,3	353,5	299,9	88,3
Фарғона	289,0	290,8	289,5	289,6	288,8	271,4	93,9
Хоразм	221,9	228,4	231,6	232,5	236,8	219,1	98,7
Республика бўйича	3647,5	3708,4	3678,2	3694,2	3706,7	3474,5	95,2

²⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

Бугунги кунда кишлоқ хўжалиги ерлари майдонида аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида худудлар имкониятидан келиб чикқан ҳолда ресурслар таъминоти, маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юкори бўлган кишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Кишлоқ хўжалигига амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида таҳлил килинаётган йиллар мобайнида кишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари таркиби ўзгариши билан биргаликда фермер хўжаликларини сони ва уларнинг ер майдонлари миқдорлари ҳам ўзгариб бораётганлиги кузатилади (2.5-жадвал).

Жумладан, 2005 йилда республика бўйича жами 125,7 минг фермер хўжаликлири фаолият юритиб, уларнинг ўртача ер майдонлари 26 гектарни ташкил қилган бўлса, амалга оширилган катор оптималлаштириш тадбирларидан сўнг 2017 йилга келиб жами фермер хўжаликлари сони 160,3 мингтани ташкил қилганлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478-сонли Фармонининг қабул килиниши фермер хўжаликларини мавжуд салоҳиятидан унумлироқ фойдаланиш, даромадини ошириш, келгусида фермерлик ҳаракатини янада юкори босқичга кўтаришда мустаҳкам асос бўлди²⁵.

Мазкур қарор билан фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва кайта ташкил этишда, уларга ер майдонларини узок муддатли ижарага ажратиб беришда ошкоралик, очиклик ва қонунийлик тамоилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш;

– кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4478-сонли Фармони.

томчилатиб сугоришни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш;

2.5-жадвал

Республика бўйича фермер хўжаликлари сони

ўзгариши динамикаси²⁶

(минг дона)

Маъмурӣ худудлар	2005 йил	2010йил	2012йил	2014 йил	2015йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Коракалпогистон Республикаси	8,3	4,1	3,6	3,5	4,8	5,4	5,4	65,1
Андижон вилояти	4,9	6,2	7,3	6,9	8,6	13,9	15,1	308,2
Бухоро вилояти	9,9	3,9	4,0	4,3	5,3	7,4	7,4	74,7
Жиззах вилояти	11,8	4,8	5,3	6,6	10,1	11,4	12,5	105,9
Кашкадарё вилояти	18,9	7,1	7,1	7,1	12,4	21,8	21,8	115,3
Навоий вилояти	5,7	2,5	1,8	1,8	2,5	3,7	3,7	64,9
Наманган вилояти	6,5	7	5,7	5,5	7,4	14,4	14,0	215,4
Самарқанд вилояти	10,7	8,8	8,0	9,7	12,6	20,4	19,5	182,2
Сурхондарё вилояти	6,7	5	5,1	5,1	6,1	11,8	12,2	182,1
Сирдарё вилояти	7,5	3,3	4,0	5,6	5,4	6,0	6,4	85,3
Тошкент вилояти	8,4	6,1	6,2	6,4	9,4	17,7	16,9	201,2
Фарғона вилояти	11,9	7,7	7,9	9,1	10,5	14,0	16,8	141,2
Хоразм вилояти	14,5	6,1	4,8	5,2	6,0	8,5	8,6	59,3
Республика бўйича	125,7	72,6	70,8	76,8	101,1	156,4	160,3	127,6

– қишлоқда ҳуқукий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари тармоғини, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни сотиш соҳаларида фермер хўжаликлари иштироқидаги

²⁶Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

кооперациянинг турли шаклларини ташкил этиш ҳамда кенгайтиришга кўмаклашиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хукуқлари ва конуний манфаатларини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли Фармони қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчилар учун муҳим босқич ҳисобланади²⁷.

Ушбу Фармонга кўра ахоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолаётганлиги, узоқ йиллар фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли иш олиб борилмаётганлиги, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаганлиги, соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланмаганлиги ҳамда фермер, дехқон хўжаликлари аъзолари ва томорқа ер эгаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўнилмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш холати талабларга жавоб бермаслиги каби ҳолатлар таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон фермерлари кенгаши фармонга мувофиқ “Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши” сифатида қайта ташкил этилди. “Томорқа – қўшимча даромад манба!” шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб килиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш, ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, экин экмаган, агротехник тадбирларни ўз вактида амалга оширган фермер, дехқон

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хукуқлари ва конуний манфаатларини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли Фармони.

хўжаликлари ва томорка ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган хукуқларни бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чораларини кўриш белгилаб қўйилди. 2018 йил 1 октябрга қадар барча дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини экин майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни ягона реестри шакллантириш вазифалари белгиланди.

2.6-жадвал

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлиги ўзгариши²⁸

(ц/га)

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Пахта:	25,3	25,4	26,1	25,9	26,0	24,1	95,2
Фермер хўжаликларида	24,2	25,9	26,3	26,0	26,2	24,3	100,4
Дехкон хўжаликларида	-	-	-	-	-	-	-
Донли экинлар, ўртacha	39,8	43,6	45,3	45,3	45,0	39,7	99,7
Фермер хўжаликларида	38,6	42,5	44,1	44,2	43,7	37,9	98,2
Дехкон хўжаликларида	52,2	53,5	56,0	56,0	56,9	54,6	104,6
Сабзавотлар	215,8	252,5	268,3	271,0	271,1	253,6	117,5
Фермер хўжаликларида	181,6	239,8	263,0	261,7	258,9	212,0	116,7
Дехкон хўжаликларида	230,7	260,1	273,5	277,3	280,8	272,8	118,2
Полиз экинлари:	169,1	192,6	201,3	203,6	209,4	197,9	117,0
Фермер хўжаликларида	134,0	178,3	193,6	192,0	197,4	169,8	126,7
Дехкон хўжаликларида	213,4	214,1	210,6	217,2	226,7	233,3	109,3
Мевали боғлар:	62,3	92,6	116,0	128,1	134,1	118,3	189,9
Фермер хўжаликларида	50,5	76,2	90,1	99,0	103,9	77,1	152,7
Дехкон хўжаликларида	92,2	125,1	169,5	183,8	194,3	197,4	214,1
Узумзорлар:	64,7	90,8	120,7	133,1	141,9	157,0	231,8
Фермер хўжаликларида	51,0	79,7	96,5	108,3	116,1	120,2	235,7
Дехкон хўжаликларида	94,7	116,4	174,9	189,0	200,1	226,1	238,7

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Экин майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини ошиб боришига замин туғдирмоқда (2.6-жадвал).

Жумладан, жадвал маълумотларига кўра, пахта хосилдорлиги 2005 йилда 25,3 центнер, 2016 йилда 26,0 центнер, 2017 йилда эса 24,1 центнерни ташкил қилган. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича хосилдорликда сезиларли ўсиш юз берган. Айниқса, боғдорчиликдаги туб ислоҳотлар, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш борасидаги тадбирлар натижасида мевали боғлар хосилдорлиги 2015 йилга нисбатан 2017 йилда 189,9 фоизга ортган.

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари ва етиштириладиган маҳсулот таркибини диверсификациялашга қаратилган тадбирлар, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ўзгаришига олиб келган бўлса, хосилдорлик кўрсаткичлари ҳам ўзгариб бориши натижасида етиштириладиган маҳсулотлар хажмлари ҳам ўзгариб борган (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари ўзгариши²⁹

(минг тонна)

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Пахта	3749,0	3404,0	3400,2	3361,3	2959,0	2900,2	77,3
Донли экинлар	6401,8	7404,1	8050,5	8173,5	8261,3	7288,5	113,8
Сабзавотлар	3517,8	6346,5	9286,7	10129,3	11275,8	10219,9	290,5
Полиз	615,3	1182,4	1696,1	1853,6	2044,9	2031,0	330,1
Мевалар	949,3	1710,3	2490,6	2746,1	3042,8	2614,9	275,4
Узум	641,6	987,3	1441,2	1579,3	1735,8	1625,5	253,3
Гўшт (тирик вазнда)	1061,2	1461,4	1906,3	2033,4	2172,5	2286,8	215,5
Сут	4554,9	6169,0	8431,6	9027,8	9703,4	10047,9	220,6

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Хусусан, пахта хом ашёси ишлаб чиқариш 2005 йилдаги 3749,0 минг тоннадан 2017 йилда 2900,2 минг тоннага түшгән һолда 2005 йилга нисбатан 2017 йилда 22,7 фоизга камайған бўлса, донли экинлар етиштириш ҳажмлари шу даврда 113,8 фоизга ўсган. Чорвачилик маҳсулотлари хусусан сут ва гўшт етиштириш ҳажмлари 2 мартадан кўпроқка ортган. Сабзавотлар, мевалар, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини ҳам кескин 2,5 мартадан 3 марта гача ортганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай ҳолатга эришишда кишлоп хўжалиги маҳсулотлари таркибини мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларига қаратилган ҳолда диверсификациялаш тадбирлари муҳим аҳамият касб килган. Бундай тадбирлар ҳозирги кунда ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Айни пайтда нафақат эришилган кўрсаткичларни сақлаб қолиш, балки уни яхшилаб бориш мақсадларини кўзлаган ҳолда фаолият олиб бориш йўналишидаги муҳим қадамлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрядаги кишлоп хўжалигига иктиносидий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, экин майдонлари таркибини мақбуллаштириш хисобига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кишлоп хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда интенсив, тежамкор технологияларини жорий қилиш, фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва фаолияти иктиносидий самарадорлигини ошириш, тармоқ экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадларига қаратилган “2016-2020 йилларда кишлоп хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2460-сонли қарорини келтиришимиз мумкин. Ушбу хужжат асосида республикамизда 2016-2020 йилларда пахта майдонлари ва пахта хом ашёси ялпи ҳосили, шунингдек, сугориладиган ерларда бошокли дон экинлари майдонларини ишлаб

чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашни хисобга олган ҳолда оптималлаштириш вазифаси қўйилган бўлиб, бунда³⁰:

- пахта ва бошоқли дон экинларидан бўшайдиган сугориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг 2020 йилгача мақсадли параметрлари тасдиқланган;
- 2016-2020 йилларда асосий қишлоқ хўжалиги экинларини майдонлари, ҳосилдорлиги ва етиштириладиган маҳсулотларни миқдорлари прогноз параметрлари белгилаб берилган.

Кишлоқ хўжалиги соҳаси корхоналари 2021 йилнинг 1 январига қадар кўйидаги тўловларни тўлашдан озод этилган:

- наслчилик йўналишидаги чорвачилик субъектлари асосий фаолият тури бўйича барча соликлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича бож тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йигимлар бундан мустасно):

- омихта ем ва озуқа қўшимчалари ишлаб чиқариш учун компонентлар, наслли материал, технологик ва ёрдамчи ускуналар олиб киришда “Ўззооветтаъминотхизмат” республика бирлашмаси, наслчилик йўналишидаги чорвачилик субъектлари, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари, омихта ем, озуқавий қўшимчалар, ветеринария вакциналари ва дори-дармонлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар;

– пайвандтаг, кўчат ва томчилатиб суғориш учун ускуналар олиб киришда фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар озод этилган.

Таъкидланганидек, 2016-2020 йилларда пахта майдонлари ва пахта хом ашёси ялпи хосили, шунингдек, сугориладиган ерларда бошоқли дон экинлари майдонларини оптималлаштириш кўзда тутилган бўлиб, бунда 2016-2020 йиллар давомида республика бўйича пахта экин майдонлари 170,5 минг гектарга, пахта хом ашёси етиштириш миқдори эса 350 минг тоннага камайиб боради. Шу

³⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабридаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ килиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ - 2460 - сонли карори.

даврда ғалла экин майдонлари 50 минг гектара га камайсада ҳосилдорликни ошириш хисобига ғалла етиштириш микдорлари сақлаб қолиш күзда тутилган;

– бугунги кундаги бозор талабларидан келиб чиқсан холда экинлар таркибини белгилаш ва уларни етиштиришда замонавий ресурс тежамкор технологияларни құллашга зәтибор қаратиш зарур;

– пахта ва бошоқли дон экинларидан бүшайдыган сұғориладиган ерларда қишлоқ хұжалиги экинларини жойлаштиришни 2020 йилгача мақсадли параметрлари қуидагича күринишга эга бўлади (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

Республика бўйича 2020 йилга бориб экин майдонларини оптималлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари³¹

Маъмурӣ худудлар	Жами оптимал- лашадиган майдон, (минг га)	ш.ж. экинлар бўйича		Оптималлашадиган экин майдонларида жойлаштирилладиган экин						
		Пахта майдонлари	Суали ғалла майдонлари	Картошка	Сабзавотлар	Интенсив бўйлар	Озука	Экинлари Мойни экинлар	Бонка экинлар	
Қорақалпоғистон Республикаси	7,0	7,0	-	1,5	2,2	0,5	0,7	0,9	1,2	
Андижон	15,2	11,2	4,0	2,8	6,4	1,6	2,6	1,1	0,7	
Бухоро	15,0	10,0	5,0	2,4	7,1	1,2	3,1	0,8	0,4	
Жиззах	27,5	22,5	5,0	4,0	11,0	1,5	7,8	1,6	1,6	
Қашқадарё	22,4	18,4	4,0	2,3	9,7	1,8	5,1	1,8	1,7	
Навоий	3,4	3,4	-	0,5	1,4	-	1,0	0,5	-	
Наманган	15,1	10,1	5,0	3,0	6,8	1,6	2,1	0,8	0,8	
Самарқанд	22,2	16,2	6,0	4,2	8,3	2,0	6,3	0,7	0,7	
Сурхондарё	19,3	14,3	5,0	3,0	8,7	1,8	4,0	1,2	0,6	
Сирдарё	27,7	22,7	5,0	3,8	10,1	1,6	8,8	2,1	1,3	
Тошкент	19,4	13,4	6,0	4,0	7,5	2,3	4,0	1,0	0,6	
Фарғона	17,5	12,5	5,0	4,1	7,0	1,8	3,3	0,6	0,7	
Хоразм	8,8	8,8	-	0,4	4,8	0,3	1,5	0,9	0,9	
Жами	220,5	170,5	50,0	36,0	91,0	18,0	50,3	14,0	11,2	

³¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабридан “2016-2020 йилларда қишлоқ хұжалигини янада ислох килиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПҚ-2460-сонли карорда келтирилган прогноз маълумотлари.

Бунда 2016-2020 йиллар давомида жами пахта ва ғалла ҳисобига камайтириладиган 220,5 минг гектар экин майдонларининг 36 минг гектарида (16,3%) картошка, 91 минг гектарида (41,3 %) сабзавотлар, 18 минг гектарида (8,2 %) интенсив боғлар, 50,3 минг гектарида (22,8%) озуқа экинлари, 14 минг гектарида (6,3%) мойли экинлар ва 11,2 минг гектарида (5,1 %) бошқа озиқ-овқат экинлари жойлаштириш белгилаб берилган.

Картошка, сабзавотлар, мевалар, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича ҳам нафақат экин майдонлари балки хосилдорлик кўрсаткичлари ҳам ортиши кўзда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби диверсификациялашиб бориши, биринчи навбатда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали жамият аъзоларини туб манфаатларига хизмат қиласди.

2.2. Қишлоқ хўжалиги учун зарур асосий агроресурслар бозорини ривожланиш таҳлили

Аграр соҳани модернизациялаш шароитида тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш бевосита мавжуд агроресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи иқтисодий атамадир. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёни технологик, иқтисодий, ижтимоий қуи тизимларни бирлигидан ташкил топган бўлиб, уларда асосан ресурсларга асосланган ёндашув устиворлик киласди. Ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлиги, олинган самаранинг сарфланган ресурсларга нисбати билан аниқланади. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш бевосита мавжуд ресурслар салоҳиятига ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигига агроресурслар таркибини хар бир элементи мухим аҳамият касб этиб, уларнинг бирортаси меъёрдан кам ёки ортикча бўлса кутилган иқтисодий самарага эришиб бўлмайди. Биз қишлоқ хўжалигидаги асосий агроресурслар таркибига капитал,

асосий фондлар, меҳнат, табиий-иклим, айланма фондлар, ер-сув ресурсларини ва бошқаларни киритишимиз мумкин бўлади.

Табиат бойликлари орасида ер-сув ресурслари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб тириклик манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ер-сув ресурсларидан, айниқса, унумдор ер ва чучук сув ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш талаб этилади.

Ер ва сув ресурсларидан қанчалик оқилона фойдаланилса, ишлаб чиқариш маҳсулот ҳажми шунчалик кўпаяди, ахолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларининг қондирилиш даражаси ортишига хизмат қиласи.

Айниқса, хозирда сайёрамизда 50 ортиқ мамлакатларда чучук сув танқислиги сабабли, катта қийинчиликлар юзага келмоқда. Сувдан фойдаланиш масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан 2005-2015 йиллар “Сув хаёт учун” харакати Халқаро ўн йиллиги деб эълон килинган. Сабаби, бугунги кунда ер юзидағи 7 миллиарддан ошик ахолининг 1,2 миллиард нафарга яқин ахоли тоза ичимлик сувига муҳтоҷ, 2,3 миллиард нафар одам санитария ҳолати талабларига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яъни, дунё ахолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайдилар.

Бугунги кунда сув хўжалик ва ичимлик сув таъминотида 6,0 фоиз, саноатда 1,8 фоиз, қишлоқ сув таъминотида 1,3 фоиз, ирригацияда 84,2 фоиз, энегетикада 6,0 фоиз, балиқчилик хўжалигига 0,5 фоиз, бошқа максадлар учун 0,2 фоиз ишлатилмоқда.

Ўзбекистонда ички дарёларнинг сув ресурслари умумий эҳтиёж миқдорининг 18 фоизини ташкил қиласи. Умумий эҳтиёжнинг 82 фоизга якини давлатлараро окиб ўтувчи Амударё ва Сирдарё ресурслари хисобидан қопланади. Шу сабабли, республикамизда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш” бўйича давлат Дастурининг ижросини таъминлашга ҳаракат килинмоқда. Конунчилик палатасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг “Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари” масаласида парламент

сўрови институт қўмита масъуллигида ижобий ишларни амалга ошириб борилмоқда. Жумладан, 2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш, соҳага чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳамда илмий-тадқиқот кўламларини кенгайтириш, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Кишлок хўжалиги корхоналарини, жумладан фермер хўжаликларини ривожлантиришга доир олиб борилаётган аграр ислоҳотлар туфайли бугунги кунда фермер хўжаликлари нафакат маҳсулот етиштирувчи, балки кўп тармокли мустакил хўжалик юритувчи субъект бўлиб ривожланиб бормоқда.

Кишлок хўжалигига маҳсулот етиштирувчилар ишлаб чикариш жараёнини ташкил этишда турли-туман хизматларга эҳтиёж сезиб, мазкур хизматларни кўрсатувчи субъектлар билан ташкилий-иктисодий муносабатларга киришади. Бозор муносабатлари шароитида эса хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизмат сифати, муддати ва баҳоси орқали исьтемолчилар эътиборини қозониш учун ракобат шароитида фаолият юритади ва ривожланади. Кишлок хўжалигига кўрсатилаётган аксарият хизматлар марказлашган бўлиб, монопол хусусиятга эга ташкилотлар орқали фаолият юритиб уларнинг ривожланиши ҳам шунга мутаносибdir.

Биз тадқиқотлар жараёнида хизмат кўрсатувчи ташкилотларни ресурслар етказиб бериш орқали хизмат кўрсатадиган ҳамда ўз хизмати орқали маҳсулот етиштирувчининг маълум доирадаги бажариладиган ишларини осон киладиган субъектлар каби гурухларга бўлган ҳолда таҳлил этамиз. Сабаби, ресурслар етказиб бериш орқали хизмат кўрсатадиган субъектлар агроресурс бозорини ҳам бевосита иштироқчиси хисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кишлок хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига хизмат кўрсатувчи субъектлар сонига эътибор қаратадиган бўлсак, кишлок хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларнинг асосий харажатларидан бири бу механизация

харажатлари бўлиб, хўжаликларга механизация хизматлари МТП ва ММТПлар орқали кўрсатилади.

Мамлакатимизда муқобил трактор парклари сони ўзгаришига аҳамият берадиган бўлсак, 2013 йилда Кораколпогистон Республикасида жами 134 та, Андижон вилоятида 186 та, Жиззах вилоятида 4 та, Қашқадарё вилоятида 184 та, Самарқанд вилоятида 241 та муқобил трактор парклари мавжуд бўлса, 2017 йилга келиб муқобил трактор парклари сони мос равишда 141 та, 188 та, 2 та, 180 та ҳамда 236 тани ташкил этмоқда (2.9-жадвал).

Республика бўйича жами ММТП сони 2013 йилдаги 1720 та ўрнига 2017 йилга келиб 1429 тани ташкил этмоқда. Республикаимизда 2013 йил ҳолатига кўра 1486 та СИУ лар мавжуд бўлган бўлса, 2017 йил ҳолатига кўра 1504 тани ташкил этмоқда. 2017 йилда худудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп СИУ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида яъни 152 тани ҳамда энг кам СИУ лар Самарқанд вилоятида, яъни 40 та сув истеъмолчилари уюшмаси фаолият юритмоқда. СИУ ларни ташкил этиш худудларнинг сув манбаалари билан таъминланиш даражасига боғлиб бўлиб, географик жойлашуви асосий таъсир этувчи омил саналади.

Республикаимизда чорвачилик соҳаси жадал ривожланиб бориши туфайли, тармокка хизматлар кўрсатиш тизимини ҳам ривожлантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, 2013 йилда 2591 та зооветеринария шаҳобчалари фаолият олиб борган бўлиб, 2017 йилда 2450 тани ташкил этган. 2013-2017 йиллар оралиғида зооветеринария хизмати шаҳобчаларини 141 тага, консалтинг ва маркетинг хизмати тармоклари сони 225 тага камайганлигини кузатиш мумкин.

2.9-жадвал

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига хизмат кўрсатувчи субъектлар сони ўзариши, дона³²

Хизмат кўрсатиш субъектлари	Йиллар	Республика												Хоразм	Республика бўйича
		Коракалпогистон	Адабий	Букоро	Жиззах	Кашкадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тоғикиент	Фарғона		
Жами муқобил МТПлар	2013й.	134	186	104	4	184	52	139	241	126	91	191	161	106	1720
	2014й.	134	185	104	5	184	52	135	241	135	57	177	161	77	1647
	2015й.	132	185	104	6	193	17	135	241	126	57	191	148	106	1642
	2016й.	132	185	104	5	194	17	135	241	126	57	191	148	106	1641
	2017й.	141	188	55	2	180	15	122	236	95	26	128	168	73	1429
СИУлар	2013й.	129	109	118	115	139	57	144	35	153	104	149	119	115	1486
	2014й.	128	109	124	115	145	57	144	35	153	105	149	123	114	1501
	2015й.	128	109	128	119	147	57	143	36	151	104	148	124	114	1508
	2016й.	127	109	128	119	148	57	144	36	151	105	148	124	114	1510
	2017й.	127	101	131	116	152	55	134	40	152	108	148	127	113	1504
Мини банклар	2013й.	113	63	91	96	129	35	122	230	57	75	145	149	99	1404
	2014й.	113	72	57	96	210	35	122	230	30	56	145	149	82	1397
	2015й.	102	29	72	96	210	35	48	178	57	37	144	61	99	1168
	2016й.	103	29	72	96	210	35	48	179	57	37	145	61	99	1171
	2017й.	55	13	11	7	11	47	10	16	12	7	12	14	11	226
Зооветери- нария хизмати шохобчалари	2013й.	125	192	215	146	295	81	140	434	279	80	203	223	178	2591
	2014й.	126	190	215	145	295	82	140	434	279	80	203	223	178	2585
	2015й.	124	192	215	146	295	81	140	434	279	80	203	223	178	2589
	2016й.	126	192	215	146	295	82	140	434	279	80	203	223	178	2591
	2017й.	128	152	216	140	236	69	125	442	235	81	194	252	180	2450
Консалтинг ва маркетинг хизмати тармоклари	2013й.	19	23	38	12	35	15	12	17	26	4	18	48	35	302
	2014й.	15	18	36	11	34	16	15	44	25	2	18	48	35	317
	2015й.	14	12	37	13	36	14	15	43	24	2	17	81	34	342
	2016й.	16	12	38	12	35	15	12	43	25	2	18	82	35	345
	2017й.	14	15	4	1	1	8	5	6	3	1	15	3	1	77

Қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларига кўрсатиладиган хизматлар орасида механизация хизматлари алоҳида таъсир даражасига эга. Жумладан, бажарилган хизмат сифати ва муддати етиштирилладиган маҳсулот самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда механизация хизматларини кўрсатадиган ташкилотлар сони ва уларнинг техник салоҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, республикамизда 2017 йил ҳолатига кўра жами 1429 та

³²Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

ММТП лар мавжуд бўлса, уларда жами 16692 та техникалар мавжуд. Худудлар кесимида энг кўпи Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд техникалар сони 4663 ташкил этади (2.10-жадвал).

2.10-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мукобил МТПларнинг фаолияти³³

(2017 йил холатига)

Худудлар	Жами мукобил МТПлар сони	Мавжуд техникалар сони (дана)			
		Жами	шу жумладан		
			ҳайдов	ишлов берувчи	ғалла ўриш комбайни
Қорақалпоғистон Республикаси	141	4663	148	683	2
Андижон	188	1642	55	359	6
Бухоро	55	419	32	146	2
Жиззах	2	3	1	2	-
Қашқадарё	180	4661	153	1463	25
Навоий	15	511	54	79	52
Наманган	122	1023	12	72	3
Самарқанд	236	1965	55	609	43
Сурхондарё	95	243	21	150	3
Сирдарё	26	337	77	62	11
Тошкент	128	366	222	121	-
Фарғона	168	417	32	172	6
Хоразм	73	445	109	31	-
Республика бўйича	1429	16692	971	3949	153

Жумладан, 2017 йилда Қашқадарё вилоятида 180 та ММТП да жами 4661 та техникалар бўлиб, 153 таси ҳайдов тракторлари, 1463 таси ишлов берувчи техникалар, 25 таси ғалла ўриш комбайнлари ташкил этган. Наманган вилоятида жами 122 та ММТП да 1023 та техника мавжуд бўлиб, уларнинг 12 таси ҳайдов, 72 таси ишлов берувчи ҳамда 3 таси ғалла ўриш комбайнларини ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида етарли даражадаги ракобат муҳити яратилганлигига қарамай, маҳсулот сотиш тизими белгиланган талабга жавоб бермаслиги сабабли, етиштирилган маҳсулотларининг маълум бир қисми истеъмолчига етиб бормасдан нобуд бўлмоқда. Бундан ташқари,

³³Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

агроресурслар ва агрохизматлар бозорининг яхши ривожланмаганлиги сабабли, дехқонни зарурий ресурслар билан таъминлаш тизимида бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Бундай ҳолатда дехқон сифатсиз ва нисбатан қиммат ресурслар ва хизматлардан фойдаланишига мажбур бўлмоқдалар. Бу эса ўз навбатида кишлок хўжалигида фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикамизда мавжуд кишлок хўжалиги техникалари ҳолатини ўрганадиган бўлсак, 2017 йилда жами 169007 дона техника турлари мавжуд бўлиб, шундан фойдаланиш муддати бўйича 1-5 йилгача 20 фоизни, 6-10 йилгача 19 фоиз, 11-15 йилгача 21 фоизни ва 15 йилдан ортиқ 40 фоизни ташкил этади (2.11-жадвал).

2.11-жадвал

Республикада мавжуд кишлок хўжалиги техникалари ҳолатитўғрисида маълумот³⁴

(2017 йил ҳолатига)

№	Техника тури	Жами	Шундан фойдаланиш муддати бўйича							
			1-5 йил		6-10 йил		11-15 йил		15 йилдан ортиқ	
			дона	%	дона	%	дона	%	дона	%
1	Хайдов тракторлари	9576	2971	31	1814	19	1701	18	3090	32
2	Чопик тракторлари	28223	6321	22	7218	26	5656	20	9028	32
3	Транспорт тракторлари	23913	3510	15	3624	15	4411	18	12368	52
4	Фалла ўриш комбайнлари	4000	1036	26	1052	26	728	18	1184	30
5	Пахта териш машиналари	1713	1236	72	6	0	245	14	226	13
6	Озука ўриш техникалари	1720	412	24	382	22	337	20	589	34
7	Культиваторлар	22924	4115	18	4536	20	5409	24	8864	39
8	Чигит экиш сеялкалари	11554	3152	27	2342	20	2348	20	3712	32
9	Дон экиш сеялкалари	1165	128	11	69	6	279	24	689	59
10	Плуглар	8029	1701	21	1365	17	1653	21	3310	41
11	Бошқа кишлок хўжалиги техникалари	56190	9074	16,1	9944	17,7	12289	21,9	24883	44,3
Жами		169007	33656	20	32352	19	35056	21	67943	40

³⁴Ўзбекистон Республикаси Кишлок хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

Жумладан, техника турлари бўйича таҳлил қиласидаган бўлсак, ҳайдов тракторлари 9576 та, чопиқ тракторлари 28223 та, транспорт тракторлари 23913 та, ғалла ўриш комбайнлари 4000 та, озуқа ўриш техникалари 1720 та, культиваторлар 22924 та, чигит экиш сеялкалари 11554 та, дон экиш сеялкалари 1165 та, плуглар 8029 та, бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари 56190 тани ташкил этган. Лекин, бу мавжуд техникаларни турларига бўлган талаб ўзгарувчан бўлиб, техника турлари билан қишлоқ хўжалиги корхоналарини таъминланганлик даражаси турличадир.

Республикамиздаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 2017 йил ҳолатига қишлоқ хўжалиги техникалари турига бўлган талабини 1000 гектар ер хисобига таъминланиш даражаси плуглар 217 фоиз, чопиқ тракторлари 117 фоиз, ғалла ўриш комбайнлари 89 фоиз, пахта териш машиналари 67 фоиз, озуқа ўриш техникалари 43 фоиз, культиваторлар 95 фоиз, ҳайдов тракторлари 258 фоиз, транспорт тракторлари 149 фоиз, чигит экиш сеялкалари 115 фоиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари 46 фоизни ташкил этади (2.12-жадвал).

Демак, қишлоқ хўжалиги корхоналарини 1000 гектар ер хисобига таъминланиш даражаси ҳолати паст бўлган техника турларини янги техникалар билан таъминлашни талаб этмоқда.

Бундай ҳолатларни яхшилаш мақсадида, 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришга лизинг хизматларини 1,7 мартаға хамда механизация хизматларини 2,5 баробарга ортишига эришилди.

2018 йилда эса тармоқда 172 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаларига талаб бўлгани ҳолда 26 мингта техникалар етишмайди. Фермер хўжаликларининг юкори замонавий унумли ҳайдов тракторлари билан таъминланиши 75 фоизни, ғалла ўриш комбайнлари 86 фоизни, пахта териш машиналари 28 фоизни, қўшқатор чигит экиш сеялкалари 60 фоизни, дон экиш сеялкалари билан таъминланиши 25 фоизни ташкил этмоқда.

2.12-жадвал

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талаби ва уни таъминланиш ҳолати (1000 гектар ер ҳисобига)³⁵

(2017 йил ҳолатига)

Техникини тури	Жами	Долзарб даврдаги иш хажмлари	Техника мөъёри 1000 га	Талаб	Таъминланиш даражаси %
Хайдов тракторлари	9567	1296	2,9	3707	258
Чопик тракторлари	28223	1206	20	24120	117
Транспорт тракторлари	23913	1237	13	16081	149
Фалла ўриш комбайнлари	4000	1123	4	4492	89
Пахта териш машиналари	1713	308	8,3	2556	67
Озука ўриш техникалари	1720	198	20	3960	43
Культиваторлар	22924	1206	20	24120	95
Чигит экиш сеялкалари	11554	1206	8,3	10010	115
Дон экиш сеялкалари	1165	419	5	2095	56
Плуглар	8029	1296	2,9	3707	217
Бошқа кишлоқ хўжалиги техникалари	56190	3843	32	122976	46

Умуман, етищмайдиган ва эскирган техникаларни ҳисобга олганда, жами 82 мингта янги қишлоқ хўжалиги техникаларига талаб мавжуд. Жориййилда 16 мингта, жумладан, биринчи ярим йилликда 5 минг 800 техникаларни кредит асосида етказиб бериш белгиланган бўлиб, бу жараёнлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда экин экилаётган майдон йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорлар ҳисобидан аҳолига турар жойларни куриш, саноат корхоналарини, сугориш иншоотларини барпо этиш натижасида юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бир қатор умумий принципларга амал қилишни талаб этади:

³⁵ Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

- мавжуд ер-сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш;
- ер-сув ресурслари ифлосланишига йўл қўймаслик;
- сув ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёнига тежамкор илгор технологияларни жорий килиш;
- мелиоратив холати талабга жавоб бермайдиган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли амалга ошириш;
- илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига роя этиш;
- уруғчилик ва агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишга эришиш;
- экинларни парваришлаш жараёнларида кимёвий воситалардан белгиланган меъёрларга асосланган ҳолда оқилона фойдаланиш;
- ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик муҳофаза килиш ҳолати ҳакидаги янгиликлардан фойдаланиш;
- ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;
- давлатлараро сув ресурсларидан фойдаланишда ва экологик муҳофаза килишда минтақавий ҳамда ҳалқаро принципларга қатъий амал қилишдан иборатdir.

Бу эса мавжуд чекланган агроресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади ва ахолини чекланмаган эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қиласди.

2.3. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган агрохизматлар бозорлари ривожланишининг хозирги ахволи

Аграр соҳани ривожи кўп жихатдан агросаноат мажмуининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш, сотиш соҳалари ва бевосита қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатиш тузилмаларининг ривожланиши даражасига ҳам боғлик бўлади. Шу боис, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва тармоқда хизматлар кўрсатиш тизимини мутаносиб равишда ривожлантириш муҳим аҳамият кассб этади.

Аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислохотларни хозирги босқичида қишлоқ хўжалиги тармоғига хизмат кўрсатиш

соҳаси маълум даражада шаклланиб, қуидаги турлари ҳозирда фаолият юритмоқда:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга агрокимё сервис хизматини кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалиги субъектларини мелиорация ва сув билан таъминлаш хизмати;
- қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш учун қурилиш хизмати;
- чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларга зооветеринария хизмати;
- етиштирилган маҳсулотларни ташиш бўйича транспорт хизмати;
- агрокорхоналар учун зарурий маслаҳатларни берадиган консалтинг хизмати;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарга моддий-техника ресурслари билан таъминлаш хизмати;
- етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, кайта ишлаш ва сақлаш тизими хизмати;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари учун бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудит хизматлари.

Аммо, бу кўрсатилаётган хизматлар турлари ва бажарилётган иш хажми таҳдилларига кўра хизмат кўрсатишнинг сифатини қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари талаблари даражасида ошириш зарур.

СИУлари сув хўжалиги тизимининг энг куи бўғини, бевосита истеъмолчилар билан ҳамкорликда фаолият юритадиган, уларнинг кизиқиши ва истакларини бевосита сувдан фойдаланиш амалиётига жорий этиш имкониятига эга бўғин саналиб, уларнинг сони ва аъзолари, экин турлари бўйича хизмат кўрсатиш майдонларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилда жами СИУ сони 1504 тани ташкил этиб улар 3660 минг гектар майдонга хизмат кўрсатади (2.13-жадвал).

Жумладан, Қорақолпоғистон Республикасида 127 та СИУ мавжуд бўлса, жами 289 минг гектар майдонга хизмат қиласди ҳамда

жами 5168 та сув истеъмолчиларининг 4802 таси фермер хўжаликлари ҳисобланади. Экин таркибига эътибор берадиган бўлсак, 92 минг гектар пахта, 53 минг гектар ғалла, 144 минг гектар бошқа экинларни ташкил этган.

2.13-жадвал

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги Сув истеъмолчилари уюшмалари сони ва уларнинг фаолияти³⁶ (2017 йил ҳолатига)

Худудлар	Жами СИУлар сони	СИУ хизмат кўрсатадиган майдон, минг га.				СИУ аъзолари сони	
		Жами	шундан			Жами	шундан ф/х-лар
			Пахта	Ғалла	Бошқа экинлар		
Қорақалпогистон Республикаси	127	289	92	53	144	5168	4802
Андижон	101	266	89	79	98	9216	8538
Бухоро	131	276	106	65	105	5428	5273
Жиззах	116	236	93	106	37	10167	10073
Кашкадарё	152	414	154	144	116	12756	12373
Навоий	55	120	35	41	44	2549	2519
Наманган	134	216	79	78	59	9046	7397
Самарқанд	40	374	86	108	180	13032	12641
Сурхондарё	152	252	99	97	56	6472	6108
Сирдарё	108	246	102	88	56	5996	5459
Тошкент	148	363	86	121	156	9498	9418
Фарғона	127	359	95	111	153	11394	10420
Хоразм	113	249	90	33	126	6263	6049
Республика бўйича	1504	3660	1206	1124	1330	106985	101070

Наманган вилоятида эса 134 та СИУ мавжуд бўлса, жами 216 минг гектар майдонга хизмат қиласи ҳамда жами 9046 та сув истеъмолчиларининг 7397 таси фермер хўжаликлиридир. Экин таркибига эътибор берадиган бўлсак, 79 минг гектар пахта, 78 минг гектар ғалла, 59 минг гектар бошқа экинлардан иборат бўлган.

Хоразм вилоятида эса 113 та СИУ мавжуд бўлса, жами 249 минг гектар майдонга хизмат қиласи ҳамда жами 6263 та сув истеъмолчиларининг 6049 таси фермер хўжаликлиридир. Экин таркиби эса 90 минг гектар пахта, 33 минг гектар ғалла, 126 минг гектар бошқа экинлардан иборат.

³⁶Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

Республикамиз бўйича энг кам СИУлар Самарқанд вилоятига тўғри келган, яъни СИУ лар сони 40 та бўлиб 374 минг гектар ер майдонига хизмат кўрсатади. Бу ер майдонларини 86 минг гектари пахта, 108 минг гектарини буғдой ташкил этган. Вилоятда СИУга аъзо бўлганлар сони 13032 та бўлиб, шундан 12641 таси фермер хўжаликлари хисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда СИУларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган омил сув истеъмолчиларнинг сув учун бадалларни ўз вактида тўламасликларидир. Ундан ташқари, етказиб берилаётган сувнинг хўжаликлар таркок жойлашганлиги сабабли, турли мунозарали вазиятларнинг вужудга келиши, сув учун бадал миқдорини белгилашда замонавий ёндашув лозимлиги, сув истеъмолчиларининг истеъмол маданиятини ошириш учун ташкилий тадбирларни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатадиган минибанклар фаолияти, уларни сони, тузилган шартномалар ҳолати, минибанклар томонидан ажратилаётган кредитлар миқдорини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, 2017 йил ҳолатига кўра 226 та мини банклар мавжуд бўлса, мини банкларда хисоб рақамини очган фермер хўжаликлири сони 32897 тани ташкил этмоқда (2.14-жадвал).

Республика бўйича тузилган шартномалар сони ва ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, жами 73719 та шартнома тузилган бўлса, шундан 70803 таси имтиёзли кредитлаш бўйича рўйхатга олинган. 2017 йилда имтиёзли кредитлаш суммаси 2205 млрд. сўмни ташкил килган. Агар экин турлари кесимида таҳлил этадиган бўлсак, пахта этиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар миқдори пахта учун 1541 млрд. сўмни ҳамда ғалла этиштириш учун 663,9 млрд. сўмни ташкил этган.

2.14-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ташкил этилган минибанкларнинг фаолияти түгрисида³⁷ (2017 йил ҳолатига)

Худудлар	Жами минибанклар сони	Минибанкларда хисоб рахами очган фермер хўжаликлари, сони	Тузилган шартномалар			Минибанклар оркали ажратилган имтиёзли кредитлар, млрд.сўм		
			банк хизмати учун, сони	имтиёзли кредит берниш бўйича		Жами	шундан	
				сони	млрд.сўм		пахта	галла
Қорақалпоғистон Республикаси	55	2398	3714	6153	149	147	96	51
Андижон	13	6548	3868	3868	78	151	103	48
Бухоро	11	183	3906	7679	288	207	145	62
Жиззах	7	4735	10104	7176	201	174	121	53
Қашқадарё	11	3048	5913	4839	152	150	141,0	8,9
Навоий	47	1296	1296	1049	213	181	124	57
Наманган	10	1124	3426	3426	226,1	190	138,0	52,0
Самарқанд	16	3268	18220	16534	99	149	102	47
Сурхондарё	12	724	4089	4089	245	190	134	56
Сирдарё	7	1125	4361	3824	222	170	112	58
Тошкент	12	2833	4257	2465	31	176	110	66
Фарғона	14	3432	3511	3298	141	144	88	56
Хоразм	11	2183	7054	6403	207	176	127,0	49,0
Республика бўйича	226	32897	73719	70803	2252,1	2205	1541	663,9

Худудларда минибанклар фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида жами 55 та мини банклар мавжуд бўлса, 2398 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Минибанклар томонидан 3714 та шартнома тузилган. Минибанклар томонидан ажратилган имтиёзли кредитларни экин турлари кесимида таҳлил этадиган бўлсак, 147 млрд.сўмлик имтиёзли кредитнинг 96 млрд.сўми пахтачилик хўжаликларига ҳамда 51 млрд. сўми галла етиштирувчи хўжаликлар учун ажратилғанлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятлар орасида Қашқадарё вилоятида жами 11 та мини банклар мавжуд бўлса, 3048 та фермер хўжалигига хизмат

³⁷ Узбекистон Республикаси Кишлоп хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

кўрсатади. Фарғона вилоятида эса 14 та минибанк мавжуд бўлса, 3432 та фермер хўжалиги мазкур банклар хизматидан фойдаланади.

Наманган вилоятида мазкур йилда 10 та мини банклар фаолият кўрсатган бўлиб, 1124 та фермер хўжаликлари ушбу банкда ўзларини хисоб рақамларини очишган. Тузилган шартномаларни 3426 таси банк хизматларини ташкил этади. Мини банклар орқали 190 млрд.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. Бу эса кишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини молиявий фаолиятига ўзини ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ЁММ сотиш шахобчалари пахта ва ғалла етиширувчи фермер хўжаликларига ўз хизматларини шартномалар асосида мунтазам равишда кўрсатиб келмоқда. Республикамиз 2017 йилда мавжуд 702 та ЁММ сотиш шахобчалари томонидан кишлоқ хўжалиги маҳсулот етиширувчилар билан 52070 та шартномалар тузилган бўлиб, уларнинг умумий суммаси 1027600 млн.сўмни ташкил этган (2.15-жадвал).

Фермер хўжаликларида етказиб берилиши лозим бўлган ЁММ миқдори 367000 тоннани ташкил этиб, амалда 72,3 % яъни 265337 тонна маҳсулот етказиб берилган. Етказиб берилган ЁММ миқдори учун ундирилган маблағ эса жами сумманинг 98,0 % ни ташкил этмоқда. Бу эса тузилган шартномаларни тўлиқ бажарилмаслигини акс эттиради.

Бироқ, тадқиқотлар натижалари ушбу инфратузилма субъектларининг аксарияти самарасиз фаолият олиб бораётганлигини, айrim ҳолларда зарурӣ техника воситалар базасини етишмаслиги ҳамда соҳа мутахассислари билан тўлиқ таъминланмаганлигини кўрсатмоқда.

2.15- жадвал

Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ЁММ сотиш шаҳобчаларининг пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжаликларига етказиб берган ЁММлари³⁸ (2017 йил ҳолатига)

Худудлар	Жами шаҳобчалар сони	Ер майдонига ажратиладиган лимит доирасида тузилган шартномалар			Амалда етказиб берилди			Ундирилган маблаг	
		Шартномалар сони, (дана)	Суммаси, (млн. сўм)	ЁММмийдори (тонна)	ЁММмийдори (тонна)	Суммаси, (млн. сўм)	Фоиз	Суммаси, (млн. сўм)	Берилган маҳсулот нишбатни (%)
Корақалпоғист. Республикаси	64	2779	72 917	26 042	20 061	58178	77,0	56 854	98
Андижон	49	3157	69 395	24 784	16 584	48094	66,9	47 586	99
Бухоро	42	4214	86 688	30 960	26 293	76248	84,9	74 896	98
Жizzах	56	5662	88 450	31 589	24 529	71133	77,7	68 542	96
Қашқадарё	92	7659	132 104	47 180	33 974	98525	72,0	96 584	98
Навоий	27	1207	30 296	10 820	9 415	27301	87,0	26 415	97
Наманган	32	2783	64 964	23 201	15 652	45391	67,5	44 758	99
Самарқанд	65	6641	80 858	28 878	19 878	57644	68,8	56 874	99
Сурхондарё	47	3242	91 781	32 779	22 486	65210	68,6	63 214	97
Сирдарё	46	3665	80 738	28 835	18 354	53225	63,7	51 287	96
Тошкент	65	5071	79 397	28 356	15 867	46013	56,0	45 867	100
Фарғона	62	3674	81 639	29 157	26 564	77035	91,1	75 846	98
Хоразм	55	2316	68 373	24 419	15 680	45470	64,2	45 021	99
Республика бўйича	702	52070	1027600	367000	265337	769467	72,7	753744	98

Республикамиз кишлоқ хўжалигида 2017 йил ҳолатига турли хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини таҳлили қиласидан бўлсақ, куйидагиларни кўришимиз мумкин. Шу йилда тармоқда минерал ўғит тарқатиши шаҳобчалари 729 та, биолаборатория шаҳобчалари 541 та, агрофирмалар 556 та, тара кадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш шаҳобчалари сони эса 27 тани ташкил этмоқда. Бу субъектлар томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарида

³⁸Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мълумотлари асосида тузилган.

маҳсулот етиштириш учун зарурий хизматлар кўрсатилиб келинмоқда (2.16-жадвал).

2.16-жадвал

Қоракалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги хизмат кўрсатувчи субъектлартўғрисида маълумот³⁹

(2017 йилхолатига)

Худудлар	Минерал ўғит тарқатиш шахобчалар	Биолабораториялар	Агрофирмалар	Тара қадоқлаш шахобчалари
Қоракалпогистон Республикаси	89	65	16	0
Андижон	67	34	18	3
Бухоро	71	33	18	1
Жиззах	2	44	56	6
Қашқадарё	90	60	11	5
Навоий	20	12	30	2
Наманган	22	16	26	1
Самарканд	76	19	19	5
Сурхондарё	50	62	26	0
Сирдарё	32	48	285	0
Тошкент	62	38	9	0
Фарғона	61	18	18	1
Хоразм	87	92	24	3
Республика бўйича	729	541	556	27

Бугунги кунда вилоят ва туманлар ҳокимликлари даражасида инфратузилма обьектларини, айниқса ММТП, СИУ, консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари, зооветеринария, ЁММ сотиш шахобчалари, минерал ўғит тарқатиш шахобчалари, биолабораториялар, агрофирмалар, тара қадоқлаш шахобчаларива бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш, дебитор ва кредитор карзларини камайтириш борасида уларга ўз вактида амалий ёрдам кўрсатиш, мавжуд муаммоларини ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ишлари, маҳсулот етиштирувчилар билан хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини тўғри йўлга кўйиш ва шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилишни талаб этмоқда. Сабаби, маҳсулот етиштирувчилар ўз вактида хизмат кўрсатувчи субъектлар

³⁹Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

томонидан кўрсатилган хизмат учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслиги бевосита ушбу корхоналарни молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса кишлок хўжалигидаги хизмат кўрсатувчи субъектларини ривожланишига ва улар ўртасидаги рақобат муҳити шаклланишига тўсиқ бўлмоқда.

Монографик тадқиқотлар натижасига кўра фермер хўжаликлари га хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналарини ривожлантиришида куйидаги камчиликларга йўл кўйилмоқда. Жумладан:

–инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасида шартномаларни аниқ бир тизим асосида тузилмаслиги натижасида томонлар ўртасида ўз мажбуриятларини бажарилишига масъулиятсизлик билан қаралётганлиги;

–инфратузилма субъектларида сарф-харажатлар устидан доимий мониторинг олиб борилмаётганлиги;

–инфратузилма субъектларида кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича аниқ хисоб-китобни юритилмаслиги натижасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ошир кетаётганлиги;

–туман хокимликлари ва инфратузилма субъектлари раҳбарлари томонидан дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш борасида аниқ тадбирларни (олдиндан пул туширилишини талаб килиш ва бошқалар) амалга оширилмаётганлиги;

–инфратузилма субъектлари раҳбарлари ва бош мутахассисларининг касбий малакасини ошириш, захира кадрларни тайёрлаш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмаётганлиги;

–жойларда инфратузилма субъектларининг самарали фаолият кўрсатишига (зарур бино-иншоатлар билан таъминлаш, бошланғич молиявий ёрдам кўрсатиш, зарурий хизмат турлари, малакали кадрлар билан таъминлаш ва бошқалар) маҳаллий хокимиятлар томонидан амалий ёрдамни талаб даражасида эмаслигидир.

Буларнинг натижасида инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар нархларининг ошишига, сифатини пасайишига, моддий ресурслар эса керакли микдорда ўз вақтида етказиб бериш жараёнида тўхталишларга сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, фермер хўжаликларига сифатсиз хизмат кўрсатиш ёки зарур бўлган моддий ресурсларни ўз вактида етказиб бермаслик, ҳосилдорликнинг камайишига, пировард натижада фермер хўжаликларини даромад олишига салбий таъсир кўрсатади.

Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, пахтачилик соҳасидаги агротехник тадбирларни (бу тадбирлар асосан ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилма субъектлари томонидан амалга оширилади) ўз муддатида бажарилмаслиги ёки зарур ресурслар билан белгиланган миқдорларда таъминланмаслиги натижасида юзага келадиган ҳосил йўқотилиши ҳисоб-китоблари орқали кўришимиз мумкин:

—чигит экишни ўз муддатида ўтказилмаслиги ғўзани кеч униб чиқиши натижасида ҳосилдорликни ўргача 3,4 ц/гача; шўрланган майдонларнинг шўр ювмаслик ёки сифатсиз шўр ювилса 9,0 ц/гача; нам сақлаш учун бороналашни ўтказилмаслиги ўртacha 3,4 ц/гача; чигит экишдан олдин тупрокнинг юмшатилмаслиги ўртacha 2,8 ц/гача; чигит экишдан олдин мола билан текисламаслик эса 1,6 ц/гача; чигит экишдан олдин майдондаги кесакларни майдалаб тупрокни экишга тайёрламаслик ўртacha 8,8 ц/гача; минерал ўѓитлар билан озиқлантириши 1 июлгача тутатмаслик 10,3 ц/гача; ягана килиш кечикиши ёки чигитни кайта экиш ҳосилдорликни 2,2 ц/гача камайишига сабаб бўлиши аниқланган.

Шу билан биргалиқдапахта майдонларини ҳар 3 йилда жорий текислаш ўртacha 6,6 ц/гача; гектарига 12 тонна органик ўѓитлар билан озиқлантириш ўртacha 2,1 ц/гача ҳосилдорликни ошириши ҳам исботланган. Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдик, пахтачиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, аввало, фермер хўжаликларига инфратузилма субъектларини самарали хизмат кўрсатиши ва таъминот корхоналари томонидан моддий ресурсларни ўз вактида етказиб берилишига бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда аграр соҳада тармоклар ўртасидаги баҳо ўсиши суръатларига эътибор қаратадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари турли нисбатларда ўсмоқда (2.17-жадвал).

2.17-жадвал

Асосий турдаги саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари ўсишини эквивалент асосида таққослаш⁴⁰

Ресурслар турлари	Бир бирлик ресурсбаҳоси, (минг сўм)		Бир бирлик ресурс баҳосига эквивалент пахта микдори, (т.)		Бир бирликресурс баҳосига эквивалентбуғдой микдори, (т.)		2005 йилга нисбатан 2017йилда ўшиш	
	2005 йил	2017 йил	2005 йил	2017 йил	2005 йил	2017 йил	Эквивалент пахта микдори, (%)	Эквивалент буғдой микдори (%)
1. Техникалар (1 дона)	-	-	-	-	-	-	-	-
- ТТЗ-100К.11	19320	157517	75,8	87,5	235,6	286,4	115,4	121,6
- барона (дискали)	858	31600	3,4	17,5	10,5	57,4	5,1 марта	5,5 марта
-омочлар (Пн-2/30)	3144	41279	12,3	22,9	38,3	75,0	186,2	195,9
2. Минерал ўғитлар (тонна)	-	-	-	-	-	-	-	-
- азотли ўғит	170	3800	0,7	2,1	2,1	6,9	300,0	328,6
- фосфорли ўғит	278	7300	1,1	4,0	3,4	13,3	363,6	191,2
-カリйли ўғит	180	2400	0,7	1,3	2,2	4,4	185,7	200,0
3. ЁММ (тонна)	-	-	-	-	-	-	-	-
-дизельёнилғиси	217	3750	0,9	1,2	2,6	6,8	133,3	261,5

Агар 2005 йилда бир дона ТТЗ-100К.11 русумли трактор сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари 75,8 тонна пахта хом ашёсини сотишлари керак бўлган бўлса, 2017 йилда 87,5 тонна пахта хом ашёси сотилиши талаб этилган. Ёки ушбу русумдаги бир дона трактор сотиб олиш учун 2005 йилда 235,6 тонна буғдой сотиш керак бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу микдор 286,4 тоннани ташкил этган.

Азотли ўғитни сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари 2005 йилда 0,7 тонна пахта хом ашёсини сотишлари керак бўлган бўлса, 2017 йилда 2,1 тонна пахта хом ашёси сотилиши талаб

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасидавлат статистика қўмитаси мълумотлари асосида.

этилган. Ёки ушбу азотли ўғитни сотиб олиш учун 2005 йилда 2,1 тонна бүгдой сотиш керак бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу миқдор 6,9 тоннани ташкил этган. Юқорида келтирилган тахлиллардан хулоса қилишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги баҳо паритети бузилиши бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини мутаносиб ривожланиши учун тўсик бўлувчи асосий омилларданбири ҳисобланади.

2005-2017 йилларда бир тонна пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришда саноат маҳсулотлари баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларига нисбатан 1,2-3,3 маротабагача ўстанлигини кузатиш мумкин (2.18-жадвал).

Жумладан, бир тонна пахта етиштиришда асосий саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртacha баҳоси индекслари нисбати орасидаги фарқ трактор 1,2 марта, дизель ёқилғиси 2,5 марта ва азот 3,2 мартани ташкил этган бўлса, бир тонна ғалла етиштиришда эса трактор 1,2 марта, дизель ёқилғиси 2,3 марта ва азот 3,3 мартани ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, аграр бозорни ривожланишини таъминлашда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиш лозим бўлади. Ва аксинча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ҳам, ўз навбатида бошқа бозорлар талабларига “бўйсимиши” лозим.

Юкоридаги фикрларимизни асосий қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархларининг ўртacha индекслари ўзгариши орқали ҳам кўриш мумкин.

2.18-жадвал

2005-2017 йилларда кишлоқ ва саноат маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш нисбати⁴¹


Галла, тонна	Пахта, тонна	Саноат маҳсулотлари номи		Ресурсбаҳоси, (минг сўм)		Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси Саноат маҳсулотлари баҳоси	Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси Саноат маҳсулотлари баҳоси	Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртача баҳолар ўсиш индекси (КХМи)	Саноат маҳсулотларининг ўртача баҳолар ўсиш индекси (СМи)	Асосий саноат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўртача баҳоси индексларнинг нисбати, БН	Тармоқларро баҳо ўсиши нисбати бузилишини тўргилаш (БНБТ), минг сўм	Баҳо бузилишини натижасида паклалитган фарқ, минг сўм
		2005 йил	2017 йил									
1	2	3	4	5	6	7=5/3	8=6/4	9=8/7	10=5*9	11=10-5		
	Трактор, дона	255	19320	1800	157517	7,0	8,1	1,2	2160	360		
	Дизель, тонна	255	217	1800	3750	7,0	17,3	2,5	4500	2700		
	Азот, тонна	255	170	1800	3800	7,0	22,3	3,2	5760	3960		
	Трактор, дона	82	19320	550	157517	6,7	8,1	1,2	660	110		
	Дизель, тонна	82	217	550	3750	6,7	17,3	2,3	1265	715		
	Азот, тонна	82	170	550	3800	6,7	22,3	3,3	1815	1265		

Жумладан, республика бўйича 2005-2017 йиллар давомида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (галла ва пахтани) ўртача баҳолари 6,7-7,0 мартаға ортган бўлса, пахтачилик тармоғи учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ўртача баҳолари 8,1-22,3 мартаға ортган (2.1-расм).

Натижада бир томондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши ҳисобига, хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш фойдалилик даражаси кескин пасайиб

⁴¹ Узбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

бораётган бўлса, иккинчидан қишлоқ хўжалиги корхоналари сотиб олиш қобилиятигининг пасайиши ҳисобига моддий-техника базаси ҳолати ёмонлашмоқда.



2.1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тармоқ учун зарур саноат маҳсулотлари нархлари индекси ўсиши⁴²

Шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари бўйича ҳам шундай вазиятни кузатиш мумкин. Масалан, сўнгги йиллар давомида бошоқли доннинг харид баҳолари 7,0 марта, пахта хом ашёсининг баҳоси эса 7,1 марта ортган. Аммо, давлат буортмаси бўйича ишлаб чиқарилмайдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳам ўртача баҳолар ўзгаришини кузатадиган бўлсак, жуда сезиларли миқдордаги баҳолар ўсиши юз бермаганинг кўришимиз мумкин. Жумладан, шу давр мобайнида сабзавотлар баҳолари 3,1 марта, мевалар баҳолари ўртача 4,6 марта, узумнинг баҳоси эса 5,3 марта ортганлигини жадвал маълумотлари асосида акс этган. Кartoшкачиликда шу давр мобайнида уруғчилик ва касалликлари томонидан хосилга келтирилаётган заарлар билан боғлиқ муаммолар туфайли картошканинг ўртача баҳоси 9,2 марта ортган (2.19-жадвал).

⁴²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

2.19-жадвал

Республика бўйича сабзавот ва картошкани йил давомида шаклланган ўртacha бозор баҳолари ўзгариши динамикаси⁴³

(тонна/минг сўм)

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Турлари	2005 йил	2010 йил	2012 йил	2014 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, (марта)
Бошоқли доннинг (буғдой) ўртacha харид нархи	82	236	338	418	570	7,0
Пахта ҳом ашёсининг харид нархи	255	590	801	1050	1810	7,1
Сабзавотлар	800	1700	1540	2085	2500	3,1
Мевалар	1200	2600	3000	4200	5500	4,6
Картошка	200	650	1350	1700	1850	9,2
Узум	950	3200	3050	4000	5000	5,3

Ўрганилаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган асосий агроресурслар баҳолари эса нисбатан анча тезроқ ўсганлигини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин (2.20-жадвал).

Хусусан, трактор (ТТЗ-100 К.11) нинг баҳоси 2005 йилда 19320 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 31788 минг сўмни хамда 2017 йилга келиб 157517 минг сўмга етган ёки 2017 йилда 2005 йилга нисбатан 8,1 марта ортган. Культиватор (КХУ-4Б)нинг баҳоси 2005 йилда 3036 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 27717 минг сўмни ташкил этган ёки 2005 йилга нисбатан 9,1 марта ортган.

Борона эса 2005 йилда 858 минг сўмни, 2010 йилда 1248 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 31600 минг сўмни ташкил этган. Ёки унинг баҳоси 2005 йилга нисбатан 2017 йилда 36,8 марта ошган. Ҳудди шу ҳолатни минерал ўғитлар баҳоларини ўсиб боришида хамда дизель ёқилғисида ҳам кузатиш мумкин.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

2.20-жадвал

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўладиган асосий турдаги техника ва ресурсларнинг ўртacha баҳолари ўзгариши динамикаси⁴⁴

(дона/минг сўм)

Техника ва техниквоситалар номлари	2005 йил	2010 йил	2012 йил	2014 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, (марта)
Трактор (ТТЗ-100 К.11)	19320	31788	89400	123960	157517	8,1 марта
Культиватор (КХУ-4Б)	3036	6121	8815	11616	27717	9,1 марта
Омочлар (ПН-2/30)	3144	8076	24610	32406	41279	13,1 марта
Борона	858	1248	20150	26500	31600	36,8 марта
Чигит сеялкаси(СЧХ - 4Б)	1807	3203	5600	8979	21096	11,7 марта
Дизель ёқилғиси (тонна/минг сўм)	217	1023,0	1459,3	2106,4	3750	17,3 марта
Азотли минерал ўғитлар (тонна/минг сўм)	170	783,6	1126,9	1599,9	3800	22,3 марта


Шу давр мобайнида саноат маҳсулотлари баҳосини ўсиши 8,1-36,8 марта гача, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси эса 6,7-7 марта гача ўсганлигини кузатишимиш мумкин. Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи тармоқларни ресурслар билан таъминлаш даражасида пасайиш ҳолати кузатилмоқда.

Жумладан, ушбу ҳолатни қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини таъминлашдаги муҳим аҳамият касб қилувчи минерал ўғитлар билан таъминлаш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал ўғитлар баҳолари ўргасида юзага келган нисбатлари бузилишида ҳам кузатишимиш мумкин (2.2-расм).

Келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари минерал ўғитларга бўлган талабни асосан азотли ўғитлар ҳисобига қоплашмоқда. Хусусан, фосфорли минерал ўғитлар билан таъминот даражаси 26,6 фоизни

⁴⁴“Ўзагролизинг” АЖ ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

ташкил қиласа, калийли минерал ўғитлар билан таъминот даражаси эса атиги 10 фойзни ташкил қилмоқда.



2.2-расм. Пахта ва ғалла етиштиришда минерал ўғитлар билан таъминот даражаси (2017 йил ҳолатига⁴⁵)

Фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё асосан бошқа мамлакатлардан импорт килиниши бевосита кишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган ўғитлар баҳолари тез ортишига олиб келмоқда. Натижада, етиштирилган ҳосилни вазни ва сифатини таъминловчи фосфорли ва калийли минерал ўғитлар баҳолари юқорилиги боисдан фермер хўжаликлари белгиланган меъёр асосида харид қилишмай қўйишган. Бу эса ўз ўрнида маҳсулот етиштиришда экинлар ҳосилдорлигига ва фермер хўжаликларини молиявий барқарорлигига ўзининг салбий таъсир кўрсатувчи энг асосий омиллардан бири хисобланади.

Агар 2017 йилда кишлоқ хўжалигида 1 тонна пахта хом ашёсини етиштириш харажатлари таркибини ўрганадиганва

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

тўпланган маълумотларни таҳлил қиласиган бўлсак қуидаги ҳолатни кўришимиз мумкин бўлади (2.21-жадвал).

2.21-жадвал

Пахта ҳом ашёси ишлаб чиқариш харажатлари таркиби (2017 йил)⁴⁶

(сўм/т)

№	Харажат турлари	Пахтачилик 1 тонна пахта ҳом ашёси учун харажат	
		Микдори	Улуси, %
1.	Иш хаки ажратмалари билан: шу жумладан: Иш хаки Шу жумладан: Кўл терими учун ягона ижтимоний тўлов	591632 514463 285000 77169	41,2
2.	Минерал ўғит, ўсимликларни химоя килиш воситалари, дефолиация	386600	27,0
3.	ЁММ ва механизация хизматлари	334879	23,4
4.	Уруглик	45066	3,1
5.	Бошка харажатлар Жами харажарлар (танинрх)	75332 1433510	5,3 100,0

2017 йилда 1 тонна пахта ҳом ашёси етиштириш харажатлари таркибини 41,2 фоизини иш хаки ажратмалари, 27,0 фоизини минерал ўғит, ўсимликни химоя килиш воситалари, дефолиация, 23,4 фоизини ЁММ ва механизация хизматлари, 3,1 фоизини уруғлик ва 5,3 фоизини бошка харажатлар ташкил этган.

Юкорида келтирилган таҳлилий маълумотлардан кулоса килишимиз мумкинсаноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги баҳо паритетини бузилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожланиши учун тўсик бўлувчи асосий омиллардан бирихисобланади.

Ушбу тармоқлар ўртасидаги баҳолар ўсиши мутаносиблигини таъминлаш аграр бозорни ривожланишига ва бу орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини иктисадий самарадорлигини таъминлашга

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

хизмат қиласи.

Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Шулардан бири, агрохизматлар бозорида фаолият юритувчи сугурта механизми ҳисобланади. Сабаби, сугурта механизими мустақил фаолият юритаётган хўжалик субъектларни маҳсулот етишириш борасида турли таваккалчиликларни олдини олишда, табиий оғатлардан ва кўрилган моддий заарлардан химоя қиласи. Аммо, ҳозирда аграр соҳадаги субъектларни сугурталашга бўлган эътиборини пастлиги, бозор иқтисодиёти талаблари даражасида эмаслиги, сугурталаш тизимини ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорида, сугурта тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастурида сугурта соҳасини қўйидаги йўналишларда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган:

- сугурта, сугурта фаолияти ва сугурта назоратига оид қонунчиллик ва ҳуқукий-меъёрий базани ҳалқаро амалиётга мувофиқ равишда янада такомиллаштириш;
- сугурта бозорида сугурта хизматлари турлари, импорт-экспорт операцияларини сугурталаш, сугуртанинг жамгарма турлари ва уларни сифатини ошириш;
- республикада сугурта бозорида, сугурта тизимини ҳалқаро сугурта бозорлари талаблари даражасида ривожланиши учун зарурий шароитлар яратиш;
- сугурта соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва бошқалар.

Дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишни давом этишириш орқали, республика сугурта бозорининг йирик сегменти бўлган агросугурта бозори инфратузулмасини ривожлантиришга, сифат жиҳатдан ҳалқаро сугурта бозорига якинлаштиришга эришилади. Ҳозирда агрохизматлар бозорида сугурталаш механизмини ривожлантиришга оид ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, аграр тармоқдаги субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини турли ҳодисалардан химоялашда сугурта механизмини самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Аввало,

кўзланган натижага эришишда ишлаб чиқариш ва маҳсулот этишириш ҳамда уни аҳоли истеъмолчига етказиб бериш жараёнида юзага келган заарларни олдини олишда сұғурта механизмини ўрни бекиёсдир.

Қишлоқ хўжалигини сұғурталаш механизми бошқа соҳалар каби ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Қишлоқ хўжалиги бошқа соҳаларга нисбатан табиий оғат ва бошқа турдаги баҳтсиз ҳодисалар натижасида тезда талофат кўрувчи тармок ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолияти ривожида қўйидаги хавф-хатарлар, яъни, табиий хавф-хатарлар, экалогик хавф-хатарлар, биологик касалликлар натижасида содир бўладиган хавф-хатарлар ва форс-мажор ҳолати натижасида юзага келадиган хавф-хатарлар доимо ўз таъсирини ўтказиб келади. Шу боис, қишлоқ хўжалигини сұғурталаш механизмини давлат кўмагида такомиллаштириш лозим.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини сұғурталашда “Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан сұғурталаш механизми жорий этилган. Қишлоқ хўжалигига сұғурта механизмини ривожланишига қўйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Буларга ташкилий омиллар, ҳуқуқий омиллар, ижтимоий-иктисодий омиллар, экалогик омиллардан иборатdir.

Ташкилий омиллар асосан, “Ўзагросуғурта” ДАСК нинг ягона компания сифатида фаолият юритиши, компаниянинг жойлардаги бўлимлари билан сұғурталанувчи мижозлар орасидаги муносабатлардан иборат.

Ҳуқуқий омилларга агрохизматлар бозорида сұғурта тизимини ривожлантиришга доир мамлакатимизда қабул килинган қонун ва меъёрий хужжатлар киради.

Ижтимоий-иктисодий омилларга аҳоли пул даромадлари, сұғурталашнинг таъриф меъёрлари даражаси, сұғурта мукофатларини тўлашда давлат томонидан рағбатлантириш ва бошкалардан иборат.

Экологик омиллар эса ҳаво ҳароратини кескин кўтарилиши ва курғоқчиликнинг юзага келиши, атмосферанинг бузилиши, ерларнинг мелиоратив ва шўрланиш даражасини ортиши ва

бошқалар.

Кишлоқ хўжалигига сұғурталанадиган субъектларга фермер ва дәхқон хўжаликлари, машина – трактор парклари, қишлоқ хўжалигига агрохизматлар кўрсатувчи субъектлар, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишидаги илмий муассасалар ҳамда тажриба хўжаликларидан иборатdir. Бу эсабугунги кунда агрохизматлар бозорида жумладан, сұғурта тизимида эркин рақобатни янада ривожлантириш, сұғурта фаолиятининг замонавий турларини шакллантириш ва сифатини ошириш, сұғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш, молиявий барқарорлигини таъминлашни талаб этади.

Агрохизматлар бозорида сұғурта тизими ривожланиши, сұғурталанувчиларга талаб қилган ассортиментдаги хизматни сифатли ва маъқул нархларда кўрсатилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, сұғурталовчига сұғурта маҳсулоти нархини кўшимча равищда оширмасдан рентабелликни оширишни талаб этади. Натижада, сұғурталовчи ва сұғурталанувчи ўргасидаги молиявий-иктисодий муносабатларнинг самарадорлигини ўсишига хизмат қиласди.

Агрохизматлар бозорида сұғурта тизимини самарали ташкил этишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- агрохизматлар бозорида сұғурта хизматлари кўрсатилаётган обьектларни иктисодий холатини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалиги субъектларини сұғурталашга бўлган талаб даражасини ўрганиш;
- сұғурталанаётган обьектларни иктисодий вазиятини инобатга олган ҳолда таъриф меъёрларини ишлаб чиқиш;
- агрохизматлар бозорида кўрсатилаётган сұғурта хизматларига кафолатлар бериш;
- сұғурталаш бўйича томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларига роя қилиш;
- кўрсатилаётган сұғурта хизматларидан сұғурталовчи ва сұғурталанувчининг teng ҳолда манфаатдор бўлишини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги субъектларини сұғурталашда

агрохизматлар бозорида соғлом рақобат мұхитини шакллантириш;

- истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, агрохизматлар бозори томонидан таклиф этиладиган сұғурта тизимини такомиллаشتариш;

- қишлоқ хўжалигини сұғурталашда агрохизматлар бозорида нодавлат мулк шаклидаги сұғурта муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг хизматларидан фойдаланишини кенг йўлга қўйишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, аграр соҳада кенг кўламда агрохизматлар бозорида сұғурта хизматини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги субъектларининг ривожланишига олиб келади. Шу оркали, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлашга эришилади.

Ш-БОБ. АГРАР БОЗОРНИ РИВОЖЛАНИШНИИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1.Аграр бозорни ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асосларини таъминлаш йўллари

Мамлакатимизда бозор муносабатларини тўлиқ карор топтириш, иктисодиёт тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларга асосланган инновацияларни кенг жалб қилиш орқали турли соҳаларни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш субъектларини ривожлантиришга, ишлаб чиқариш билан илм-фан интеграциясини чукурлаштиришга, миллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини оширишга эришилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг иктисодий ва сиёсий ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, бозор иктисодиётига ўтиш босқичи иктисодий тебранишларсиз юз бермаган. Шу маънода Хорижий мамлакатлари тажрибасини ўрганиш асосида минтақамиз қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини инобатта олган холда илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш мухим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожланиши асосан шу соҳада амалга оширилаётган илмий изланишлар натижасида яратилган инновацион ишланмалардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Лекин, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида интеллектуал ва технологик инновациялардан фойдаланиш етарли даражасида эмас.

Бу борада, Президентимиз Ш.Мирзиёев “Бизнинг кўпчилигимиз қишлоқ хўжалигида илмни ишлатмаймиз. Дунё бозорида ракоабат шафқатсиз. Унга муносиб бўлиш учун аввало илм керак. Яхши нав, яхши қаров, инновацион технологиялар керак. Дехқон далага кирдими, даромад топиши зарур” деб таъкидлайдилар.

Хозирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ҳажмини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш,

интенсив боғлар ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чикаришни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу борада илм-фан ютукларини кенг татбиқ этиш, олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, тўпланган тажрибалар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишини талаб этади. Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бандида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чикаришини кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” устувор вазифа этиб белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришини диверсификация қилиш асосида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тармоқ экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириш зарур. Қишлоқ хўжалигига сув ресурсларини тежовчи технологияларга асосланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида томчилатиб сугориш ва бошқа бир қатор ноанъанавий усуллардан фойдаланишга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тизимини самарали ташкил этиш муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бозор шароитида иқтисодиётда турли мулкчилик шакллари ривожланади ва уларнинг хўжалик юритиш усуслари турли-туман бўлиб эркин фаолият юритади. Чунки, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётда турли хил мулкларнинг мавжуд бўлиши, хўжалик юритишдаги барча имкониятлардан муваффакиятли фойдаланишга шароит яратиб беради. Бундай шароитларни яратиш учун бозор ислоҳотларни амалга ошириш ва уни мунтазам тадбиқ этиш орқали эришилади.

Бозор ислоҳотлари – халқ иштирокида, лекин давлат томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларини шакллантириш чоратадбирларининг давлат назорати остида амалга оширилишидир.

Иқтисодиётда ислоҳотларнинг кўйидаги турлари мавжуд:

- мулкий муносабатлар ислоҳоти;
- аграр ислоҳот;
- молия-кредит тизими ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ҳуқуқий ислоҳотлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатлар ислоҳоти мулкчилик шаклларини кўп укладли аралаш иқтисодиёт тузилмаларининг хилма-хиллигига асосланади. Бу ракобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч эканлиги ва кўп сонли бозор субъектларини талаб қилиши билан изоҳланади.

Кишлоқ хўжалигига ҳам мулкчилик муносабатлари бошқа соҳаларга хос бўлган усулда яъни, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали амалга оширилади.

Кишлоқ хўжалигига мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришдан иборат бўлиб кўйидагича амалга оширилади:

- давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш;
- давлат корхонасини сотиб уни жамоа мулкига айлантириш;
- давлат мулкини айрим тадбиркор ва ишбилармонларга сотиш;
- айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқаролариға сотиш ёки қарз ҳисобига бериш;
- давлат мол-мулкини аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва бошқалар.

Кишлоқ хўжалигига хусусийлаштириш жараёни давлат мулкига эгалик ҳуқукининг давлатдан хусусий шахсларга ўтказишдан иборат бўлиб кўйидагича амалга оширилади:

- давлат мулкини белул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш;
- давлат мулкини сотиш орқали хусусийлаштириш;

- давлат мулкини бепул бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириши орқали хусусийлаштиришдан иборатdir.

Кишлоқ хўжалигида мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг кўрсатиб ўтилган йўллари ва усулларидан қайси бирини танлаш ундан кўзланган мақсадга боғлик бўлади. Жамият ривожининг ҳозирги боскичида мулкчилик муносабатлари ўз ичига давлат мулкини, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларидаги жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлик бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкини, ташки иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни олади. Шу сабабли, «Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида»ги қонунида турли-туман мулклар қуидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади. Мулкчилик муносабатлари мулкка эгалик килиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ва ўзлаштириш жараёнларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардан иборатdir.

Кишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари унинг обьектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик обьектлариdir. Мулк обьекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат килиши қобилияти ва бошқалар ҳисобланади. Мулк обьектида асосий бўғинбу ишлаб чиқариш воситаларига эгалик килиш ҳисобланади. Реал ҳаётда ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашиш даражаси турли хил, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши турли даражада ва турли шаклларда амалга

оширилади. Шунга мос равиша мулк субъектлари вужудга келади. Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иктисодий мавқега эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари ҳисобланади. Мулк объектилари ва субъектлари ёрдамида мулкчилик муносабатлари ва ҳукукларини янада аникроқ тушуниш мумкин. Мулкчилик муносабатлари- бу мулк объектини ўзлаштириш бўйича мулк субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатдир.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир давлатда жамият ривожланишининг асоси сифатида қабул қилинган ҳолда унинг ўрни умумий иқтисодий тизим доирасида турлича аҳамият касб этади. Буни аграр бозорлар доирасимисолида унинг давлат тузилмаларининг фаолияти билан bogлиқ ҳолдаги вазиятини қўйидагича ифодалаш мумкин бўлади.

Масалан, эркин бозор қонуниятлари асосида фаолият юритувчи бозор хўжалиги қўлами ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ортиб бориши, жамиятда бозор муносабатлари жорий этилгандигидан, агарда давлатнинг жамият ижтимоий ва иқтисодий ривожланишидаги таъсири ортиб бориши, эса маъмурий иқтисодиёти шаклланиб бораётгандигидан далолат берса, натурал хўжалик юритиш принциплари замонавий ижтимоий ва иқтисодий тизимда хеч бир давлатда яққол кўзга ташланмасада, ўз ўрнига эга. Жумладан, буни биз республикамизда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари таркибида 60-62 фоиз салмоқни эгаллаб турган дехқон хўжаликлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Дехқон хўжаликларида бугунги кунда аксарият ҳолларда натурал хўжалик принциплари мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Аммо, таъкидлаш лозимки қишлоқ хўжалиги тармоғидаги натурал хўжалик элементлари хўжалик юритиш шакллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари доирасида кескин ўзгариб туради. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари (мева-сабзавотлар, картошка, галла ва чорвачилик маҳсулотлари) етиштиришда натурал хўжалик элементари кучли намоён бўлса, техник экинлар ва мойли экинлар (пахта хом ашёси, каноп толаси, зигир, кунжут, кунгабоқар, маҳсар

каби маҳсулотлар, коракўл тери, жун) доирасида товар хўжалиги элементлари яққол устунликка эга.

Демак, юкоридагилардан назарий хулоса киладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш шакллари ва маҳсулот турларига боғлиқ ҳолда натурал хўжалик элементлари намаён бўлади. Бунга асосан, хўжалик юритиш шаклларининг йирик бозорлардан узок-якинлиги, миллий анъаналар давом этиши, шаклланган ва ҳозирда давом этаётган ҳудудий анъаналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бевосита истеъмолга йўналтириш хусусияти каби омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Шундай килиб, аграр бозорлар нафакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматларни айрибошлиш жараёни билан боғлиқ муносабатларни, балки ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол қилиш жараёнларини ҳам қамраб олувчи ижтимоий-иктисодий муносабатлар мажмуи сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик шаклларини ривожлантиришда куйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- аграр соҳада турли мулк шаклларини эркин ривожланиши учун ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш;
- турли мулкчилик шаклларида хўжалик юритиш жараёнида иктисодий эркинлик бериш;
- турли мулкчилик шаклларида ишбилармонлик мухитини яратиш;
- турли мулкчилик шаклларида эркин рақобат мухитини ривожланишига кенг йўл очиш;
- турли хўжалик юритиши субъектларида замонавий ишлаб чиқариш тизимини яратиш ва такомиллаштириб бориш;
- турли мулкчиликка асосланган корхоналарини халқаро иктисодий муносабатларда фаол иштирок этишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги иктисодиётининг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувига эришишдан иборатdir.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, бу жараёнда қишлоқ хұжалиги тармоги учун зарур қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро боғлиқ қолда барқарор ривожлантириш масалалари стратегик вазифа сифатида изчил амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, қишлоқ хұжалик әқинлари таркиби кескин ўзгариб, пахта ва ғалла әқин майдонлари қисқарып, бүшаган майдонларда сабзавот, картошка, полиз әқинлари майдони кенгаймоқда, янгидан боғ ва токзорлар барпо этилиши хисобига мамлакат ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкони ва шунингдек аграр тармокнинг экспорт салоҳияти ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хұжалигіда 2016-2018 йилларда жами 140,5 минг гектар, шунингдек ҳукumatни тегишли қарори билан 99,4 минг гектар ёки умумий хисобда 240 минг ғектар паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонлари қисқартырıldı.

Пахта ва ғалладан бүшаган майдонларга 2018 йилда юкори даромадли, экспортбоп әқинлар, интенсив боғлар ва иссикхоналар ташкил қилинди. Жумладан, 73,5 минг гектар майдонга сабзавотлар, 19 минг гектар майдонга картошка, 15,1 минг гектар майдонга полиз маҳсулотлари, 37,5 минг гектар майдонга дуккакли әқинлар, 15,7 минг гектар майдонга соя, 3 минг гектар майдонга шоли, 44,3 минг гектар майдонга озуқа әқинлари жойлаштирилди. 23 минг гектар майдонга интенсив боғлар, 8,3 минг гектар майдонга токзорлар ва 600 гектар майдонга замонавий иссикхоналар барпо этилди.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион ва интенсив технологияларни жорий қилиш хисобига маҳсулот хажмини оширишга эришилмоқда. Масалан, замонавий инновацион технологиялар асосида барпо этилган пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлардан ҳозирги кунда ҳар гектар хисобига ўртача ҳосилдорлик 20-25 тоннага түғри келмоқда. Айникса, экспортбоп мева ва узум маҳсулотлари етиштириш учун тоғ, тоғолди, адирлик ва лалми ерлар ўзлаштирилиб интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо этилмоқда. Бу эса ўз навбатида дәхқонларни

қўшимча даромадларини ошишига ва уларни турмуш даражасини юксалишига хизмат қўлмоқда.

Хозирда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ноанъанавий, импорт ўрнини босувчи ва ташки бозорларда рақобатбардош бўлган ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 22,5 минг гектар аччиқ қалампир, 8,1 минг гектар кизилмия плантациялари барпо этилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ривожланишида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш таркиби деярли тўлик хусусий мулк асосида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига ўтиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори фаолиятида эркин бозор тамойиллари амал қилиши учун реал ва объектив шароитлар пайдо қилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш билан бирга агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда ҳам эркин бозор тамойилларини жорий этишга катта эътибор қаратиш лозим.

Айникса, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кўрсатилаётган хизматлар турлари, бажарилаётган иш ҳажми ва баҳоси таҳдиллари кўрсатишича хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари талабларига жавоб бермаслиги қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига тўсиқ бўлаётган бўлса, айни пайтда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий ахволи хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини белгилаб бермоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ривожланишининг агрохизматлар бозорлари, агроресурслар бозорларига боғлиқлиги боисдан, хизмат соҳаси субъектлари фаолиятини ривожлантириш, сервис тузилмалари рақобатбардошлилигини ошириш, сервис корхоналари ички хўжалик иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш долзарблик касб этмоқда.

Аграп бозорни ташкил этувчи бозорларини барқарор ривожланиш йўлини тўғри белгилаб олишда, ўтган давр мобайнida

амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар таҳлиллари асосида тегишли хуносалар тайёрлаш мухим аҳамият касб этади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини тупроқ балл-бонитети ва ҳудудлар бўйича ўртacha йиллик вегетация даври давомийлиги турлича қўрсаткичлар билан баҳоланиши боисдан уларни таққослаш мумкин бўлган коэффициентларга айлантириб олинади. Бунда:⁴⁷

1. вилоятларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўртacha тупроқ балл-бонитетини коэффициентга айлантириш учун (ТБ_к):

$$ТБ_к = \frac{ВТ_Б}{ВБУТ_Б} \quad (3.1)$$

Бу ерда,

ВТ_Б – алоҳида вилоятнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тупроғи балл-бонитети, (балл);

ВБУТ_Б – вилоятларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тупроғи балл-бонитети бўйича республика доирасидаги ўртacha арифметик қўрсаткич, (балл).

Вилоятнинг ҳудудлари бўйича ўртacha йиллик вегетация даври давомийлиги қўрсаткичини коэффициентга (УВД_д) айлантиришда:

$$УВД_д = \frac{ВД_д}{ХБВД_д} \quad (3.2)$$

Бу ерда,

ВД_д – алоҳида вилоятнинг ҳудудидаги йиллик вегетация даври давомийлиги, (кун);

ХБВД_д – вилоятларнинг вегетация даври давомийлиги бўйича республика доирасидаги ўртacha арифметик қўрсаткич, (кун).

⁴⁷Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

3.1 ва 3.2 формулалар асосида хисоблаб топилган кўрсаткичлар ҳар бир тегишли вилоят учун кейинги хисоб-китобларда асос бўлиб хизмат қиласди.

Кейинги босқичда ҳар бир вилоят учун сугориладиган кишлок хўжалиги экин майдонларини ўртacha тупроқ балл-бонитетини ва ўртacha йиллик вегетация даври давомийлиги коэффициентлари йиғиндинсини иккига бўлиш орқали ўртacha кўрсаткич хисоблаб топилади, (3.1-жадвал):

3.1-жадвал

**Хизмат кўрсатувчи корхоналарга ягона солик ставкасини
худудлар табиий-иклим хусусиятлари асосида тўғрилаш
услуби⁴⁸**

Маъмурий худудлар	Экин майдонлари балл-бонитети, (балл)	Вегетация даври давомийлиги, (кун)	Тупроқ балл-бонитет коэффициенти	Вегетация даври коэффициенти	Балл-бонитет ва вегетация даври бўйича ўртacha кўрсаткич	Тўғриловчи коэффициент	Ягона солик ставкаси, (%)= 5,0 табакаланиши
Қорақалпогистон Республикаси	41	195	0,75	0,93	1,68	0,84	4,2
Андижон	57	210	1,04	1,01	2,05	1,03	5,1
Бухоро	50	205	0,91	0,98	1,89	0,95	4,6
Жizzах	51	210	0,93	1,01	1,94	0,97	4,9
Қашқадарё	51	225	0,93	1,08	2,01	1,01	5,1
Навоий	53	205	0,96	0,98	1,94	0,97	4,9
Наманган	59	210	1,07	1,01	2,08	1,04	5,2
Самарқанд	57	205	1,04	0,98	2,02	1,01	5,1
Сурхондарё	56	225	1,02	1,08	2,10	1,05	5,3
Сирдарё	52	210	0,95	1,01	1,96	0,98	4,9
Тошкент	59	210	1,07	1,01	2,08	1,04	5,2
Фарғона	56	210	1,02	1,01	2,03	1,02	5,1
Хоразм	53	195	0,96	0,93	1,89	0,95	4,6
Ўртacha	55	208,8	1,00	1,00	1,0000	×	×

Тавсия этилган услуб асосида амалга оширилган хисоб-китоблар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун республика бўйича белгиланган 5 фоизлик ягона солик ставкаси вилоятларни табиий-

⁴⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқлим хусусиятларига бояғында ўзгариб бораёттандырылғанда күриш мүмкін. Жумладан, Қарақалпостан Республикасы бүйіч ягона солиқ ставкасы 5 фоиз әмбебендік мөндердегі жағдайда 4,2 фоизлик мөндердегі жағдайда мүмкін.

Кишлоқ хұжалиги тармоқтарига хизмат күрсатувлардың субъекттерінде анықталғанда ягона солиқ ставкасынан худудларнинг табиий-иклими хусусиятлар асосида ўзгариб бориши хизматтар бағасы камайыши хисобига кишлоқ хұжалиги корхоналарында учун билвосита иктиносидің жиһатдан рағбатлантирувлардың ахамияттағы жағдайда мүмкін.

– кишлоқ хұжалигидан солиқ тизимини рағбатлантирувлардың функциясынан көнгө ғойдаланып учун кишлоқ хұжалиги корхоналарында екін майдонларды тупроқ үнүмдорлығын оширип борғанлығы, мелиоратив тәдбирлернің ўз соғындарынан хисобига амалға оширганлықтардың учун унинг мөндердегі жағдайда ягона ер солиғини камайтириш механизмнің жорий этиши мақсадға мувофиқ. Бұл қолат қонунчилікте белгилаб қойылған бүлсада, бугунғы кунда амал килиш механизмы жорий килинмаган;

– хизмат күрсатувлардың мөддий-техника базасынан мустаҳкамлаштырылғанда мунтазам янгилаб бориши мақсадында хорижий мамлакаттардан келтиріледігін техника воситалары, әхтиёт кисмлар, асбоб-ускуналар, технологияларни болжона түловларидан озды килиш;

– давлат томонидан техника воситалары, әхтиёт кисмлар, әқілғи-мойлаш материалларынан әсемдіктердің мунтазам тартибда солиб туриш механизмларынан жорий этилиши лозим;

– фермер хұжаликлары томонидан (давлат буюртмасы доирасынан) топширилған махсузлардың үз вактида түлов бүлмаган муддатларда солиқ қарздорлықтардың хисобидан юзага келген пенялартүловларини фермер хұжаликларидан әмбебендік мөндердегі жағдайда 4,2 фоизлик мөндердегі жағдайда мүмкін.

– қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятлари, табиий-иклим шароитлари, фермерни доимий кафолатли фойда олиш имкониятини чегаралashi, маҳсулот таннархи таркибида иш ҳақи салмоғи бошқа тармокларга нисбатан юкорилиги боисдан давлат буюртмалари доирасида маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар учун иш ҳақи фондига нисбатан ижтимоий тўловларни умуман бекор қилиш мақсадга мувофик;

– насослар ёрдамида экинларни суғорадиган фермер хўжаликларини ягона ер солиги тўлашдан умуман озод этиш лозим. Юкорида таъкидлаб ўтилган тадбирларни амалиётта жорий этиш аграр бозорни ва унинг таркибий кисмларини барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирда республика аграр сектор субъектларини самарали фаолият юритишлари учун яратилган ҳукукий, ташкилий-иктисодий шарт-шароитлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини мутаносиб тарзда ривожлантириш мақсадларида кенгроқ фойдаланиши талаб этилади. Бу анча мураккаб масала бўлиб, уни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини ҳам, ресурс етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларини ҳам тўлиқ модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантиришда ҳудудларда мева-сабзавот, полиз, картошка ва узумни тайёрлаш, қайта ишлаш ва саклашга кўйиш орқали сотиш бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари доирасида бозор ахборотлари тизимини яратишнинг аҳамияти ортмоқда. Аммо, бу борада мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш билан боғлиқ инфратузилмаларни ривожлантиришда, сервис хизмат кўрсатувчи объектларини ташкил этишда маъмурий ёндашувга барҳам берган ҳолда, жойлардаги реал талабдан ҳамда тадбиркорлар ташаббусига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори баркарорлигини таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини кенг қамраб олган ҳолда модернизация қилиш лозим бўлади. Бунинг учун нав танлаш, селекция ишлари, экинларни парваришлаш ва ҳосилни йиғиб олиш агротехнологияси, маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сотиш тизимларини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирларни бажариш талаб этилади.

Жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш ва жаҳон бозорига чиқиш учун мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ёнилғи мойлаш маҳсулотлар, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик воситаларни етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

- фермер ва дехқон хўжаликларини хўжалик ва сифат кўрсатгичлари юқори бўлган сабзавот, полиз ва картошка уруғликлари билан таъминлаш мақсадида маҳсус ихтисослашган ўюшмалар орқали, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган экспортбоп маҳсулотлар етиштириш имконини берадиган элита ва юқори репродукцияли уруғларни етиштиришни йўлга кўйиш;

- боғ, ток, сабзавот, полиз ва картошка экиш, қатор ораларига ишлов бериш, экинларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш, ҳосилни йиғишириб олишда талаб этиладиган кишлоқ хўжалиги маҳсус техниклари ва агрегатлар билан таъминлаш;

- етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун мавжуд совутгичли омборхоналарни, маҳсулотни саралаш ва қадоқлашда жаҳон стандарт талабларига мос замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда республикадаги 67 та мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда камида 1 тадан маҳсус логистика марказларини ташкил этиш;

- мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка етиштирувчи фермер хўжаликларига 3 йиллик имтиёз билан 5 йилга кўпи билан 7 фоизли имтиёзли кредит маблағларини ажратиш;

- боғ-токзорлар, сабзавот, полиз ва картошка экинларини касаллик ва заарқунандалардан ўз вактида химоя қилиш учун

самарали кимёвий препаратлар захирасини яратиш ва препаратларни ўз вақтида қўллаш тизимини такомиллаштириш;

- республикада заарли организмларга қарши юқори самара берадиган, атроф мухитта безарар феромон тутқичлар, микробиологик ва кимёвий препаратларни ишлаб чиқиши йўлга кўйиш каби тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу вазифаларни эса фақатгина қишлоқ хўжалиги тармоғини ўзида амалга ошириб бўлмайди.

3.2. Аграр бозорни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари, балки агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ҳам рақобатли асосда ривожланишига боғлиқ. Масалан, маҳсулот этиштирувчи дехкон агроресурслар бозоридан етарли миқдордаги ва талаб этиладиган сифатдаги техникалар, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, уругликлар, омихта емлар, наслли чорва молларини эркин сотиб олиш имкониятига эга бўлмаса ёки молия-кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти чекланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотищдаги мавжуд иқтисодий эркинликлар ҳам кутилган натижани бермайди.

Деҳқоннинг агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш учун етарли миқдордаги моддий-техника ресурсларига эга бўлмаслиги туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш имкониятлари чегараланиши, маҳсулотлар сифатини пасайиши ва таннархини ортишига олиб келади.

Маҳсулот сифати пасайиши ва таннархи ортиши ўз-ўзидан фермер хўжаликлари оладиган фойдаси миқдори камайишига сабаб бўлиб, иқтисодий аҳволи ёмонлашиши фермер хўжалигини кейинги йилда бўладиган ишлаб чиқариш жараёнини давом этиши учун зарур тадбирларни ташкил этишига салбий таъсир этади.

Худди шундай ҳолатни агрохизматлар бозори ривожланиши мұаммалари доирасыда ҳам кузатиш мүмкін, яғни қишлоқ хұжалиги ерларига ишлов беріш, әқинларни вегетация даврида парваришилаш, қишлоқ хұжалиги әқинларини қасаллик ва зарапқунандаларига қарши курашиш, чорвачилик хұжаликларига зоотехния, ветеринария хизматлари күрсатиши, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини үйгишириб олиш ва транспортда ташиш, тайёрлаш, сақлаш ва ниҳоят сотувға чиқариш билан бөглиқ бўлган турли-туман хизматлар күрсатувчи субъектларни ривожланиши даражаси бевосита қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши ривожланиши даражасига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади.

Агарда республикамизда қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши ривожланиши даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, тармоқни иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган мұаммолардан энг муҳими - бу биринчи навбатда моддий-техника ресурслари таъминоти ва агрохизматлар бозорлари фаолияти ракобатли муҳитда ривожланмаганлиги, кўрсатилаётган хизматлар улардан фойдаланувчи истеъмолчилар талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги орқали намоён бўлмоқда. Бу фикримизни қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиширувчилар ўртасида етарли даражадаги рақобат муҳити яратилганлигига қарамасдан, маҳсулотни сақлаш ва сотиш тизими яхши ривожланмаганлиги сабабли ҳар йили республикамизда етиширилган мева-сабзавот маҳсулотларини 40 фоизга яқин истеъмолчиларга етиб бормасдан нобуд бўлишида ҳам кўриш мүмкін⁴⁹.

Айни пайтда маҳсулотларни сотиш тизими ривожланишидаги ташкилий ва иқтисодий мұаммолар туфайли гўшт ва сут маҳсулотларини сотишнинг самарали тизими шаклланмаганлиги боисдан деҳқон етиширган маҳсулотини сотища катта мұаммоларга дуч келмоқда.

Республикада қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари бозорини ривожланишига кулай шароит яратиш мақсадида улгуржи

⁴⁹ Раджабов И Холодильная недостаточность // Экономическое обозрение. -Т.: -2010. № 5. – С 48-51.

бозорларни ташкил этиш, давлат томонидан солиқ, суғурта, молия, кредит ва бошқа имтиёзларни жорий қилиш бўйича қатор конунлар ва қонун ости хужжатлари асосида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикада пахта ва ғалладан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш тизими талаблар даражасида шаклланмаганилиги, фермер хўжаликлари ва маҳсулот истеъмолчиларига бирдай зарар келтирмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорни ривожлантириш, дехқон бозорлари, савдо дўконлари, супермаркетлар билан фермер ва дехқон хўжаликлари ўртасидаги маҳсулотларни сотиш борасидаги тўғридан-тўғри амалга ошадиган ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, аҳолини озиқовқат билан таъминлашда катта ахамиятта эга.

Хорижий иқтисодчилардан Russo ва Goodhue ўзларини илмий ишланмаларида “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини баҳоси рақобат шароитида ўзгарувчанлиги, стратегик шароитларда харидорларни жалб этишда ўзига хослиги, турли шароитларни ўз ичига олган мураккаб нарх кўрсаткичларига эгалиги аграр бозорни доимо такомиллашиб боришини талаб этади”⁵⁰, – деб таъкидлайдилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожланиши қишлоқ хўжалигига этиширилган маҳсулотларни ҳажмига ва уни баҳосига таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланган даврларда (1991-2000 йиллар) қишлоқ хўжалиги корхоналарига ресурслар етказиб бериш тизимини эркинлаштириш билан боғлиқ ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий механизмлар жорий қилинди ҳамда тадбирлар амалга оширилди (хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни шарномавий муносабатлар асосида ҳал этиш, ресурс етказиб бериш тизимини биржалар орқали савдо қилиш, бевосита

⁵⁰ Russo., Goodhue. Farmgate prices, retail prices, and supermarkets' pricing decisions: An integrated approach AGRIBUSINESS. Том: 34 Выпук:1,24-43 стр. www.webofscience.com.

олди-сотди муносабатларини йўлга кўйишининг ҳукуқий асосларни жорий этиш кабилар) ва бозор тамойилларини жорий этиш йўналишидаги тадбирларни таъсири сезилиб турди;

– (1998-2006 йиллар) қишлоқ хўжалиги корхоналарига ресурсларни саноат корхоналарини жойларда ташкил этилган шахобчалари орқали етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, лизинг муносабатларини ривожлантириш борасидаги тадбирлар амалга оширилди ва бозор тамойилларини жорий этиш йўналишидаги муҳим қадамлар эди;

– (2006-2015 йиллар) ислоҳотларни дастлабки ва кейинги босқичларida устуворлик асосида амалга оширилган аграр иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги тадбирларбир қадар кенгайиши кузатилади. Аммо, давлат буюртмаси асосида маҳсулот етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўнаклаш ўrniga имтиёзли кредитлаш тизими жорий этилиши туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналарига қўшимча (3%) кредит юки пайдо бўлди.

Айни пайтда фермер хўжаликларига ушбу ажратилаётган имтиёзли кредитлардан эркин фойдаланиш имконияти чекланиши шунингдек, мева-сабзавотчилик фермер хўжаликларига маҳаллий бошқарув идоралари томонидан шартномалар имзолаш бўйича маъмурий кўрсатмалар бериш ҳолатлари пайдо бўлиши, қайси фермер хўжалигига лизинг асосида техника ажратиш масаласини фермер хўжалиги эмас маҳаллий ҳокимликлар хал этиши, фермер хўжаликлари даласида амалга ошириладиган агротехник тадбирларни ўтказишда ҳам маъмурий аралашувлар натижасида ишлаб чикаришни эркин бозорга хос иқтисодий муносабатлардан узоқлашиш кузатилади ва натижада фермер хўжаликлари иқтисодий эркинликларини кенгайтириш йўналишидаги қонунлар ижроси самараси пайсади.

Алоҳида хусусиятлари: Фермер хўжалиги раҳбарларини лоқайдлиги, муаммосини кимдир келиб хал этиб бериши мумкинлигига ишонч пайдо бўлиши каби кайфиятлар шакллана бошлайди. Бу холат агроресурслар бозори ривожланишига ҳам

салбий таъсир кўрсатади. Яъни, ресурс ишлаб чиқарувчи субъектлар бозордаги объектив талаб босими остида таклиф таркиби, ассортименти ва сифатини ўзгартириш тўғрисида йўналтирувчи “эркин бозор кўрсатмаларидан” аста-секин маҳрум бўлиши юз беради. Натижада, ресурс ишлаб чиқарувчи субъектлар ўз товарларини фермерга реклама қилишдан натижа чиқмаслигини билгани ҳолда, турли вазирлик ва идоралардан, маъмурий бошқарув тизимидан ўз корхоналарида ишлаб чиқарилган ресурсларни сотиш бўйича маъмурий тақсимот тизимини шакллантиришни сўрашга ўтишади.

Бозор шароитида шартномалардан бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўргасидаги иқтисодий фаолиятини самарали йўлга қўядиган тизим мавжуд эмас. Шартнома тизимини йўлга қўйишдаги энг хавфли механизм эса – бу маъмурий идораларни хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик муаммоларини ҳал этиш учун маъмурий аралашуви хисобланади.

Бу борада амалга оширилган ҳар қандай маъмурий дастак мавжуд шартнома тизимини издан чиқишига олиб келади. Натижада, маъмурий кўрсатма билан муаммони ҳал этиш орқали эркин иқтисодий муносабатлар асосида, бозор қонунларига таянган ҳолда автоном равища фаолият юритадиган иқтисодий механизм, яъни “шартнома занжири” узилади. Аграр соҳадаги хўжалик юритувчи субъектлар ўргасидаги иқтисодий муносабатларни бундан кейинги барча жараёнлари хўжалик юритувчи субъектларнинг муаммоларини йил якунига қадар маъмурий дастаклар билан йўлга қўйишга тўғри келади.

Бошқача айтилганда иқтисодий муносабатлар амал қилиши учун ташки ҳаракатлантириш манбаи керак бўлади. Бу манба маъмурий дастак, яъни мавжуд муаммолар маҳаллий маъмурий идораларни муттасил аралашуви натижасида ҳал этилади. Масалан, туман хокимияти фермер хўжаликларига зарур микдордаги нефть маҳсулотларини ажратиш, этиширилган ва қайта ишловчи корхоналарга сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун

маблагларни фермер хўжаликларига тўлаб бериш, дебитор ва кредиторлик қарздорликларини камайтиришни назорат қилиш каби масалалар билан шуғуланишига тўғри келади. Чунки, бундай механизмларни ишлаши учун зарур бўгин, яъни томонларни иқтисодий манфаатдорлиги ва масъулияти бўғини “маъмурий” йўл билан узиб ташланган, шартнома муносабатлари ишламай кўйган.

Шунинг учун фермер хўжаликлири ва уларга хизмат кўрсатувчи, таъминотчи тармоқ, савдо корхоналари ўртасидаги шартномавий муносабатларни амалда фаолият юритиши учун шарт-шароитларни кенгайтириш лозим.

3.3. Аграр бозорни комплекс ривожлантиришни таъминлаш йўналишлари

Мустакилликка эришилган дастлабки кунларданоқ иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатида аграр тармоқ ривожланишини таъминлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, бу жараёнда қишлоқ хўжалиги тармоғи учун зарур агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро боғлиқ ҳолда барқарор ривожлантириш масалалари стратегик вазифа сифатида изчил амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалик экинлари таркиби кескин ўзгариб, пахта ва ғалла экин майдонлари қисқариб, бўшаган майдонларда сабзавот, картошка, полиз экинлари майдони кенгаймоқда, янгидан боғ ва токзорлар барпо этилиши хисобига мамлакат ахолисини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкони ва шунингдек аграр тармоқни экспорт салоҳияти ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ривожланишида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш таркиби деярли тўлиқ хусусий мулк асосида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига ўтиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори фаолиятида эркин бозор тамойиллари амал килиши учун реал ва объектив шароитлар пайдо қилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ривожлантириш билан бирга агроресурслар

ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда ҳам эркин бозор тамойилларини жорий этишга катта эътибор берилмокда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиб ривожлантиришни таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чикишда, агарар бозорни ташкил этувчи бозорларини ўзаро мутаносиб ва баркарор ривожланиш йўлини тўғри белгилаб олишда, ўтган давр мобайнида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар таҳдиллари асосида тегишли хуносалар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

–1992 йилдан бошланган агарар иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини таъминлаши ислоҳотларни қайси босқичидан бошланиши мумкин эди деган савол туғилади.

Агар босиб ўтилган йўлга эътибор қаратиладиган бўлса, 1992 йилдан кейинги дастлабки 4-5 йил давомида асосан қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида кўп укладли агарар иқтисодиётни барпо килишнинг хуқукий ҳамда ташкилий асосларини яратиш устида тадбирлар олиб борилган бўлиб, агарар бозорни ривожланишидаги мутаносибликка катта эътибор қаратилмади.

Бу даврда ҳар бир тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайишига йўл кўймаслик устида ишлар олиб борилди. Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ривожланиши ўртасида узилиш пайдо бўлиб, саноат маҳсулотлари баҳоларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларига нисбатан ўсиши суръатларини бир неча баробар саноат маҳсулотлари фойдасига ўзгаришига олиб келди. Агарар тармок доирасидаги саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши эркин бозорга ўтиш нуктаи назаридан қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишидан орқада қола бошлади.

– 1995-2000 йилларда амалга оширилган агарар иқтисодий ислоҳотлар даврида, асосан хусусий мулкчиликка асосланган турли хўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари

фаолиятини хукукий асослари яратилди. Пахта ва ғалладан ташқари бошқа барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор килиниб, ғалланинг давлат буюртмасидан ташқари қисмини фермерхўжаликлари ихтиёрида қолдириш механизми жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига техник хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш максадида “Ўзагромашсервис” уюшмаси тизимда Давлат акциядорлик жамиятлари машина-трактор парклари (ДАЖ МТП) ташкил этилиб улар импорт қилинган замонавий, юкори унумдор қишлоқ хўжалиги техникалари билан куроллантирилди.

Ҳар бир туманда ахборот-консалтинг марказлари, агросуғурта хизмати кўрсатувчи ихтисослашган “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ихтисослашган тижорат банклари: “Пахтабанк”, “Ғаллабанк” ва “Тадбиркорбанк” ташкил этилди. Лекин, бу босқичнинг асосий жиҳати шундан иборат эдикى, унда юзага келган вазиятдан келиб чиқкан ҳолда юкорида санаб ўтилган зарур хизмат турлари ташкил этилди.

Демак, бу босқичда агрохизматлар бозори ривожланиши учун анча кенг имкониятлар пайдо бўлсада аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланишини комплекс мувофиқлаштириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмади.

– 2001-2015 йилларда амалга оширилган аграр иктисолий ислоҳотлар иктисолиётни эркинлаштириш, оммавий равишда ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизматлар кўрсатувчи субъектларни ривожлантириш борасида кенг камровли тадбирлар амалга оширилиши, аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг хукукий асослари янада такомиллашиб бориши билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кооперация тамойиллари асосида фаолият олиб борувчи агрофирмалар пайдо бўлиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо килувчи уюшган бозорлар фаолиятига, айниқса дехкон бозорларини

ривожлантиришга эътибор берилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси тизимида супермаркетлар ўрин ола бошлиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга бўлган эътибор чорвачилик соҳасини ривожлантиришга мамлакат доирасида йирик ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий лойихалар амалга оширилиши борасидаги тадбирлар билан изоҳланади.

Кишлоқларда ижтимоий инфратузилма объектлари ривожланиши янги боскичга кўтарилиб, ижтимоий объектлар, уй-жойлар янги замонавий лойихалар асосида қурилиши, қишлоқлар ободонлашиб бориши хизматларни янги турлари пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, агроресурслар бозорида лизинг муносабатлари ривож топиб, собик ширкат хўжаликлари техника парки ўрнида фермер ва дехқон хўжаликларига техник хизматлар кўрсатувчи муқобил МТПлар ташкил этилиши, лизингга олинган қишлоқ хўжалиги техникалари салмоғи фермер хўжаликлари техника паркида тобора ортиб бориши, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, омихта емлар сотиш шахобчалари қишлоқларда фаолият кўрсага бошлиши, мухим ресурслар (минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари каби) сотишда биржалар фаолияти йўлга қўйилиши эса моддий-техник таъминот соҳасидаги хизматлар ривожланишида янги боскични ўзида акс эттиради.

АгроХизматлар ва агроресурслар бозорларини ривожлантириш боскичи асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарори⁵¹ қабул қилиниши давридан бошланди деб хисоблаш мумкин. Чунки, ушбу қарор билан тўлигича фермер хўжалигига айлантирилган Сирдарё вилоятининг Мехнатобод ва Мирзаобод туманларида муқобил МТП, ёнилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар сотиш, зооветеринария хизмати шахобчалари, консалтинг марказлари, мини банклар, сув истеъмолчилар уюшмалари каби хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ташкил этилиб синовдан ўтказилди ва кейинчалик республикани бошқа худудларида ва туманларида ҳам жорий этилди.

⁵¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 январдаги “Кишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-гадбирлари тўғрисида” ги8-сон қарори, <http://lex.uz/docs/242966>

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб бериш тизимини яхшилаш мақсадида “Ўзишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси тузилиб, компания томонидан турли русумдаги техника воситалари фермер хўжаликларга етказиб берила бошланди. Бугунги кунда “Ўзишлоқхўжаликмашлизинг” тизимидағи етакчи қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи заводлар, жумладан, Тошкент трактор заводи ўзининг жойларда очган техник марказлари сони 39 тага етган. Аммо, шу билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2008 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 325-сонли қарорида сўнгти йилларда иктиносидётнинг барча тармокларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигига қарамасдан, соҳадаги жиддий камчиликлар ва маҳаллий ҳокимиятларни ушбу тармоққа керакли даражада эътибор бермаётганликлари туфайли, мамлакат ялпи ички маҳсулотини ва аҳоли бандлигини оширишда, истеъмолчи талабини етарлича сифатли кондиришда мавжуд имкониятлардан кам фойдаланилаётганлиги таъкидлангани ҳолда, тизимини ривожлантириш тадбирлари белгиланди ҳамда амалга оширилди.

Ушбу қарор билан ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил этиши ва иктиносидётда банд бўлган аҳолининг кариб 70 фоизи шу соҳада меҳнат қилиши таъкидлангани ҳолда, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланишига қулай иктиносидий ва ҳукукий шарт-шароит яратиш, хизмат кўрсатишни истиқболли турларини қўпайтириш, сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, истеъмолчиларни хизматларга бўлган талабларини сифати жиҳатидан тўла кондириш натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ушбу соҳада банд бўлган аҳоли сонини қўпайтириш қабул килинган қарорнинг асосий вазифаси килиб белгиланди.

2010 йилдан бошлаб олиб борилаёттан аграр ислоҳотларни асосий жиҳатларидан бири Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Бизнинг бош максадимиз-мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишдир” номли китобида белгиланган мамлакат салоҳияти, қудратини ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мамлакатимизнинг етакчи тармоқларини, жумладан аграр соҳани ҳамда унинг илмий таъминот тизимини модернизациялаш ва техник, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган аграр сиёсат олиб борилмоқда.

Демак, 1992-2017 йиллар давомида амалга оширилган аграр иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда қўйидаги асосий хусусиятларга эгалиги билан ажралиб турган (3.3-расм).

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирда республика аграр сектор субъектларини самарали фаолият юритишлари учун яратилган ҳукуқий, ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини мутаносиб тарзда ривожлантириш мақсадларида кенгрок фойдаланиш талаб этилади. Бу анча мураккаб масала бўлиб, уни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини ҳам, ресурс етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларини ҳам тўлиқ модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мұҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантиришда худудларда мева-сабзавот, полиз, картошка ва узумни тайёрлаш, қайта ишлаш ва саклашга қўйиш орқали сотиш бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари доирасида бозор ахборотлари тизимини яратишнинг аҳамияти ортмоқда. Аммо, бу борада мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш билан боғлик инфратузилмаларни ривожлантиришда, сервис хизмат кўрсатувчи обьектларини ташкил этишда маъмурий ёндашувга барҳам берган ҳолда, жойлардаги реал

талабдан хамда тадбиркорлар ташаббусига таяниш мухим ахамиятга эга.



3.3-расм. Кишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланиши асосий хусусиятлари⁵²

Кишлоқ хұжалиги маҳсулотлари бозори баркарорлигини таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни барча бўғинларини кенг қамраб олган ҳолда модернизация килиш лозим бўлади. Бунинг учун нав танлаш, селекция ишлари, экинларни парваришлаш ва ҳосилни йигиб олиш агротехнологияси, маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва сотиш тизимларини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирларни бажариш талаб этилади.

⁵²Муаллифнинг илмийтаджикотлари асосида тузилган.

Жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш ва жаҳон бозорига чиқиши учун мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ёнилғи мойлаш маҳсулотлар, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик воситаларни етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

– фермер ва дехкон хўжаликларини хўжалик ва сифат кўрсатгичлари юқори бўлган сабзавот, полиз ва картошка уруғликлари билан таъминлаш мақсадида маҳсус ихтисослашган уюшмалар орқали, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган экспортбоп маҳсулотлар етиштириш имконини берадиган элита ва юқори репродукцияли уруғларни етиштиришни йўлга кўйиш;

– боғ, тоқ, сабзавот, полиз ва картошка экиш, катор ораларига ишлов бериш, экинларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш, ҳосилни йигишириб олишда талаб этиладиган кишлоқ хўжалиги маҳсус техниклари ва агрегатлар билан таъминлаш;

– етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун мавжуд совутгичли омборхоналарни, маҳсулотни саралаш ва қадоклашда жаҳон стандарт талабларига мос замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда республикадаги 67 та мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда камидаги 1 тадан маҳсус логистика марказларини ташкил этиш;

– мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка етиштирувчи фермер хўжаликларига 3 йиллик имтиёз билан 5 йилга кўпи билан 7 фоизли имтиёзли кредит маблағларини ажратиши;

– боғ-токзорлар, сабзавот, полиз ва картошка экинларини касаллик ва зааркунандалардан ўз вактида химоя килиш учун самарали кимёвий препаратлар заҳирасини яратиш ва препаратларни ўз вактида қўллаш тизимини такомиллаштириш;

– республикада заарларни организмларга қарши юқори самара берадиган, атроф мухитга безарар феромон тутқичлар, микробиологик ва кимёвий препаратларни ишлаб чиқишини йўлга кўйиш каби тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу вазифаларни эса факатгина кишлоқ хўжалиги тармоғини ўзида амалга ошириб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиб ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз (3.4-расм):

**Аграр бозорни мутаносиб ривожланишининг назарий асосларини такомиллаштириш тадбирлари
ижро механизмлари**



– иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиб ривожланишини мөхияти, уни

⁵³ Муаллифнинг илмийтадқикот натижалари асосида тузилган.

нафакат аграсаноат мажмуи балки мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини назарий асослаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиб ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи дастаклари баҳо белгилаш, солик, молия-кредит, суғурта механизмларини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари субъектлари ўргасидаги ўзаро ташкилий, иқтисодий ва хукукий муносабатлар механизмини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари фаолияти жараёнида худудларда экологик мувозанатни саклаш, маҳсулот етиштиришда ва сотища экологик жихатдан заарсиз усулларни қўллашни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

– агроресурслар таъминоти, хизмат кўрсатиш корхоналарини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни пировард натижасидаги манфаатдорлик механизмини кенгайтириб бориш кабилар.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиб ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш бўйича куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари баҳолари ўсиши суратлари ўргасидаги номутаносиблигни таъминлашнинг амал қилувчи механизмларини жорий килиш;

– тупроқ иқлим шароити оғир, ерларни мелиоратив ҳолати ёмон, балл бонитети паст, сугориш шароити кийин (икки ва ундан ортик боскичли насослар) бўлган худудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фермерларни рағбатлантиришнинг назарий ва услубий асосларини янада кенгайтириш ва бунда фермер хўжаликлари учун ресурслар билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш борасида имтиёзларни кенгайтириб бориш;

– табиий шароити оғир (мелиоратив ҳолати ёмон, тупрок унумдорлиги паст) худудлардаги кишлөк хўжалиги маҳсулотлари, ресурслари билан таъминлаш ва хизмат қўрсатиш объектларига давлат томонидан молиявий кўмак бериш тадбирларини кенгайтириш;

– худудларнинг ихтисослашув йўналиши, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми қўрсаткичлари асосида ресурслар ва хизматларга талабни аниқлаш асосида тегишли субъектлар фаолиятини кенгайтириш ва бошқалар.

Мазкур чора-тадбирлар келажакда ҳаётга самарали жорий этилиши лозим бўлган амалий тавсифга эга тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлади. Амалий характердаги чора-тадбирлар аниқ йўналишларга ажратган ҳолда ишлаб чиқилиши кўпроқ натижа беради. Жумладан, ташкилий, иқтисодий, хукукий, ижтимоий, экологик, технологик ва бошқалар. Масалага бундай тартибда ёндашиш тадбирларни аниқ мақсадлар, соҳалар ва тармоқлар учун ишлаб чиқиш имконини берса, бошқа томондан уни амалиётта жорий этиш механизмини соддалаштиради.

Республика доирасида аграр бозорни мутаносиб ривожланишини таъминлаш умумий механизми 3.5-расмда тавсия қилинмоқда. Бунда Кишлөк хўжалиги вазирлиги асосий манфаатдор ташкилот сифатида ўзининг вилоятлардаги бошқармалари ёрдамида ҳар йили мамлакат агросаноат мажмуи доирасидаги тармоқлараро баҳо ўсиши мутаносиблиги бузилиши ҳолатини кузатиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Кишлөк хўжалиги вазирлигини тегишли бўлимига, асосий кишлөк хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар (кишлөк хўжалиги учун зарур саноат маҳсулотлари) баҳолари ўсиши суръатлари мониторингини амалгаоширувчи бўлинма сифатида вазифа юклатилади. Ушбу бўлим, вилоятлардан кабул қилиб олинган кишлөк хўжалиги маҳсулотлари ва асосий агроресурслар баҳолари асосида, баҳолар ўсиши тўғрисидаги маълумотларни тахлил килган ҳолда, тармоқлараро баҳо ўсиши мутаносиблиги бузилиши тўғрисидаги ахборотларни шакллантиради.

Ушбу таҳлилни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар чукур ўрганилади ва шулар асосида тегишли чоратадбирлар белгиланади. Мазкур бўлим қишлоқ хўжалиги тармоғи манфаатидан келиб чиқкан ҳолда тайёр аналитик маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни ташкил қиласди.

Вазирлар Маҳкамасида эса Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган таҳлилий маълумотларни умумлаштириш ишлари амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига ресурслар етказиб берувчи субъектлар тегишли бўлган вазирликлар, идоралар ва компанияларга тайёрланган маълумотларни кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти” томонидан, ўз ичига ташкилий, иқтисодий, хукукий ва ижтимоий масалаларни қамраб олган, тармоқлараро баҳо ўсиши паритетини саклаш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ишлаб чикилади ва амалга оширилади. Ушбу тадбирлар қуйидагиларни бизнингча амалий тавсифга эга бўлган аграр бозорни ривожлантиришнинг комплекс тадбирлари сифатида караган ҳолда хукукий, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий йўналишларга ажратиш мақсадга мувофик (3.6-расм).

Хукукий йўналишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, ресурс таъминоти ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини тартиба солувчи қонунларни такомиллаштириб бориш, меъёрий хужжатларни ишлаб чикиш, қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ва ресурслар етказиб берувчи корхоналарни молиявий-иктисодий рағбатлантиришнинг хукукий асосини ривожлантириш кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Кипшок хўжалиги вазирлигини

2). Асосий кипшок хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар (кипшок хўжалиги учун зарур саноат маҳсулотлари) баҳолари ўсими суръатлари мониторингини амалта оширувчи бўлинма (тахилил килувчи бўлим)

1). Худудлар кесимида кипшок хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурсларнинг ўргача баҳолари тўрсисидаги шакслантган статистик маълумотларни умумлантириш ва вазирликка тақдим этиш

3). Вилоятлардан кабул килиб олинган кипшок хўжалиги маҳсулотлари ва асосий агроресурслар баҳолари асосида, баҳодар ичиши тўрсисидаги маълумотларни таҳдил келган холда, тармоклардо баҳо ўсими мутаносибиги бузилиши ва бунда кипшок хўжалиги соҳасидан саноат тармокларига ўтиб кетаётган молиявий маблағлар тўрсисидаги маълумотларни шакслантриши.

**Тайёр аналитик маълумотларни Вазирлар
Маҳкамасига тақдим этиш**

**Кипшок хўжалиги
вазирлигининг
вилоятларни
бошкармалари**

**5). Кипшок хўжалиги
вазирлигидан олинган
таҳилил маълумотларни
умумлаштириш.**

Келинчук жардани:

**6). Кипшок хўжалиига
ресурслар етказиз берувчи
субъектлар тенишли бўлган
вазирликлар, идоралар ва
компанийлар билан
маълумотларни кўриб чиқилиш
утун тақдим этиш**

**4). Вазирлар Махкамасининг
“Кипшок хўжалиги, кипшок
хўжалиги маҳсулотларини кайта
нишлап хамда истемол товарлари
нисалалари ахборот-тажмил
департаменти” Кипшок хўжалиги
вазирлигидан тақдим этилган
маълумотларни тенишли
тадбирларни амалга ошириш учун
кабул килиш**

**8). Ўз ичига ташкилий, иктисолий, хукукий ва ижтимоний
масалаларни камраб олган, тармоклараро баҳо ўсими паритетини
саксан билан боғлик комилеке чора-тадбирлар (4.8 расм)**

**7). Агар бозор донрасидаги ўзаро мутаносиб
ривожланиш механизмини амалга ошириш билан
боглик чора-тадбирларни кўлга кўниш**

**3.5-расм. Республика донрасида агарр бозорларнинг мутаносиб ривожланишини
таммилашининг умумий механизми чизмаси⁵⁴**

⁵⁴ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Жумладан, иқтисодий йўналанища қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва сотиш тизимини такомиллаштириш, ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатувчиларни молиявий таъминлашни яхшилаш, соликقا тортиш тизимини такомиллаштириш уларни суғурталашда ноанъанавий усулларни жорий этиш, соҳани модернизация қилиш учун инвестициялар жалб қилиш учун кулагай шарт-шароитларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ресурслар ва хизмат баҳолари ўсишини мувофикаштириш ва бошқалар.

Иқтисодий:

- кишлоп хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш тизимини такомиллаштириш;
- ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатувчиларни молиявий рағбатлантириш;
- солик имтиёзлари жорий этиш;
- кишлоп хўжалигида сұғурта тизимини ривожлантириш;
- кулагай инвестицион шарт-шароитлар яратиш;
- кишлоп хўжалиги маҳсулотлари, ресурслар ва хизматлар баҳолари ўсишини мувофикаштириб бориш

Хукукий:

- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаoliyatiini тартибга солувчи амалдаги қонунларни такомиллаштириб бориш;
- қонунларни амалга ошириш механизmlarini ишлаб чиқиш;
- айrim хизмат турлари ва моддий-техник ресурслар етказиб берувчи корхоналар фаoliyatiining хукукий асосини барпо қилиш учун маҳсус қонунлар кабул қилиш

Ташкилий:

- кишлоп хўжалиги маҳсулотларини стандартлаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш;
- турли мулкчилик шаклидаги ресурс таъминоти ва хизматлар кўрсатувчи субъектларни ривожлантириш;
- бир турдаги хизмат кўрсатувчи корхоналарни кўпайтириш оркали ракобат мухитини кучайтириш;
- соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш

Ижтимоий:

- таъминот ва хизматлар соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этиш;
- кишлоп хўжалигида меҳнат қилиш шарт-шароитларини яхшилаш;
- моддий-техник ресурслар таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ходимларни меҳнат қилиши учун кулагай шарт-шароит яратиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш

3.6-расм. Аграр бозорни мутаносиб ривожлантиришдаги комплекс чора-тадбирлар йўналишлари⁵⁵

⁵⁵Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Ташкилий йўналиида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш, уруғчилик ва янги навлар яратиш, наслчилик ишларини яхши йўлга кўйиш, турли мулкчилик шаклларидағи ресурслар таъминоти ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожлантириш, бир хил турдаги хизмат кўрсатувчи корхоналарни кўпайтириш орқали рақобат муҳитини кучайтириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларни мунтазам қайта тайёрлаш, бошқариш тизимини такомиллаштириш ушбу соҳада кооперация ва интеграция жараёнларини ривожлантиришга кулагай шарт-шароитларни кенгайтириш тадбирлари ўз ечимларини топиши лозим.

Республика аграр секторини модернизация қилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда ҳозирда юзага келган вазиятни хисобга олиб ушбу соҳада қуидаги жиҳатларга эътибор берилган ҳолда ривожланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг иқтисодий йўналиши қуидагиларни ўзига қамраб олиши зарур:

- қишлоқ хўжалиги ва қайта ишланган маҳсулотлар сотиши ва дастлабки баҳо белгилаш тизимини такомиллаштириш;
- шароити оғир худудлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар, ресурслари билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш субъектларига давлат бюджетидан дотация ва субсидиялар бериш;
- моддий-техника ресурслари таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш корхоналарини имтиёзли, ўрта ва узок муддатли кредитлар ажратиш ҳамда уларга солик имтиёзларини жорий килиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат маҳсулотлари нархлари ўсиши суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва бу борада давлатнинг ролини кучайтириш;
- аграр соҳа корхоналарини ривожлантиришга давлат томонидан ва хусусий тармоқдан инвестицияларни жалб қилиш учун кулагай муҳит яратиш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасига таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи тизим корхоналарини ривожлантиришга ички ва ташки инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи иктисодий чоратадбирлар мажмунини ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий қилиш;
- маҳсулот етишириш, ресурслар таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш тизимида инновация жараёнларини жадаллаштириш;
- қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий қилишни қўллабкуватлаш бўйича маҳсус давлат дастурини қабул қилиш;
- ресурслар таъминоти, хизмат кўрсатиш корхоналарини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг пировард натижасидаги манфаатдорлик механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий этиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг ташкилий йўналиши куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигига ресурс билан таъминот ва сервис хизматлари кўрсатиш субъектларини ташкил этишда маъмурий ёндашувга барҳам бериш, бу борада кўйи бўғин ташаббусини қўллабкуватлаш, яъни, худудлардаги тегишли хизматларга бўлган ҳакиқий талабни инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишини кўзда тутиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ресурслар таъминоти ва хизмат кўрсатиш корхоналардаги ишчиларни малакасини ошириш ва меркетинг, менежмент ҳамда бошқа зарурӣ соҳалар бўйича энг замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва улар билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига сифатли, арzon ва ўз вактида зарурӣ моддий-техника ресурслари ва хизматларни етказиб бериш бўйича турдош шахобчалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

– уруғчилик, селекция ва наслчилик ишларини яхшилаш, ушбу масалалар бўйича таъминот тизимини такомиллаштириш, мазкур йўналишга ихтисослашган хўжаликларни ривожлантиришга давлат томонидан кўмаклашиш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йўналишлари бўйича (мева-сабзавотчилик, чорвачилик) аграр тармоқда интеграция ва кооперация жараёнларини ривожлантириш;

– таъминот, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш йўналишлари бўйича алоҳида ва уларни комплекс қамраб олувчи кооперативларни тузиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш кабилар.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг хукукий йўналиши куйидагиларни қамраб олиши зарур.

– маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги конунларни такомиллаштириб бориш;

– моддий-техника ресурслари ва хизмат кўрсатиш субъектларини молиявий кўллаб-куватлаш орқали хизматлар нархини пасайтириш тизимини такомиллаштиришни хукукий жihatдан такомиллаштириш.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг ижтимоий йўналиши куйидагилардан иборат бўлиши максадга мувофик:

– кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини корхоналарда ноанъянавий хизмат турларини кенгайтириш орқали аҳоли бандлиги даражасини ошириш;

– соҳада ишловчиларни даромадларини ошириш йўналишида кўшимча тармоқларни ривожлантириш, илм-фан натижаларидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга кўйиш;

– кишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ходимлар меҳнат килиши учун қулагай шарт-шароит яратиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқиш кабилар.

Сўнгти йилларда сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгариши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экологик мувозанат бузилиши, сизот сувлар кўтарилиши, ерлар шўрланиш даражаси ортиши, тупроқ таркибида чиринди камайиши оқибатида унумдорлиги пасайиши, минерал ўғитларни ҳаддан ташқари кўп қўллаш оқибатида тупроқ ва сувнинг заҳарли кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши каби салбий оқибатлар кузатилмоқда. Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг экологик ўналишдаги тадбирларини ишлаб чиқиши аҳамияти ортиб боради. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштириш, ресурслар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараённада корхоналар фаолиятини экологик назорат қилиш механизмларини жорий этиш тобора долзарблашмоқда.

Минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар билан ишлов берилганда тупроқни таркибидаги зарарли химиявий элементларни кўпайиши, оқова сувларга ўтиши ва атроф мухитга зарар келтириши, бир кисм заҳарли элементларни ҳавога ўтиши, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар таркибидаги тобора заҳарли химикатлар микдори кўпайиб бориши билан инсонлар саломатлигига зарар етиши ҳавфи ортиб боради. Бугунги кунда республикамида таркибида генмодификацияланган организмлар бўлган (ГМО) маҳсулотлардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш чегараларини белгилаш борасидаги ҳукукий базани шакллантириш зарурати ортиб бормоқда. Шунингдек, айни пайтда мамлакат манфаатлари доирасида қишлоқ хўжалигида ген инженерияси имкониятларидан фойдаланишини нафакат фан сифатида ривожлантириш балки, инсоният учун ҳавфи ёки зарурати даражасига объектив баҳо бериш учун ҳам миллий фан тармоғини шакллантириш, миллий мутахассислар мактабини яратиш зарурати янада долзарб масала ҳисобланади.

Экологик мувозанатни саклаш механизмини жорий этиш учун амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш, мавжуд меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

ХУЛОСА

1. Агроресурслар таркибига қишлоқ хұжалигидаги ерва сув ресурслари, қишлоқ хұжалиги техникалари, ишлаб чиқариш бинолари, маҳсулдор ва ишчи чорва моллари, асосий ишлаб чиқариш фондлари, табиий-иклим омиллари, нефть маҳсулотлари, минерал ва органик ўғитлар, айланма воситалар, кредит ва молиявий ресурслар шунингдек, агроресурслар таркибига товарга айланиши мүмкін бўлган аграр илм-фани ва техникаси ютуқлари, соҳа олимлари, соҳа олимлари томонидан яратилган интеллектуал мулк обьектлари ҳам фаол ресурслар таркибига киритилиши лозим.

2. Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари мустақил бўлсада, улар факаттана ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Шу боис, барча бозорлар мутаносиб ривожланган тақдирдагина аграр тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мүмкін.

3. Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари бозорини бошқа бозорларга нисбатан катор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб булар жумласига:

- ушбу бозорлар орқали инсонларни озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи таъминланади. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига одатда доимий ва барқарор талаб мавжуд бўлади;

- озиқ-овқат маҳсулотларига талаб шаклланишида баҳо ноэластиклиги ҳолати кузатилади. Бунда инсонларни даромади миқдори ошиши талабнинг кескин ошишига олиб келмайди;

- таклиф ҳажмини ўзгариши йил давомида об-хавони ўзгаришига боғлиқ ва ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик хусусияти маҳсулотта бозор баҳосини йил давомида ўзгариб туришига олиб келади;

- бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарувчи субъектлар сони кўплиги ва бозордаги иктисадий рақобатни катталиги билан ҳам ажралиб туради;

- асосий озиқ-овқат маҳсулотлари тез бузилиши, маҳсулотни саклашда ва ташишда қийинчиликлар туғдиради, саклаш муддатларини чеклайди.

4. Кишлөк хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бiriни түлдірувчи қисми ҳисобланади. Кишлөк хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлари бозори гарчи мустакил фаолият юритсада, лекин агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари бевосита қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари бозорига хизмат қилади.

5. Аграр бозорнинг институционал асосларини ривожлантиришда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

– бозорда қишлоқ хұжалиги маҳсулотлариға талаб ва таклиф, худудда ресурслар ҳамда хизматлар турларига бўлган талаб ҳажми, ракобатчиларни заиф ҳамда кучли жиҳатлари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларни хусусиятлари;

– қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, ресурслар сифати ва хизматлар сифати ҳамда турлари бўйича нархлари, тахминий сотилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан олинадиган фойда ва соликлар ҳажми, бозорда қанча улушга эгалик килиши мумкинлиги каби масалалар атрофлича ҳисобга олиниши талаб этилади.

6. Кишлөк хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришдаги мутаносибликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

– аграр секторда қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносиблигига эришиш учун, қишлоқ хұжалигини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, ҳукукий асослар қабул қилинишида, ресурслар таъминоти ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ўз ўрнига эга бўлиши лозим;

– аграр бозорни ривожлантиришда давлатнинг мувофиклаштирувчи ўрни ва таъсирини кучайтириш, баҳо, солик, кредит, суғурта ҳамда бошқа дастаклар орқали қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ўзаро мутаносибликда ривожлантиришни таъминлаш чор-тадбирлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш талаб этилади.

7. Ресурслар ишлаб чиқаришга самарали таркиб ва микдорларда жалб этилган ҳолатда, ҳар бир аграр бозор ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият олиб боргани ҳолда ҳеч бўлмагандан улардан биттаси ўз имкониятини аграр соҳадаги бошқа бир бозор хисобига яхшилаши мумкин.

8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш мутаносиблигини баҳоловчи мезонлар бозорларни ривожлантиришда муҳим дастак вазифасини бажариши лозим ҳамда бозорлар ривожланишини бошқариш имконини берадиган мезон ҳамда кўрсаткичлар ўз ўрнида нисбий тақкосланиши лозим.

Аграр бозорни мутаносиб ривожлантиришни таъминлашдаги асосий мезон сифатида “Ўртacha имкониятга эга бўлган аграр бозор субъектларининг товар маҳсулоти бирлигини тайёрлаш (етиштириш) хисобига сарф киладиган ишлаб чиқариш харажатларини қоплай оладиган даражадаги ўртacha баҳода маҳсулот сотишини таъминлаш” масаласи қабул килиниши ҳамда ушбу мезон доирасида қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим:

- аграр бозор доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарлар таклифи ҳажми ва унинг динамик ўзгариши ҳолати;
- аграр бозор доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарларга шаклланган талаб ҳажми ва унинг динамик ўзгариши ҳолати;
- аграр бозор доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарларни бозор баҳолари ва унинг мавсумий ўзгариши динамикаси;
- аграр бозор доирасида асосий олди-сотди обьекти хисобланадиган товарларни ўртacha баҳолари кўп йиллик индексларининг ўзгариш динамикаси. Мазкур кўрсаткичлар ўзгариши асосида тайёрланган хуносалар аграр бозорларни ривожланишидаги фарқларни илғаб олишга ва бозорлар ривожланиши мутаносилигини таъминлашга хизмат қиласи.

9. Агроресурслар бозори бизнингча умумий тарзда қуидагича таърифланиши мақсадга мувофиқ:

“Агроресурслар бозори” (АРБ) бу – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, тайёрловчи, ташувчи, саклаш ва савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар билан ресурслар етказиб берувчи тармоқлар ўртасида аграр тармоқ учун зарур бўлган моддий-техник ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш юзасидан пайдо бўлувчи ўзаро иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Мазкур тадқикотлар доирасида аграр тармоқ ишлаб чиқариши асосан туманлар ва қишлоқ худудларида мужассамлиги ва мамлакат ахолисининг 50 фоизига яқини қишлоқларда истиқомат қилиши боис, аграр тармоқ тўғрисида гап кетганда, биринчи навбатда, қишлоқ худудлари назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб то тайёр маҳсулот бўлгунгача оралиқдаги жараёнда “қишлоқ хўжалиги маҳсулоти” ёки “аграр тармоқ маҳсулоти” сифатида талқин этилади. Мазкур услугий ёндашувга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига қуидагича таъриф бериш тавсия килинади:

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори” (КХМБ) бу – қишлоқ хўжалиги корхоналари (бевосита ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги чорва моллари, моддий-техник ресурслардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар) томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун ёки бевосита охирги истеъмол учун, шунингдек, фойда олиш мақсадида харид қилиш ва сотиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори макон ва замон нуқтаи-назаридан турли кўриниш ва ҳажмларга эга бўлиши, аниқ географик маконда жойлашган бўлиши ёки бундай маконга эга бўлмаслиги хам мумкин.

Бажарадиган вазифалари, аграр тармоқни ривожлантиришдаги ўрни, фаолият юритиш механизмидаги хусусиятлар жихатидан агрохизматлар бозорига қуидагича таъриф бериш мүмкін:

“Агрохизматлар бозори” (АХБ) – бу қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар, аграр тармоқда ресурс таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар ва турли йұналишдаги хизматлар күрсатувчи бүғинлар үргасидаги хизматларни талаб ва таклиф қонунлари асосида ишлаб чыкаруш, таксимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуудан иборат.

Агрохизматлар бозори мустакил равища да бевосита асосий фаолият тури сифатида моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чыкарувчи аграр тармоқ корхоналарига, ресурслар билан таъминлаш субъектларига турли хизматлар күрсатиш билан шуғулланувчи инфратузилма обьектлари фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади.

10. Ҳозирда аграр соҳа тармоқлари доирасида ракобатли иқтисодий мухит шаклланиши мураккаблиги боисдан бозорларни мутаносиб ривожлантиришни таъминлашда давлатни мувофиқлаштирувчи роли ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Лекин, давлатни аралашуви маълум йұналишлар билан чегараланган ҳолда, аграр бозор доирасидаги сотувчи ва харидор фаолиятида иқтисодий Эркинликни таъминлаш талаб этилади. Бунда, устувор равища иқтисодий дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай дастаклар қаторига:

- аграр бозор доирасида мувозанатли баҳо шаклланишини таъминлаш орқали;

- аграр бозорни молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали;

- аграр бозорни субсидия, дотациялар ва божхона тизими дастаклари орқали;

- аграр бозорни мутаносиб ривожлантиришни таъминлашнинг ташкилий ва ҳукукий асосларини такомиллаштириб бориш орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

11. Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасида баҳо ўсиши нисбатлари бузилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базаси ёмонлашувига олиб келмоқда. Тармоқлараро баҳо ўсиши кўламига баҳо бериш ва ушбу жараёнда қишлоқ хўжалиги тармоғи қанча миқдорда ўз фойдасини бой берадётганлигини аниқлаш юзасидан услугуб тавсия қилинганд.

12. Маҳсулот баҳоси хўжаликка маълум фойдага эга бўлиш имконини берадиган ва бозор талаби шаклланишига тўсиқ бўлмайдиганбаҳолароралиғидан танланиши керак. Шу боис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки баҳо кўйишда куйидаги услублардан фойдаланиш лозим:

–хўжаликда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф қилган ўртача харажатларга фойда миқдорини қўшиш йўли билан;

–хўжаликни заарсиз ишлашини таъминлаган ҳолда маҳсулот сотишни рағбатлантирувчи баҳо сиёсатини юритиш орқали;

–маҳсулотлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳо белгилаш;

–бозорда маҳсулот сотиш пайтида шаклланган жорий баҳолар даражасини ҳисобга олган ҳолда тез ўзгариб турувчи баҳо услубида маҳсулотларга баҳо белгилаш каби услублардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Мехнат бозорида ишчи кучига талаб шаклланиши иш кучи баҳосини пасайтириш йўли билан эмас, балки янги иш ўринлари яратиш билан мувозанатга келтирилиши лозим. Бу биринчи навбатда давлатнинг иктисадий, молия-кредит, солик дастаклари орқали амалга оширилади.

Аграр меҳнат бозорини ривожлантиришда давлатнинг рағбатлантирувчи дастаклари асосан куйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

– аграр тармоқда бандлик даражасини ўсишини рағбатлантириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш давлат дастурлари доирасида;

– аграр тармоқ учун малакали иш кучи тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришга қаратилган давлат дастурлари доирасида;

– даврий ва табиий ишсизлик мавжудлигини хисобга олиб ишсизликни давлат томонидан ижтимоий сугурталаш борасидаги тадбирлар доирасида;

– ишсизлик даражасини пасайтиришга йўналтирилган иш кучи экспорти дастурлари доирасидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик.

14. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари,агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланиши мутаносиблигини таъминлашнинг кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсири:

